Етар мақсадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ!

Бобур ва дунё

Маънавий-маърифий, илмий, тарихий, бадиий журнал №1(26) 2023 йил. Март



Бугун биз барпо этаётган ижтимоий ва халқпарвар давлатда меҳр-шафқат, саховат ва ҳиммат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур. Токи азалдан “одамийлик диёри” деб шуҳрат қозонган Ватанимизда ҳар бир инсон халқимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборини тўла ҳис қилиб яшасин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ
байрамига бағишланган тантанали
маросимдаги табрик нутқидан.

МУНДАРИЖА

4. Эссе

Хуршид ДАВРОН.
Самарқанд хаёли



22. Илмий тадқиқот

Нурбой ЖАББОРОВ.
Миллий руҳият мусаввири

28. Халқаро ҳамкорлик

Тўлқин САЙДАЛИЕВ,
Элмирза ЭРКАЕВ.
Озар тилинда сўзлайди Бобур...

30. Янги китоб

Жума ЖЎРА.
Бобур ҳикматлари немис тилида ёхуд бутун дунёга татийдиган ажойиб битик



33. Тақдир ва тарих

Бобур МЎМИНОВ.
Бароқхон



34. Ўлмас сатрлар

Амирқул ПЎЛКАН.
Бевақт гулламоқдан асра, эй тақдир...



38. Суврат ва сийрат

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД.
Олтинқалъадан чиққан гавҳар




44. Таассурот

Бек МИРЗО.
“Унутмағил бу номурод Бобурни”



50. Қардошлик ришталари

Огулбай ГАЙЛИЕВА.
Бобур баҳор бобида



54. Талқин

Улуғбек АКТАМ ўғли.
Самарқанд осмонида порлаган юлдузлар



60. Бобурий маликалар

Румер ГОДЕН.
Гулбадан



64. Мозийдан садо

Улуғбек ЖУМАЕВ.
Зарафшон воҳасининг марвариди



76. Ҳикоя

Миркарим ОСИМ.
Широқ





Жасурлиги учун “Бобур” номи билан кўпроқ машҳур бўлган Заҳириддин Муҳаммад Умаршайх мирзонинг суюкли хотини Қутлуғ Нигорхонимдан саккиз юз саксон саккизда, муҳаррам ойининг олтинчи куни (1483 йилнинг 14 феврали) дунёга келди.

САМАРҚАНД ХАЁЛИ



Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон Халқ шоири.

Самарқанд хаёли бошга тушубтур...

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”.

Олтин қозиқ ўрни – Самарқанд атрофида шаддод отлар гурсиллаб айланади...

Безовта отларнинг туёқларидан ўт чақнаб ўтмиш билан келажак зулматини ёритар, ер гурсиллаб силкинар, ўлимини бўйнига олган чавандозлар эгинидаги жавшанлар, қўлларидаги қиличу қалқонлар жаранги Мовароуннаҳру Хуросон фуқароларини қўрқувга солар, ҳукмдорларнинг нотинч кўнгилларида ҳавас ғунчаларини очар ва хазон қиларди.

Олтин қозиқ ўрни – Самарқанд атрофида шаддод отлар гурсиллаб айланади...

Бу жангари отлар жилову кишанни тан олмайди, лекин чавандозлар дили кўринмас иплар билан олтин қозиққа маҳкам боғланган. Бу кўринмас ипларни фақат ҳаёт ришталарини кесгувчи бешафқат ўлим тиғигина узишга қодир...


Олтин қозиқ ўрни – Самарқанд атрофида шаддод отлару, баҳодир ва номард чавандозлар билан бирга ҳавас ва ҳасад, муҳаббат ва қаҳр, донолик ва жаҳолат, тантилик ва номардлик, садоқат ва хиёнат айланади...

* * *

“Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳар камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур... Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба билан мунга даст топмоғи учун балдаимаҳфуза дерлар. Самарқанд ҳазрати амирул-мўъминин Усмон замонида мусулмон бўлғондур. Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда борғондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг тошидадур. Ҳоло мозори Шоҳга машҳурдир. Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семиканд (бошқа нусхада “Семизқанд”) дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эрди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур. Қўрғонини фаслнинг устидан буюрдимким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти.

Эли тамом сунний ва пок мазҳаб ва муташарриъ ва мутадаййин элдур. Ҳазрати рисолат замонидан бери ул миқдор аиммаи исломким,

Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум эмаским, мунча пайдо бўлмуш бўлғай... Шарқи Фарғона ва Қошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошкенд ва Шоҳрухияким, Шош ва Банокат битирлар, жануби Балх ва Тирмиз, Кўҳак суйи шимолидин оқар, Самарқанддин икки қуруҳ бўлғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубтур, Кўҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидин оқар учун Кўҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуғ руд айирибтурлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидин оқар, Самарқанддин бир шаръий бўлғой. Самарқанднинг боғот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур. Бухоро ва Қоракўлгачаким, ўттуз-қирқ йиғоч йўлға ёвуқлашур, Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдур. Мундоқ улуғ дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухорога сув етмас. Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдир: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд. Қиши маҳкам совуқтур, қори агарчи Кобул қорича тушмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йўқтур.



Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг имороти ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлиқ, Кўк саройға мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур. Яна Оҳанин дарвозасиға ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумаъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндустондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни "Ва из ярфау Иброҳимал-қавоида (ило охириҳи)" андоқ улуғ хат била битибтурларким, бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий имораттур. Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарвозасиға хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкда Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар. Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида Конигилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат дерлар, бир боғ солибтур. Нақши жаҳонға мавсум. Мен кўрган маҳалда бу боғ бузулуб эрди, оти беш қолмайдур эди. Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чанордур, қалъаға ёвуқтур. Яна Самарқанднинг қуйи ёнида Боғи Шамол ва Боғи Биҳиштур. Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг тош қўрғонида – Чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин ҳар кимки Самарқандда подшоҳлик қилибтур, аларнинг қабри ул мадрасададур.

Улуғбек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар. Яна ушбу мадраса ва хонақоҳға ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур. Мирзо ҳаммомиға машҳурдур, ҳар навъ тошлардан фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандта онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай. Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ дерлар. Бу жиҳаттин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитоий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур. Бу масжид-

нинг қибласи била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ғолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тарийқи била амал қилибтурлар. Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида расаддурким, зич битмакнинг олатидур. Уч ошёнликдур. Улуғбек мирзо бу расад била Зичи Кўрагонийни битибтурким, оламда ҳоло бу зич мустаъмалдур. Ўзга зич била кам амал қилурлар...

Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур, Боғи Майдонға мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилсутун дерлар, ду ошёна, сутунлари тамом тошдин. Бу иоратнинг тўрт бурчида тўрт манордек бурж-лар қўпоритурларким, юққориға чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юққориғи ошъёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу имораттин Пуштаи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлғой, арзи етти-саккиз қари, умқи бир қари. Мундоқ улуғ тошни хейли йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтиргандин сўнг бу дарз бўлғондур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинийхона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур.

Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гумбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин лақ-лақ ун келур, ғариб амердур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас...

Самарқанд шаҳри ажаб ороста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўб нонволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғаз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғазлар суйи тамом Конигилдин келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар. Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар.

Гирдо-гирдида яхши ўланглари бор. Бир машҳур ўланг Конигил ўлангидир. Самарқанд шаҳридин шарқ тарафидур, бир нима шимолға мойил, бир шаръий бўлғой. Қора сувким, Обираҳмат ҳам дерлар, Конигилнинг ўртасидин оқар, етти-саккиз тегирмон суйи бўлғой. Бу сувнинг атрофи тамомо обгирдур. Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Кони обгир экандур, вале тарихларда тамом Конигил битирлар, хейли яхши ўлангдур. Самарқанднинг салотини ҳамиша бу ўлангни қуруқ қилурлар. Ҳар йил бу ўлангга қуруқ қилурлар. Ҳар йил бу ўлангга чиқиб бир ой, икки ой ўлтурурлар. Бу ўлангдин юқорроқ шарқи жануб сари яна бир ўланг воқе бўлубтур. Хон юртиға мавсум, Самарқанднинг шарқидур, Самарқандтин бир йиғоч бўлғай. Бу қора сув анинг ораси била ўтуб, Конигил борур. Хон юртида бу қора сув андоқ юққоридин эврулуб келибтурким, ичида бир ўрду тушгунча ер бўлғай. Чиқар ери хейли тор воқе бўлубтур. Бу ернинг сирфасини кўзлаб, Самарқанд муҳосарасида неча маҳал мунда ўлтурулуб эди. Яна бир ўланг Бўдана қўруғидур, Дилкушо боғи била Самарқанд орасида воқе бўлубтур. Яна бир Кўли мағоқ ўлангидур, Самарқандтин икки шаъриға ёвушқай, қарб саридур, бир нима шимолға мойил. Бу ҳам тавр ўлангедур. Бир ёнида бир улуғ кўл воқе бўлубтур, бу жиҳаттин кўли Мағоқ ўланги дерлар. Самарқанд муҳосарасида мен хон юртида ўлтурғонда бу ўлангда Султон Али мирзо ўлтуруб эди. Яна бир Қулба ўлангидур, бу мухтасарроқ ўлангдур. Шимоли Қулба кенти ва Кўҳак дарёси, жануби Боғи Майжон ва Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбоғи, шарқи Пуштаи Кўҳак.

Темурбек Самарқанднинг ҳукуматини Жаҳонгир мирзоға бериб эди. Жаҳонгир мирзонинг фавтидин сўнг, улуғ ўғли Муҳаммад Султони Жаҳонгирга берди. Шоҳруҳ мирзо жамиъ Мовароуннаҳр вилоятини улуғ ўғли Улуғбек мирзога бериб эди".

Бу сатрларни улуғ жаҳонгир Амир Темур салтанатини тилаб, тенгсиз давлатнинг абадул-абад барқарор бўлиб туюлган тахти истагида Самарқандга бир неча бор қўшин тортиб борган, гоҳ ололмай умидсиз қайтган, охир забт этгач қамал азобига дош беролмай кечаси шаҳарни ташлаб қочган, кейинги сафар эса босқинчилар кўмагида бошқа босқинчилардан бобоси тахтини олмоқни хаёл қилган, аммо оғир хатога йўл қўйганини англаб бир умр азоб чеккан, аммо умрининг охиригача Самарқанд хаёлида яшаган темурийзода битган. Бу сатрларни битаётганда сочларига оқ тушиб, салтанат ҳавасига қўл силтаган, кўпроқ шеър ишқида ёнишни истаган ёшда эди. Аградаги ўзи Зарафшон деб ном берган боғда ўтириб, умр дафтарини қораларкан, кўз ўнгидан ўша аламли ва ширин, умидсиз ва саодатли кунлар ўтар, хаёлида гоҳ мовий осмонга сингиб кетай деб турган Гўри Мир сағанасининг нилий гумбази, гоҳ Конигил яланғликлари, гоҳ Кўҳак сувларининг мавжларида танга сочаётган ой – Самарқанд ойи – Мовароуннаҳр ойи – Туркистон ойи жонланарди.

Бу сатрлар фақат жангу-жадал, жангоҳлардаги лахта-лахта оққан қонлар, ёру-дўстларнинг ўлими, душманни қувган кезда дилда жўшган сурур, душман қувганда бечоралиғ туйғуларигина эмас, бу сатрлар йироқда қолган она ҳақидаги ташвиш, илк туғилган гўдак ўлими изтироби, хасталанган фарзанди учун жонини садақа қилишга тайёр ота ҳолати, она юртдан қувғин юрак фиғонлари ҳам эди.

У бу сатрларни битаётганда ўз умрини бошқатдан, хатолиғларни такрорламай, душманлар фитнасига учмай, дўстлар қаҳридан ранжимай, уларни алқаб яшашга тайёр эди – фақат Самарқанд нонини Обираҳмат сувига бир бор бўктириб еса, чўғдек порлаб турган Қува анорини ўзи узиб, Қорасув пичоғи билан тилимласа бўлди. Аммо, умр қайтмас, умр шамол эканини билгани учун ҳам қаламидан тўкилган ҳар бир сатр соғинч изтироби билан йўғриларди, холос...

БИРИНЧИ ҚИСМ



Тарих саккиз юз тўқсон тўққизда, рамазон ойининг бошида (1494 йилнинг июн ойи) Фарғона вилоятида ўн икки ёшли бола подшоҳ бўлди. У темурий зотдан, Турон султонининг учинчи ўғли Мироншоҳ наслидан бўлиб, Султон Умаршайх мирзонинг фарзанди эди. Умаршайхдан уч ўғил: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жаҳонгир мирзо, Носир мирзо; беш қиз: Хонзодабегим, Меҳрбонубегим, Шаҳрбонбегим, Ёдгор Султонбегим, Руқия Султонбегим қолди. Бола подшоҳ мана шу фарзандларнинг энг каттаси Заҳириддин Муҳаммад мирзо эди.

Ровийларнинг хабар беришича, бола туғилганида "ул зот бобарокатиға ҳазрат Хожа Аҳрори Валий, қуддуси сирраҳ, Мирзо Заҳириддин (деб) ном қўйғон эканлар. Ва бул исм баъзи авом халқнинг тилларига кирғон келди. Эрса ҳазрат Хожа Аҳрори Валий Мирзо Бобур исмиға хитоб қилдилар. Хутбада хатиблар Муҳаммад Заҳириддин Бобур ўқир эрдилар".

Кейинроқ жасурлиги учун айни шу "Бобур" номи билан кўпроқ машҳур бўлган Заҳириддин Муҳаммад Умаршайх мирзонинг суюкли хотини Қутлуғ Нигорхонимдан саккиз юз саксон саккизда, муҳаррам ойининг олтинчи куни (1483 йилнинг 14 феврали) дунёга келди.

Қутлуғ Нигорхоним Тошкент хони Юнусхоннинг иккинчи қизи бўлиб, Бобур мирзо тахтга ўлтирган эгачиси эди. Демак, Бобур мирзонинг отаси туркий, онаси мўғул наслидан бўлган. Отасининг шажараси қуйидагича: Умаршайх мирзо – Султон Абусаид мирзо – Султон Муҳаммад мирзо – Мироншоҳ – Темур; онасининг шажараси эса қуйидагича эди: Юнусхон-Вайсхон-Шерали ўғлон – Муҳаммадхон-Хизрхўжахон – Туғлуқ Темурхон-Эсон Буғахон – Дувахон – Бароқхон-Есун Тува-Мўватугон – Чиғатойхон-Чингизхон. Шу билан бирга, Бобур мирзо онасининг томирида қипчоқ қониям бор эди. Юнусхоннинг онаси туркистонлик қипчоқ бекларидан, Темур ҳурмат кўрсатган Шайх Нуриддинбекнинг зурриёди бўлганлиги ҳақида кўҳна китоблар хабар беради.

"Паст бўйлуқ, тегирма соқоллик, кўба юзлук" Умаршайх мирзо бобокалони Амир Темурга тақлид қилиб аксар мўғулий бўрк киярди. Яхши кўрган машғулоти "Шоҳнома"ни мутолаа қилиш эди. Қиличидан кўра, муштининг зарби кучлироқ бўлиб, урса, йиқитарди. Йигитлигида кўп чоғир ичарди, ичгандаям, хушсуҳбат улфатлар даврасида ичишни ёқтирарди. Ёшлик чоғларида дурустгина ғазаллар битганига қарамай, кейинчалик машқини давом эттирмади. Темурийлар анъанасига кўра каптар сақларди, жангу-жадал ва шикордан бўш вақтларини тикка жар лабида тикланган Ахси қўрғонидаги каптархонасида ўтқазарди. Саккиз юз тўқсон тўққизинчи йил (1493) рамазон ойининг тўртида, душанба куни Умаршайх мирзо ўттиз тўққиз ёшда кутилмаганда, каптархона билан жарга учиб ҳалок бўлди.

"Бу воқеа даст берганида ман Андижон чаҳорбоғида эдим, – деб ёзади Бобур мирзо "Бобунома"да. – Сешанба куни, рамазон ойининг бошида бу хабар Андижонга келди. Изтироб била отланиб, қошимдаги навкар ва савдар била қўрғон азимати қилдим".

Бироқ, йўлга отланган шаҳзода ҳали шаҳардан чиқмай, отасига содиқ беклардан бири Ширим Тоғойи Бобур мирзо ҳузурига етиб келди ва унга тезда Ўзган тарафга кетиш зарурлигини айтди. Тоғойининг айтишича, биродарининг ўлимидан хабар топган Самарқанд тахтида ўтирган Султон Аҳмад мирзо Андижон устига қўшин тортиб келаётган эмиш. "Бу хабар етса, айрим беклар сизни ва вилоятни ул мирзоға топширғуларидур", – деди Ширим тоғойи Ўзганга кетиш ҳақидаги таклифининг тасдиғи сифатида. Ёш мирзонинг бир оз тараддудланганини кўрган Ширим тоғойи уни кўндириш учун яна шундай деди: "Мабодо алар вилоятни берсалар, сиз иликка тушмай, тоғойингиз Олачахон ё Султон Маҳмудхон ҳузуриға борғайсиз". Бобур мирзо ночор Ўзганга қараб кетишга рози бўлди.

Аммо Андижоннинг эътиборли казо-казоларидан бири бўлган Хожа Мавлонойи Қози ва беклар бундан огоҳ бўлгач, унинг қошига шошиғич етиб келдилар ва шубҳа қилишга ўрин йўқлигини айтдилар. Уларга ишонган шаҳзода Аркка келиб тушди. Хожа Мавлонойи қози ва беклар унинг қошига келиб янги тахт эгасига содиқ эканликларини айтиб, Қуръон устида қасам ичдилар. Сўнг кенгаш тузилди ва қўрғон ҳимоясига тайёргарлик маслаҳати бўлди.

Султон Аҳмад мирзо қўшини Андижондан тўрт йиғоч масофадаги Қубо (Қува) кентига қўнгани ҳақида хабар етгач, Бобур мирзо кўпчиликнинг маслаҳати билан амакиси ҳузурига элчи жўнатди. Элчи Султон Аҳмад мирзога Бобур мирзонинг мактубини топширди. Мактубни ўқиб, Султон Аҳмад мирзонинг пешонаси тиришди. Мактубдаги "Вилоятта мулозимлардин бир кишини худ қўюлғусидур. Мен ҳам мулозим ва ҳам фарзанд, агар бу хизматни манга уҳда қилсалар яхшироқ ва осонроқ файсал топқисидур", деган жумлаларни ўқиб, жиянининг муштдек боши билан катта кишидек мушоҳада юргизганига ичида таҳсин ўқиди.

Бобур мирзо ўз амакисига бўй-

сунишдан бошқа иложи йўқлиги учун ҳам ўзини унга мулозим деб аташга мажбур эди. Бу билан отаси тахтига бўлган ҳуқуқини сақлаб қолишга интиларди.

Аммо, Султон Аҳмад мирзо жиянининг иноятталаб сўзларига парво қилмай юришини давом эттирди. Бироқ, Самарқанд қўшини Қувасой кўпригига етганда фалокат юз берди. Лашкар тиқилиб, тор кўприк оғирликни кўтаролмай бир томонга қийшайиб ағанади, кўп кишилар, отлар ва тевалар тез оқар сув дастидан нобуд бўлди. Бундан беш йил бурун (Бобур мирзо уч-тўрт йил деб хато қилади) мўғуллар билан жангда мағлубиятга учраб, чорасиз қолганида, Чирчиқ сувида кўп одами қурбон бўлганини эслаган Султон Аҳмад мирзо таҳликага тушди, қолаверса, ўша мудҳиш воқеани унутмаган лашкар ичида ваҳима бошланди. Бунинг устига от ўлати бошланиб, отлар таппа-таппа йиқилиб, типирчилаб жон бераётганини кўрган лашкар дилидаги ваҳима ўрнини қўрқув эгаллади. Шу сабабдан ҳам Султон Аҳмад мирзо ўз жияни билан сулҳ тузиб, ортига қайтишга мажбур бўлди.

Амакисининг ортга қайтганидан қувонган Бобур мирзонинг шодлиги узоққа бормади. Энди тошкентлик тоғаси Султон Маҳмудхон бошлиқ мўғуллар қўшини ҳам Андижон ерига кўз олайтириб йўлга чиққани, келиб Ахси қўрғонини қаттиқ қамал қилгани ҳақидаги хабар етди. Бобур мирзо ҳуқуқини парвардигорнинг ўзи ҳимоя қилдими, Султон Маҳмудхоннинг ҳам омади юришмади. Қанчалик уринмасин, Ахсини олишга қурби етмади. Ахсилик ҳимоячиларнинг матонат билан жанг қилишини кўрган Тошкент ҳукмдори ўз манзилига қайтишни маъқул кўрди.

Бундай бошбошдоқликларни кўриб, бир-икки беклар ҳам қасамни бузиб, ёш мирзога қарата душманлик йўлига ўтдилар. Бироқ, Умаршайх мирзонинг содиқ беклари уларни тез орада тинчитдилар. Фақат мана шундан кейингина Бобур мирзо бевақт шаҳид бўлган отаси азасини бажо келтириб, элга ош тарқатиш имконига мушарраф бўлди.

Андижон юришидан қайтаётган омадсиз Султон Аҳмад мирзо Ўратепа қўрғони яқинидаги Оқсув деган жойга етганда тўсатдан оламдан кўз юмди. Кетма-кет фано топган Султон Абусаид мирзонинг ўғиллари бўлмиш Султон Аҳмад мирзо билан Умаршайх мирзонинг тахти узоқ бўш турмади. Андижон тахтига Бобур мирзо, Самарқанд тахтига Султон Аҳмад мирзонинг ўрнини оладиган ўғли бўлмаганидан, Ҳисор, Қундуз, Хатлон ва Бадахшоннинг ҳокими бўлган иниси Султон Маҳмуд мирзо ўтирди. Аммо Султон Маҳмуд мирзонинг тахтдорлиги узоққа бормади, орадан кўп вақт ўтмай, у ҳам икки биродари кетидан чин дунёга равона бўлди. Бизнинг мақсадимиз Бобур мирзонинг бобокалони Амир Темур тахтини эгаллаш йўлида Самарқандни уч марта қўлга киритиши ҳақида ҳикоя қилиш экан, шу ўринда Умаршайх мирзо фарзандининг шу мақсаддаги кураши асосан мана шу Султон Маҳмуд мирзонинг ўғиллари Бойсунқур мирзо ҳамда Султон Али мирзо билан бўлганини айтиш фойдадан холи эмас.

Хуллас, биз кўз тиккан даврда Андижонда Бобур мирзо Самарқандда отаси вафотидан сўнг тахтни эгаллаган Бойсунқур мирзо, Тошкентда мўғул Султон Маҳмудхон, Ҳиротда ўша давр темурий ҳукмдорларининг энг кучлиси Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмрон эдилар.

Темур давлати таркибига кирган, сўнгги пайтларда Умаршайх мирзо тасарруфида бўлган Тошкент қандай қилиб мўғул хонлари қўлига ўтди? Бу воқеа тарихини билиш учун ортга қайтамиз. Темур ўлими билан бошланган ўзаро низолар давомида Тошкент гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро, гоҳ Фарғонага бўйсунди. Султон Абусаид мирзо ҳукмронлиги даврида (1451-1469) Тошкент кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайрхон (1428-1468) томонидан забт этилади. Аммо бир оз вақтдан сўнг яна темурийлар ихтиёрига ўтади. Юқорида айтганимиздек, у Умаршайх мир-

зо ҳукми остида бўлади. Умаршайх мирзо мунтазам равишда қўшни вилоятларга ҳужум қилар, янги ерларни босиб олиш иштиёқида тез-тез тинчликни урушга ва дўстликни душманликка алмаштирарди. Умаршайх мирзо ҳарбий юришлари муваффақиятини таъминлаш учун қайнотаси мўғул хони, Қошғар ҳукмдори Юнусхондан кўп марта кўмак сўрайди. Айнан мана шу ёрдами эвазига Умаршайх, ўзининг кабутархонаси билан бирга жарга қулаб ҳалок бўлишидан бир неча муддат аввал, Тошкентни Юнусхоннинг ўрнига тахтга ўтирган Султон Маҳмудхонга инъом этади. "Ўшал фурсатдин тарих тўққиз юз саккизгача Тошкент ва Шоҳруҳия вилояти Чиғатой хонларининг тасарруфида эди. Бу фурсатда мўғул улусининг хон ва султонлиғи Юнусхоннинг улуғ ўғли – менинг тоғойим Султон Маҳмудхонда эди".

Бу воқеалар "Абдулланома"да қуйидагича тасвирланади: "Юнусхон ўзининг Нигорхоним (Асл исми Меҳр Нигорхоним) исмли катта қизини унинг (Султон Абусаид мирзонинг – Х.Д.) тўнғич ўғли Султон Аҳмад мирзога берди ва дедики, "унинг отаси душманликни дўстлик билан алмаштирди, мен дўстликни қариндошликка айлантираман". Яна бир қизи Қутлуғ Нигорхонимни Султон Абусаид мирзонинг бошқа ўғли Умаршайх мирзоға берди ва ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур ундан туғилди. Султон Нигорхонимни Султон Абусаид мирзонинг яна бир ўғли Султон Маъсуд мирзога юборди... Юнусхон бу уч куёвидан Умаршайх мирзога муҳаббати ортиқроқ эди. Чунончи, Юнусхон ҳамиша Андижонга келиб, икки-уч ой турарди ва Умаршайх мирзо ҳам ўз навбатида Мўғулистонга бориб бир неча кун у ерда туриб қоларди. Бир гал Умаршайх мирзо Юнусхонни Мўғулистондан чақириб, Марғилонни иноят қилди, илгари унга Ўшни берган эди.

(Султон Абдусаид мирзо томонидан Тошкентга ҳоким қилиб қўйилган) шайх Жамол ҳам ўлдирилгач, Умаршайх мирзо Тошкент билан Шоҳруҳияни ўзига қаратиб олди... Султон Аҳмад мирзо Умаршайх мирзога пўписа ва тажовуз қилишгача етди ва Умаршайх мирзо ваҳимага тушиб, Юнусхонга одам юборди ва Тошкентни унинг мулозимларига беришга ваъда қилди".

Султон Аҳмад мирзо Тошкентни инисидан тортиб олиш учун йўлга чиққандан кейин, Умаршайх ҳам қайнотаси кўмагига ишониб, қўшин бошлаб Сирдарё ёқасига келиб қўнди. Сайрамдан йўлга отланган мўғуллар лашкари Умаршайхнинг қайноғаси Султон Маҳмудхон раҳбарлигида унга келиб қўшилди. Бир-бирларига қилич пешлаб турган бу уч лашкар жанг бошлай деб турган бир вазиятда орага ўша даврнинг энг нуфузли дин арбоби Хожа Насриддин Убайдуллоҳ (Хўжа Аҳрор номи билан машҳур бу шахс ҳақида қиссамиз давомида ҳали ҳикоя қиламиз) тушиб, қон тўкилишига йўл қўймади. "Ул ҳазрат ўша тўпланганлар ҳузурида ҳозир бўлиб, ҳар уччала подшоҳни бир гиламга ўтқиздилар ва сулҳ масаласини ўртага қўйиб, бир-бирлари билан яраштириб қўйдилар". Бобур мирзонинг ҳам Хўжа Аҳрорга ихлоси баланд эди. Бу воқеалардан бир неча йиллар ўтгач, у Хўжа Аҳрорнинг тасаввуф таълимоти баён қилинган "Рисолаи Волидия" асарини туркий тилда шеърга солгани мана шу ихлос оқибати эди.

Султон Аҳмад мирзо мураббий ва муқаввий деб қўл берган Хожа Убайдуллоҳ сўзига кириб, низодан кечгандан сўнг, Султон Маҳмудхон сулҳ шартига биноан ўзига теккан Тошкентга қараб жўнади ва уни эгаллади. Бир-бирига тиғ кўтарган икки ини эса ўз юртларига умидсиз қайтдилар. Орада Султон Маҳмудхон ютди. Бу сулҳнинг битилиши ва Султон Маҳмудхоннинг Тошкентни эгаллаши саккиз юз тўқсонинчи йилда (1485) юз берди. Орадан анча вақт ўтмай, Юнусхон Самарқандга – Султон Аҳмад мирзо қошига совчи жўнатиб, мирзонинг гўзал қизи Қоракўзбегимни ўғли Султон Маҳмудхонга олиб берди.

Аммо, машойихлар, бир гиламда ўн дарвиш сиғса-сиғар, аммо икки

(бизнинг вазиятда уч) подшоҳ бир иқлимга сиғиши қийин деганларидек, Сирдарё ёқасида бир гиламга ўтқизилган уч подшоҳ ўртасидаги сулҳ узоқ чўзилмади.

Ҳафиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, Юнусхон вафот топиб, чин дунёга кетгач ва бу воқеанинг содир бўлганлиги ҳамма ерга тарқалгач, ўша йили Мўғулистоннинг ҳамма улуси Султон Маҳмудхонга тобе бўлиб, уни хонлик маснадига ўтқиздилар ва мўғул расми билан коса кўтардилар. У тахтга ўлтиргандан кейин Умаршайх мирзо ва Султон Аҳмад мирзо ҳар тарафдан низо ва уруш бошладилар. Даставвал Умаршайх мирзо жангчилари билан Тошкентга юрди.

Умаршайх мирзо жадал юриб, Ховос қалъасини эгаллади. Аммо дастлаб Султон Маҳмудхондан, кейин иниси Султон Аҳмад мирзодан қаттиқ зарбага учраб, Андижонга қайтиб кетишдан бошқа иложи қолмади. Бу саккиз юз тўқсон иккинчи (1487) йилда юз берди. Роппа-роса бир йил ўтгач, Султон Аҳмад мирзо яна Тошкент устига юрди. У дил раҳбари Хўжа Аҳрорнинг "Ул вилоятни биз тузғон сулҳ юзасидан Султон Маҳмудхонга берганмиз. Бу сулҳга қадам қўйиш қоидадан ғоят йироқдур. Муқаррарки, аҳдни бузиш ёмон иш, бунга ташаббускор бўлғонлар чин саодатдан маҳрумдир", – деб берган ўгитига қарамай икки шаҳар орасидаги 30 тошлик масофани жадал босиб ўтиб, Тошкентни келиб қамади. Аммо уч кунча шаҳар ичидагилар билан ташқаридагилар ниманидир кутгандек жанг бошламай бир-бирларига муқобил турдилар. Улар Хўжа Аҳрорни кутган бўлсалар, ажабмас.

Камолиддин Биноий "Шайбонийнома"да ҳикоя қилишича, Бобур мирзонинг бўлажак рақиби Муҳаммад Шайбонийхон бу юришда Султон Аҳмад мирзонинг лашкари билан бирга эди. Бироқ, бундан бирмунча вақт аввал Султон Аҳмад мирзонинг амирлари унга қарши бир неча бор фитна уюштириб, ҳатто суиқасд қилишгача етганлари учун у Самарқанд ҳукмдоридан ранжиб, Шоҳруҳияга етганда, темурийлар лашкарини тарк этди ва мўғуллар томонга ўтиб, Султон Маҳмудхон билан иттифоқ тузди.

Камолиддин Биноий сўзига шак келтирмаган ҳолда, Шайбонийхоннинг Султон Аҳмад мирзо қўшинини тарк этиши ва Султон Маҳмудхон билан иттифоқ тузиши, Тошкентни қамал қилганлар билан ичкаридаги мўғуллар орасида жанг бўлмаган уч кун ичида юз бергани бизда айрим гумонлар қилишга имкон беради. Фитна-ю, суиқасдга учраган Шайбонийхон нима учун Тошкентга қараб отланмагунча Самарқанд қўшинини тарк этмади? Менинг ўйлашимча, мана шу уч кунда Султон Маҳмудхон Шайбонийхон билан яширин алоқа ўрнатган бўлиши мумкин. Ҳар иккаласи ҳам темурийларга қарши бўлган бу шахслар ўзаро тил бириктириш фойдадан холи эмаслигини яхши англардилар.

Нима бўлгандаям, мана шу қамал кунларида Шайбонийхон билан Султон Маҳмудхон ўртасида ишонч аҳди тузилди. Уч кундан кейин улар учрашдилар. Оқибатда бу иттифоқ туфайли зўрайган Султон Маҳмудхон Самарқанд қўшинига жиддий шикаст етказди. Султон Аҳмад мирзо жуда кўп одамини йўқотиб, қочишга мажбур бўлди. Юқорида бир қур тилга олиб ўтганимиздек, навкарларнинг кўпчилиги Чирчиқ дарёсининг ёввойи тўлқинларини кечаётиб, таҳликаю-қўрқувдан мадорсизланиб, сувга оқиб нобуд бўлдилар.

Хуллас, мана шу воқеадан сўнг Бобур мирзонинг отаси Умаршайх мирзо ўз қайноғасига тобора кўпроқ бўйсунди. Отасининг фожиали ўлимидан сўнг тахтга ўтирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам тоғаси Султон Маҳмудхонга тобеликни бўйнига олишга мажбур эди.

Султон Маҳмудхон барча мўғул хонлари каби ўз бобокалони Чингизхон шуҳрати, Чиғатой давлати шукуҳини қўмсар эди. У темурийлар билан қариндошлик қилса-да, суюклик хотини Қоракўзбегимдан дунёга келган фарзандлари томирида темурийлар қони оқиб тур-

сада, ичида уларни – Чингизхон давлати қудратини кунпаякун этиб, шамолга совурган буюк жаҳонгир Амир Темур, даҳшатли Темурланг авлодларини хуш кўрмасди. Шунинг учун ҳам боболари шер бўлганини унутиб, мушукларга айланган темурийзодаларнинг бир-бири билан олишиб, кучсизланганидан фойдаланиб, ўз ер-сувини кенгайтириш билан шуғулланарди. Шу мақсадда темурийлар тарқоқлигини яна ҳам кучайтириш учун уларни бир-бирига қайрарди. Султон Маҳмудхон Бобур мирзонинг бобоси Султон Абусаид мирзо бир пайтлар бу усулни мўғулларга қўллаганидан яхши хабардор эди.

Султон Маҳмудхоннинг бобоси Вайсхоннинг икки ўғли бор эди. Бири унинг отаси Юнусхон, иккинчиси Эсон Буғахон. Вайсхон вафот этгач, унинг амирлари боболар одатига тескари иш тутиб, Юнусхондан ёш бўлган Эсон Буғахонни хон қилиб кўтардилар. Шу сабабдан Юнусхон ота юртидан кетишга мажбур бўлди. У Самарқандга – Мирзо Улуғбек Кўрагон ҳузурига борди. Улуғбек мирзо уни илтифотсизлик билан кутиб олиб, асир сифатида Ҳиротга – отаси Шоҳруҳ мирзо қошига йўллади. Шоҳруҳ мирзо ўғлининг бу номақбул ишидан хафаланиб, Юнусхонга кўп марҳаматлар кўрсатди. Сўнг уни Яздга – Шарафиддин Али Яздий ҳузурига "фазлу камол касб қилсин" деб жўнатди. Юнусхон йигирма тўрт ёшидан қирқ ёшигача ўша манзилда яшади. Бу орада Шоҳруҳ мирзо ҳам, Улуғбек мирзо ҳам оламдан ўтдилар. Юнусхонни эса ҳамма унутгандек эди. Аммо шундай воқеалар содир бўлдики, унинг борлигини эслаб қолишди.

Ўша пайтларда Султон Абусаид мирзо бутун Мовароуннаҳрни бўйсундириш мақсадида куйиб-пишиб ёнарди. Мирзо барча темурийзодалар каби Амир Темурнинг буюк салтанатини қайта тиклашни орзу қиларди.

Саккиз юз ўн олтинчи (1456) йили Хуросон тахтида ўтирган Абулқосим ибн Мирзо Бойсунқур бин Мирзо Шоҳруҳ вафот этди. Бундан фойдаланган Султон Абусаид мирзо тўхтовсиз Жайхундан ўтиб, Хуросон вилоятини бўйсундириш ҳаракатини бошлаб юборди. Ана шунда Эсон Буғахон Султон Абусаид мирзонинг Мовароуннаҳрдан чиқиб кетганидан фойдаланиб, Андижон вилоятига бостириб кирди. Султон Абусаид мирзо бундан хабар топиши билан жадаллик билан Мовароуннаҳрга қайтди ва жангу-жадал билан Эсон Буғахонни мамлакати сарҳадларидан суриб чиқарди.

Султон Абусаид мирзо Хуросону-Мовароуннаҳрни қўлга олганидан илҳомланиб, энди бобоси каби янги-янги ерларни забт этишни ният қиларди. Анчадан бери Шому-Ироқ томонларга юриш режасини ўйлаб қўйган бўлса-да, аммо Эсон Буғахоннинг яна ҳужум қилишидан хавотирланиб, бу ниятни амалга оширишдан ўзини тийиб турарди. Бобосидан мерос "Тузуки Темурий"да мамлакатларни забт этиш хусусида айтилган гаплар, хусусан жаҳонгирликка киришилганда, хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан эплаш кераклиги ҳақидаги маслаҳатлар ҳамиша унинг ёдида эди. Бобоси айтганидек, жаҳонгирлик фақат қилич чопқилаш эмас. Балки юмшоқлик қилиш тўғри келса, мулойимлик қилиш, қаттиққўллик вақти етса, қатъий чоралар кўриш, шошмаслик керак ерда ҳовлиқмаслик, шошиларли ишларда кечикмаслик, энг муҳими, қайси бир ишни чораю-тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмай уддалаш ҳамдир.

Шунинг учун ҳам Султон Абусаид мирзо бўлажак режаларини амалга ошириш учун мамлакат ҳудудларини тинч сақлашни таъминлайдиган бир чора топмоғи кераклигини англарди. Ана шунда унинг эсига Юнусхон келди. Мирзо шошилинч Яздга (баъзи манбаларда Шерозга) одамларини юбориб, Юнусхонни Ҳиротга олиб келишни буюрди. Бу амри бажарилгач, Юнусхонга ҳокимият белгилари бўлмиш – ноғора, байроқ бериб, лашкар ажратиб, Эсон Буғахонга қарши жўнатди. Бу воқеалар

ҳақида ёзган муаррих ушбу тадбирни қуйидагича изоҳлайди. "Токи бародарлар "Мамлакат бир қасрдир" ҳадиси бўйича қариндошлик пайвандларини узиб, бир-бирлари билан талашсинлар ва ҳар лаҳза ва ҳар замонда фитна қўзғатсинлар".

Мамлакати сарҳадлари хатардан йироқ бўлганидан кўнгли тўқ Султон Абусаид мирзо шундан кейин Ироқ томонга юриш қилди. Орадан кўп йиллар ўтиб, энди Султон Маҳмудхон ҳам Бобур мирзо бобосининг амалини темурийларга қўлларди.

Темур давлатига энг кучли ва энг сўнгги зарбани берган одамга, у ҳали на саркардалик, на ҳукмдорлик истеъдодини кўрсатишга улгурмаган даврлардаёқ биринчи ёрдамниям шу Султон Маҳмудхон берган эди. "Таворихи гузидаи нусратнома"да ёзилишича, Султон Маҳмудхон Тошкентдаги ғалабадан кейин тасарруфидаги Ўтрорни ўз сиёсий фаолиятини эндигина бошлаган Муҳаммад Шайбонийхонга инъом этган. Бу билан унинг нияти темурийларга қарши курашда яна бир иттифоқдош орттириш эди, холос. У бир қўли билан темурийларга панд берар, иккинчи қўли билан уларга қарши чиққанларни кучайтирарди. Камолиддин Биноий ўз "Шайбонийнома"сида Муҳаммад Шайбоний 1500 йили Самарқандга қараб юрганда, Султон Маҳмудхон ўзбек хонига беш минг аскар юборганини ёзади. Муҳаммад Ҳайдар эса "Тарихи Рашидий"да Шайбонийхон Самарқанду-Бухорони Султон Маҳмудхон кўмагида забт этганини айтади. Самарқандни Бобур мирзо олганда эса хон ўз жиянига Шайбонийхонга қарши курашида кўмак деб бор-йўғи беш юз навкар жўнатади. Жўнатган аскарлари аҳолини талашдан ўзга иш қилмайди. Аммо олдинда шундай кун бор эдики, ўша кун темурийлар давлатини таслим қилдирган Шайбонийхон тез орада Султон Маҳмудхонга уруш очди ва 1502 йилда Тошкентни забт этди. Бу воқеалар кейинроқ бўлар, ҳозир эса не ҳолким, на Бобур мирзо, на Шайбонийхон, на Султон Маҳмудхон олдинда нималар кутаётганидан хабардор эдилар.

Моваруннаҳр нотинчлиги Улуғбек мирзонинг фожиали ҳалокатидан сўнг (1450) кучайди. Падаркуш Абдуллатиф ҳам олти ой ўтмай ўлдирилди. Ундан кейин тахтга Шоҳруҳ мирзонинг набираси, Иброҳим мирзонинг ўғли, Улуғбекнинг куёви Абдулла мирзо ўтирди. Унинг подшоҳлиги икки йилдан ошмади. Навбат Бобурнинг бобоси Абусаид мирзога етди. У тириклигидаёқ тахтни катта ўғли Султон Аҳмад мирзога топширди. Султон Аҳмад мирзо вафотидан сўнг Самарқанд тахтига Султон Маҳмуд мирзо кўтарилди.

Бу ярим асрлик давр темурий мирзоларнинг бир-бирига уруш очиб, бирини бири сўйиб, бирининг кўзини иккинчиси ўйиб, бири қуёндек қочиб, иккинчиси унга қора лочин каби ташланиб боболари тиклаган салтанат иморатини талон-тарож қилишлари билан хосдир. Заргар Темур томонидан ясалган тенги йўқ узукнинг кўзи бўлган Самарқанд ҳам кўпкари ўртасида ташланган улоқдек – гоҳ бу мирзо, гоҳ у мирзо қўлига ўтарди. Темур қурдирган Кўксаройда деярли ҳар йили бирон бир мирзо оқ кигизга ўтқизилиб, кўктошга чиқарилар ва тахт ҳукмдори деб эълон қилинарди.

Кўксарой "ажаб хосиятлик иморатдур. Темурбек авлодидан ҳар ким бош кўтариб тахтга ўтурса ҳам, мунда ўлтурур. Ҳар ким тахт доияси билан била бош қўйса ҳам мунда қўяр, ҳаттоким, киноияти бўлуб эдиким, фалон подшоҳзодани Кўксаройға чиқардилар, яъни ўлтурдилар". ("Бобурнома"дан).

Тўққиз юз биринчи (1495-1496) йилда Самарқанд тахтида, юқорида айтиб ўтганимиздек, Бобурнинг амакиси Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли Бойсунғур мирзо ўтирар эди. "Султон Маҳмуд мирзо ҳаётида улуғ ўғли Султон Масъуд мирзоға Ҳисорни бериб, Бойсунғур мирзоға Бухорони бериб, ўғлонларига рухсат бериб эди. Бу воқеада (яъни Султон Маҳмуд мирзо ўлимида) ҳеч қайси ҳозир эмасди... Самарқанд ва Ҳисор беклари иттифоқ била Бухороға Бойсунғур мирзоға киши йибориб

ва келтуруб, Самарқанд тахтиға ўлтурғуздилар. Бойсунғур мирзо подшоҳ бўлғонда ўн саккиз яшар эди”.

Ўша йилнинг рамазон ойида тархонийлар фитнаси юз берди. Бу фитна самарқандлик беклар ва сипоҳийлар томонидан бўлиб, улар Бойсунғур мирзонинг адолатсизлигидан, яъни подшоҳ улардан кўра ҳисорлик беклару-сипоҳийларга кўпроқ эътибор ва ихтилот қилишидан норозиликдан бошланди.

Айниқса, улар Бойсунғур мирзонинг марҳум отаси умароси бўлмиш шайх Абдулла барлос авлодларига бўлган муносабати – бек ўғлонлари маишатга ва бузуқчиликка ҳаддан берилиб кетганларини кўрмаганга олаётганидан қаттиқ норози эдилар. Самарқанд беклари билан алоқа боғлаган Дарвиш Муҳаммад тархон Қаршига бориб, Бойсунғур мирзонинг укаси, Султон Маҳмуд мирзонинг бошқа хотини Зуҳрабеги оғадан туғилган Султон Али Мирзони тахтга ўтиришга, салтанат ишини қўлга олишга кўндирди. У Султон Али мирзони подшоҳ кўтариб, Бойсунғур мирзо турган Боғи Навга келди. Дарвиш Муҳаммад тархон бошчилигидаги самарқандлик тархонийлар Бойсунғур мирзони тутқун қилиб, уч-тўрт яқин кишиси билан Аркка келтирдилар. Ниятлари тахтдан туширилган Бойсунғур мирзони одатга биноан Кўксаройда ўлдириш эди. Бироқ, режа амалга ошмади. Туйқусдан Бойсунғур мирзо кечқурун бомдод номозини ўқиш учун таҳорат олиш баҳонаси билан Бўстонсаройнинг шарқи-шимол тарафидаги бир уйга киришга рухсат сўради. Тархонийлардан қўйилган соқчилар Бойсунғур мирзо кириб кетган уй эшиги олдига бориб турдилар.

Бойсунғур мирзо бу уйни танлагани бежиз эмасди. Уйнинг орқа деворида яширин эшик ўрни бор эди. Бойсунғур мирзо билан бирга кирган Ҳасан шарбатчи исмлик киши эшик ўрнини бузиб, ҳовлига йўналдилар. Сўнг Аркдан ташқарига чиқадиган сув қувурлари орқали кўчага ўтиб тутқинликдан халос бўлдилар. Эшик олдида ўтирган соқчилар бу ишдан воқиф бўлиб шовқин кўтарганларида, қочоқлар аллақачон шом қоронғисига сингиб кетган эдилар. Улар Номозгоҳ дарвозасидан ўтиб, шаҳар ташқарисига – тўғри Хожа Кафшар маҳалласига йўл олдилар.

Хожа Кафшарда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг катта ўғли, Хожаго Хожа, Хожа Калонхожа номлари билан машҳур бўлмиш Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ отасидан мерос қолган ҳовлида яшар эди. Асли Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидан бўлган Хўжа Аҳрор Султон Абусаиднинг истаги ва илтимоси билан Самарқандга кўчиб келиб, Хожа Кафшар маҳалласида ўрнашган эди. “Хожа Кафшар шаҳарнинг жануб томонида ва бир тошнинг учдан бир улуши (тўрт минг қадам) чамаси олисроқдадир” (Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. “Самария”).

Хўжа Аҳрорнинг мозори ҳам шу маҳаллада эди. “Хонлар, бошларида хонлик жиғаси ва белларида подшоҳлик камари бўлган ҳолда, унинг узангисида яёв югурган”. “Хожаи Хожагони коргоҳ, қиблаи муқобилон Убайдуллоҳ” 895 (1489) йилда ражаб кечасининг биринчи кечасида, жумаъдан қайтишли шанба оқшоми ғурубдан бир ярим соат чамаси ўтган вақт... Самарқанднинг жанубий тоғи этагида бўлган Камаргарон қишлоғида ўлди” (“Самария”).

Фитначи тархонийлар қочоқ мирзони ким қўрқмай яшириши мумкинлигини билгандек, тонг-саҳарлаб тўғри Хожа Муҳаммад Убайдуллоҳ уйига келиб, ундан Бойсунғур мирзони қўлларига топширишни талаб қилдилар. Хожа: “Йўқ” деб жавоб берди. Хожанинг уйига бостириб кириб, қочқин мирзони қўлга олиш учун эса тархонийлар журъат қилолмадилар. Зеро, “Хожаи Хожагони коргоҳ, қиблаи муқобилон Убайдуллоҳ” хонадонига Самарқанд, нафақат Самарқанд, бутун Мовароуннаҳру-Хуросон аҳолисининг ихлоси ғоят баланд эдики, бу билан келишмай иш тутиш бошларида фақат фалокат келтиришини улар жуда яхши тушунардилар.

Эртаси куни Бойсунғур мирзога

содиқ қолган одамлардан – Хожа Абулмакорим ва Аҳмад Ҳожибек бошлиқ жуда кўп беклар билан сипоҳилар Хожанинг хонадони атрофида тўпландилар. Уларга шаҳар фуқароларининг кўпчилиги келиб қўшилди. Улар Бойсунғур мирзони ўзларига раҳнамо кўтариб, янги подшоҳ, аслида эса тархоний беклар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган Султон Али мирзонинг тарафдорлари қўнган Аркни қамал қилдилар. Қаттиқ жанг бўлди. Султон Али мирзо тарафдорлари Аркни бир кун ҳам қўриқлай олмадилар. Кечаси Муҳаммад Мазид тархон Аркдан қочиб, Чорраҳа дарвозаси орқали Бухорога от сурди. Султон Али мирзо билан Дарвиш Муҳаммад тархон ўзларини узоқ ҳимоя қилолмасликларини англаб, Аркдан чиқиб таслим бўлдилар.

Бу ишларнинг бошида турган икки шахс – Хожа Абулмакорим билан Аҳмад Ҳожибек ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Хуштаъб ва мардона киши бўлган Аҳмад Хожибек "Вафоий" тахаллуси билан ғазал машқ қиларди. Девони Самарқанд аҳли ичида ҳийла машҳур эди. Алишер Навоий Самарқандда яшаганида Аҳмад Ҳожибек билан дўст тутинган, унинг паноҳида бўлган. Биз бу икки буюк инсон дўстлиги ҳақида алоҳида тўхталиш ниятимиз борлиги учун гапни мухтасар қиламиз.

Мавлоно Хожа Абулмакорим ҳақида "Самария" асарида шундай маълумотлар бор: "У "Мухтасари виқоя"га шарҳ ёзганлардан бўлиб, Муҳаммад Шайбонийхон шоҳ Будоқ султон замонида фиқҳ илмида замонанинг биринчи олимларидан эди. Шайбонийхон у кишидан қийин масала тўғрисида фатво сўраганда, у жавоб ёзмади. Шунинг учун Шайбонийхон тажрибасизликдан буюриб, у кишини арра билан шаҳид этдилар. Дерларким, ўзи ҳам бир неча кундан кейин Марвда, шоҳ Исмоил Сафавий билан бўлган урушда қилич дами билан боши кесилиб, шаҳид бўлди".

Атоқли ўзбек олими Бўрибой Аҳмедовнинг ёзишича, бу ҳикоятнинг пайдо бўлиши хусусида Абу Тоҳирхўжа ривоятида хатолик мавжуд. Ўша давр воқеалари тасвирланган тарихий асарларда Шайбонийхон билан шайхулислом Абулмакорим орасида бўлган можароларнинг манбаъида "фатво" масаласида ҳеч гап йўқ. Бу воқеаларни тасвирлаб ёзган Муҳаммад Солиҳ, Камолиддин Биноий асарлари ҳам шулар жумласига киради.

Муҳаммад Солиҳ ривоятича, Шайбонийхон Самарқандни биринчи марта олиб, Султон Али мирзо ва унинг яқин кишиларини ўлдирганда, бир қатор самарқандлик нуфузли одамлар қаторида Хожа Абулмакорим ҳам авф этилган. Аммо кейинчалик қулай вазиятдан фойдаланиб, шаҳарнинг Бобур мирзо томонидан қўлга киритилишига кўмаклашган. Унинг бевосита ташвиқоти билан Самарқанд шаҳрининг кўчманчи ўзбекларга қарши олти ойлик мудофааси олиб борилди. Мана шундай "хиёнаткор" кишини ўлдириш учун жаҳонгирлик дағдағасини қилиб турган Шайбонийхон баҳона ахтариб юрмаса керак. Герман Вамбери ҳам Хожа Абулмакоримнинг ўлими ҳақида ёзганда, фатво масаласи тўғрисида сўйламайди. Фақат мажор олими шайхулислом Абулмакорим билан Хожа Яҳъёни бир киши санаб хатога йўл қўяди. Бу ҳақда кейинчалик ўз ўрнида яна бир бор гапириш ниятимиз бор.

Бойсунғур мирзо Аҳмад Ҳожибек уйига қўниб, Мир Алишер Навоий байтлари битилган ўн икки устунли кенг айвонда Арк қамали натижасини кутарди.

"Катта-катта кўзли, қўба юзлик, ўрта бўйли Бойсунғур мирзо адолатпеша ва фазилатлиғ подшоҳзода эди. Бухорони бошқарганда устози Сайид сўзига кириб, матъун – шиа бўлди. Самарқандга келиши билан яна пок эътиқодга қайтди. Лекин чоғир ичишни ташламади". Ҳозир ҳам Ҳасан шарбатчи билан басма-бас чоғир симирарди. Косани бўшатиб, ҳазрат Алишербек байтларини пичирлаб, қайта-қайта ўқиб, таҳсин ифода қилиб бош чайқарди. Ҳамма темурийзодалар каби

у ҳам ғазал машқ қиларди. Тахаллуси "Одилий" эди. Самарқандликлар унинг ғазалларини суярдилар. Бобур "кам уй бўлғай эдиким, мирзонинг ашхори ул уйда бўлмағай эди", деб ёзади.

Таслим бўлган Дарвиш Муҳаммад тархонни Бойсунғур мирзонинг олдига, айвон супасидан пастда тиз чўктирдилар.

– Нега бундоқ ишга қўл урдинг, ит?! – деди овозини кўтармай ғазаб билан сармаст мирзо.

Дарвиш Муҳаммад тархон бошини ҳам кўтармади. У балки, тиз чўккан кўйи, тиззасига оғзидан оқиб тушаётган томчиларига қараб, "Нега бундоқ ишга қўл урдинг, ит?!" деган сўроққа жавоб тополмасди.

– Вафодорлиғни унутиб, бошимға шамшир кўтариб келғонингда не ишга бош суққанингни англамадингму?

Дарвиш Муҳаммад тархон индамасди.

– Ўз подшоҳи жонига қасд қилғонни жазоси недур? – деди дона-дона қилиб мирзо.

Бир дамлик сукутдан сўнг ўзи жавоб қилди.

– Ўлим эмасму?

Бу сўзни эшитиши билан фитначи тархон бошини кўтарди-да:

– Ҳа, подшоҳим, ўлим! – деди.

Тархоннинг икки ёнида турган сипоҳийлар бандини ташқарига судрадилар. Ҳовлисида қон тўкилишидан қўрқиб ўтирган Аҳмад Ҳожибекнинг елкасидан тош кўчгандек бўлди. Ҳозиргина ўзига ҳукм "ўлим" эканини тан олган Дарвиш Муҳаммад тархон дарвозага етганда, оёғини остонага тираб, жон аччиғида ёндарига ёпишди. Аммо сипоҳийлар унинг қўлларини қайириб олиб чиқдилар. Бир неча лаҳзадан сўнг унинг кесилган бошини товоққа солиб, Бойсунғур мирзога кўрсатдилар ва Арк дарвозасидаги қозиқлардан бирига илиб қўйдилар.

Бойсунғур мирзо ўз биродари бўлмиш Султон Али мирзони Кўксаройга олиб бориб, кўзларига мил тортишни буюрди. Бу ҳукмни айтганда, нафис ғазалларни яратган юраги "жиз" этмади. Фақат атрофида ўтирган бекларга қараб: "Ўз соҳибига вафодорлиғ қилмаган кимсаларга қўшилишдан олдин, ҳеч бўлмаса, улар манга вафодорлиғ қилармикан, деб ўйлаши керак эмасмиди?" – деб қўйди.

"Султон Али мирзони Кўксаройга чиқариб, кўзларига мил тортдилар. Жарроҳнинг ихтиёри била ё бехост милидан Султон Али мирзонинг кўзларига осибе (зарар) етмади" Жаллод бу ишни атайин қилгани ҳақиқатга кўпроқ яқин. Зеро, у подшоҳзодага, гарчи у тутқун ва жиноятчи бўлган тақдирдаям, қўл кўтаришнинг охири бахайр бўлмаслигини тушунгандир. Балки...

Султон Али мирзо бу ҳолни ҳеч кимга билдирмади. Кўксаройдан чиқиб, ўзини Хўжа Аҳрорнинг кичик ўғли Хожа Муҳаммад Яҳё уйига олиб боришларини сўради. У ерда икки-уч кун яшади. Учинчи куни тунда яширинча қочиб, Бухорога – қатл қилинган Дарвиш Муҳаммад тархоннинг иниси Муҳаммад Мазид тархон ҳузурига йўл олди. Бу ишдан воқиф бўлган Самарқанд аҳли ҳайрон қолди. Улар орасида, Султон Али мирзо ўз оғасининг жонига қасд қилганда қочоқ ака Хўжа Аҳрорнинг тўнғич ўғли хонадонида, қочоқ ака ўз ғолиб укасини мағлуб қилиб, унинг кўзига мил торттиргач, кўзи "кўр" мирзо Хўжа Аҳрорнинг кичик ўғли хонадонида бошпана топганини, "улуғи улуғига мураббий бўлди, кичиги кичигига муқаввий" бўлганини турлича шарҳлардилар. Бу воқеа Хўжа Аҳрорнинг икки фарзанди орасидаям бир оз совуқчилик тушишига сабаб бўлди. Аммо султон Али мирзо Хожа Муҳаммад Яҳёнинг уйидан Бухорога қочиб кетгач, бу совуқчилик адоватга ўтди.

Шунинг учун ҳам бир неча кундан сўнг Хожа Яҳё ҳам Бухорога кетишга мажбур бўлди. Балки бу ишни у олдиндан Султон Али мирзо билан келишиб қилгандир? Ким билади тағин?.. Тарих фақат қадимий китобларда битилган сўзларни тан олади. Аммо биз тарих асарини битмаётганимиз сабабли гумон қилишга ҳаққимиз бор. Қолаверса, гумон қилишдан қўрққан тарихчи тарихчи

эмас. Тарихчи ҳам фақат битиклардаги сўзларгагина суянмасдан, озгина бўлса-да гумон билан хаёл қилмоқ ҳуқуқига эгалигини англамоғи лозим.

Воқеанинг бу тарзда кечаётганидан ташвишга тушган, энг аввало, Самарқанддаги ғалабасидан кўнгли маст Бойсунғур мирзо Бухорога қўшин тортди. Бухорога яқин ерда Самарқанд қўшинини Султон Али мирзо ва тархон беклари бошчилигидаги Бухоро қўшини қарши олди. Ўртада қақшатгич уруш кечди. Бухороликлар ўз юртларини мардона ҳимоя қилганлари учун ҳам ғолиб чиқдилар. Бу талотасирда Аҳмад Ҳожибек ва бир неча самарқандликлар рақиблар қўлига асир тушдилар. Асир сипоҳийлар ўша заҳот ўлдирилди. Аммо тархонийларнинг бутун қаҳрини бечора Вафоий – Аҳмад Ҳожибек чекди. "Аҳмад Ҳожибекни Дарвиш Муҳаммад тархон қонининг туҳмати билан беиззатона ўлдирдилар".

Султон Али мирзо орқага қочган акаси кетидан қувиб Самарқандга қараб юрди. Бойсунғур шаҳарга кириб, дарвозаларни бекитди. Оға-ини можаросидан хабар топган бошқа темурийзодалар ва бошқа ҳукмдорлар ҳам Самарқанд тахтини сўраб, шу воқеаларни яқинроқдан кузатиш, қулай пайтни қўлдан чиқармаслик истагида Туроннинг кўҳна пойтахти томонга отландилар. Бобур мирзо Андижондан, Султон Ҳусайн мирзо Ҳисор ва Қундуздан чиқдилар. Султон Масъуд мирзо ҳам тайсалламай, Шаҳрисабзга келиб қўнди.

Бобур "Бобурнома"да ёзади: "Учтўрт ой бу уч тарафдин Самарқандни муҳосара қилдук. Хожа Яҳъё Султон Али мирзо қошидин келиб иттифоқ ва якжиҳатлик сўзини орага солди. Сўзни кўришмакка қўюб, Самарқанддин икки-уч шаърий қуйироқ Суғд тарафидин мен чериким била бордим. Ул тарафдин Султон Али мирзо черики била келди. Наридин тўрт-беш киши била Султон Али мирзо, беридин тўрт-беш киши билан мен Кўҳак суйининг оралиғига кечиб, от устида – ўқ қўришиб, сўрушиб алар ул тараф бордилар, мен бу тараф келдим.

Мулла Биноийни ва Муҳаммад Солиҳни анда Хожа хизматида кўрдим. Муҳаммад Солиҳни ўшал бир қатла кўрдум. Мулла Биноий худ сўнгралар хейли менинг хизматимда бўлди".

Бобур мирзо ўша учрашувда Султон Али мирзо билан биргаликда ҳаракат қилишга қўнган бўлса-да, уларнинг режаси қиш яқинлашгани сабабли амалга ошмади. Самарқанд аҳли ҳам қишга тўқ кираётгани маълум эди. Бобур мирзо ота юрти Андижонда, Султон Али мирзо эса Бухорода қишлаш учун қайтдилар.

* * *

Олтин қозиқ ўрни – Самарқанд атрофида шаддод отлар гурсиллаб айланади...

Отларнинг туёқларидан ўт чақнаб, ўтмишу-келажак зулматини ёритар, ер гурсиллаб силкинар, чавандозлар эгнидаги жавшанлар, қўлларидаги қиличу-қалқонлар жаранги Хуросону-Мовароуннаҳр фуқароларини қўрқувга солар, ҳукмдорларнинг кўнглида ҳавас гулларини очар ва хазон қиларди.

Олтин қозиқ ўрни – Самарқанд атрофида шаддод отлар гурсиллаб айланади...

Бу жангари отлар жилову-кишанни тан олмайди, лекин, чавандозлар дили кўринмас иплар билан бу олтин қозиққа маҳкам боғланган эди. Бу кўринмас ипларни фақат ҳаёт ришталарини кесгувчи бешафқат ўлим тиғигина уза оларди...

Олтин қозиқ ўрни – Самарқанд атрофида шаддод отлар, баҳодир ва номард чавандозлар билан бирга ҳавас ва ҳасад, муҳаббат ва қаҳр, меҳр ва ғазаб, жаҳолат ва хиёнат айланарди.

* * *

Андижонга қайтаётганда бундан бир неча ой илгари Ҳисордан келиб, Бобур мирзога юкунган Султон Масъуд мирзо мўғул аскарлари билан Самарқандга – Бойсунғур мирзо паноҳига қочди. Зоминга етганда, Ҳамза Султон ҳам ўз аскарлари билан кетишга ижозат сўради. Унинг ҳам нияти Самарқандга бориш эка-

нини билган Бобур, ичидан зил кетсада, рози бўлди. Қолаверса, Бобур мирзонинг ўйига жаҳонгир бобосининг қонунлари битилган "Тузуки Темурий"даги пурҳикмат сўзлар келди. "Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим... Менинг душманим бўлган Тўхтамишхон берган туз ҳақини унутиб, вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб, менинг олдимга келганлари учун уларни лаънатладим. "Булар ўз соҳибига вафодорлик қилмагач, менга қилармиди?" – дедим".



Бобур мирзо ўзини ташлаб кетганларидан кўра, уларни хизматига олиши тайин бўлган Бойсунғур мирзога ачинди. Ҳали пишмаган елкасида подшоҳлик залворини кўтариш истагида юрган ўн тўрт яшар бола жаҳонгир бобосининг китобини эслар экан, келажакда ўзиям шундай бир китоб тузишини, бироқ, бобосидек бошқаларга ёздириб эмас, ўзи ёзишини кўнглига тугиб қўйган бўлса ажабмас...

Тўққиз юз иккинчи (1496-1497) йилнинг қишини Бойсунғур мирзо кўклам келиши билан бошланиши тайин жангларга тайёргарлик билан ўтказди. Аммо тинчлик бўлмади. Султон Али мирзо юборган Абдулкарим ашрит бошчилигидаги қўшин Самарқандга яқинлашганидан хабар топиб, унга қарши Маҳди Султон Бойсунғур мирзонинг илғорини шаҳардан олиб чиқди. Аммо бу жангда тағин самарқандликларнинг омади юришмади. Боз устига бир пайтлар Бобур мирзо паноҳидан ҳузурига қочиб келган Маҳди Султон билан Ҳамза Султон вафосизлик қилиб жанг майдонини ташлаб, олтин қозиқ атрофида тинмай айланаётган чавандозлар даврасига ёриб киришни мўлжаллаб турган Шайбонийхон ҳузурига қочдилар. Самарқанд яқинидаги жанг тафсилотини эшитган Бобур мирзонинг юраги яна бир карра рақиби бўлмиш Бойсунғур мирзога ачишди. "Бобосин ҳикматини унутган невараниг ҳоли ушмундоқ бўлур!" – деди ўзига-ўзи.

Хиёнаткор султонларнинг қочиши Бойсунғур мирзо лашкарининг сонига унчалик таъсир қилмаган бўлса-да, руҳига жиддий зарар етказгани шак-шубҳасиз эди. Аммо баҳор келиши билан қорлар эриб, ёмғир ёғиши табиий ҳол бўлгани учун Бойсунғур мирзо Самарқанддан яна қўшини билан ташқарига чиқди. Султон Али Мирзо шуни кутиб турарди. Илдам юриб, Самарқанд яқинидаги Ҳожаи Кордзан деган жойга келиб қўнди. Бу вазиятдан фойдаланган Хожа Абдулмакорим, андижонлик беклардан Вайс Лоғарий ва Муҳаммад Бокир, Қосим дўлдой, шунингдек, Бойсунғур мирзога яқин анчагина киши Султон Али мирзодан яширин Бухорони бориб босмоқ ниятида отландилар. Аммо уларнинг режасидан бухороликлар воқиф бўлдилар ва бу ният амалга ошмади.

Ўтган йилнинг кузида келишилган битим бўйинча Бобур мирзо Андижондан, Султон Али мирзо Бухородан чиқиши керак эди. Бухоро қўшинининг Самарқандга отланиб чиққанини эшитган Бобур мирзо шошилинч йўл босиб, Самарқандга яқин Ёряйлоқ деган жойга қўнди. Бир-икки кундан кейин у Шероз қўрғонини қўлга киритиб, Самарқандга яна яқинроқ Ийпор даштига кўчиб ўтди. Ўша куни Бобур мирзо қошига Бойсунғур мирзо тарафида турган бекларнинг бир нечаси келиб юкунди. "Сўзлари бу

эдиким, Бойсунғур мирзо кўчуб, биз (ундан) айрилиб, подшоҳ қуллуғига келдук. Охир маълум бўлдиким, булар даъво билан Бойсунғур мирзодан айрилиб, Шерозни сақлағали келган экандурлар. Шероз иши мундоғ бўлгач, бечора бўлуб келубтурлар". Бобур мирзо ичидан қуюлиб келаётган бобосининг сўзларини эшитмаганга олди ва ўз аҳволи Бойсунғур мирзо ҳолидан асло фарқ қилмаслигини тан олди. "Бобосин ҳикматини унутган неваралар ҳоли қандоқ бўлур?" – деди алам билан ўзига-ўзи.

Қўшин Шероздан чиқиб Қорабулоққа, ундан сўнг сув кечиб Ём тўғрисига келиб тушди. Ўша куннинг ўзиёқ баъзи беклар Хиёбонга яқин жойда Бойсунғур мирзонинг навкарлари билан қилич уриштирдилар.

Сўнг қўшин Самарқанднинг шарқий тарафидаги, шаҳардан уч қуруҳ масофадаги Хонюрти деган ерга кўчди. Қирқ-эллик кун давомида Бобур мирзо шу ерда манзил қурди, аскарлари гоҳ-гоҳ Хиёбонга чиқиб жанг қилиб турди.

Темур тиклаган буюк хилқат шарпасига айланиб қолган салтанатнинг ҳамма ерида нотинчлик ҳукм сурар, ҳатто Мовароуннаҳрга нисбатан бир оз тинчроқ туюлган Хуросондаям ур-сур бошланган эди. Агар Самарқанд атрофида темурийзодалар бир-бирига қилич пешлаб чиққан бўлса, Хуросон тупроғида ота ўғлига тиғ кўтарган эди. Аммо ота билан ўғил низоси бегуноҳ гўдак – Султон Ҳусайн мирзонинг набираси ва Бадиуззамоннинг ўғли Муҳаммад Мўмин мирзонинг албон қони тўкилишига сабаб бўлди. Бу золим давр даҳшатини англаш учун буюк Алишер Навоийнинг форс тилида битилган ғазалидан тўрт байтни эслатиб ўтмоқчиман.

Олами хоҳам, ки набад мардуми олами дар ў,
К-аз жафои мардуми олам набошад ғам дар ў.
Не ба рўз ашки асронаш намояд сели қатл,
Не ба шаб з-оҳи ғарибон кисвати мотам дар ў.
Не зи бедоди фалак дар вай дили бо сад олам,
Не зи шамшери ситам сад захми бемарҳам дар ў.
Н-аз парируён дар ў хейли ҳама ноодамий,
Не ҳазорон дев аз жинси бани одам дар ў...

Мазмуни:

Бир одам истайманким, унда давримизнинг одамлари бўлмасин,
бу оламда одамнинг жафосидан ғам бўлмасин.
На унинг кундузида кўз ёшидин ўлим сели кўринсин
ва на кечасида ғариблар оҳидан мотам либоси бўлсин.
На унда фалак зулмидан юз аламли бир кўнгил
ва на ситам қиличидан марҳамсиз чорасиз дил яраси бўлсин.
На унда одамгарчилиги йўқ парилардан бир тўда
ва на олам жинсидан чиққан мингларча деб бўлсин...

Энди ўзимиз кузатаётган воқеаларга қайтайлик.

Бобур қўшини Хонюртидан кўчиб, Боғи майдоннинг орқасидаги Қўлба ўлангига келиб қўниши билан жанглар баттар авж олди. Деярли ҳар кун жанг бўларди. Бир савашда Самарқандда қамалганлар, бир жангда уларни қамаганларнинг қўли баланд келарди. Шундай жангларнинг бирида Бобур мирзо аскарлари ташқарига чиққан жуда кўп бек ва фуқароларни қўлга туширдилар. Уларни бир неча кун олдин шаҳарликлар ҳийласига учиб, Ғори Ошиқон томондан ичкарига киришга уруниб нобуд бўлганлар қони қасосида ўша машҳур ғор олдида қатл этдилар.

Ғори Ошиқон деган жой тасаввуфнинг Кубравия силсиласи атоқли шайхларидан бири бўлмиш Маъдуми Хоразмий Самарқандга ташриф буюрганда асос солинган. Бу ҳақда "Самария"да шундай ёзилган.

"... Бу ғор Самарқанд шаҳрининг қалъаси кунчиқарида ва қалъа хан-

дақига яқин ердадир. Бу ғорни Ҳазрати Махдуми Хоразмий кавлатиб сўфийлар учун жой қилган, қатор ҳужралари бўлган. Ҳазрати Махдумнинг вафотидан сўнг бирмунча вақт Самарқанд шаҳрининг қаландархонаси бўлиб турган".

Ғори Ошиқон ўрни бу воқеалардан бир неча аср аввал Қутурон (Қатвон) даласи деб аталган. Самарқанд кунчиқаридаги бу майдонда Султон Санжар билан Қорахонийлар орасида катта уруш бўлган. Султон Санжар давлатининг инқирози шу жангда бошланди. Темур давлатининг тақдири ҳам худди мана шу майдонда ҳал қилинаётган эди.

Шундай қилиб қўлга тушган самарқандликлар Ғори Ошиқонда нобуд бўлган Бобур аскарлари қасосида ўлдирилди. Мана шу воқеадан сўнг қамалдагилар шаҳардан бош чиқармай қўйдилар. Бироқ, бу гал ҳам яқинлашиб қолган қишнинг совуқ нафасидан қамалда турганларнинг кўнглига ташвиш тушди. Шунга қарамай, улар гапни бир жойга қўйиб кутишга аҳдландилар. Улар шаҳар ичида бошланган оғир аҳволдан яхши хабардор бўлганлари учун ҳам "тангри инояти билан бу кун ҳам бўлса олурсиз, тонгла ҳам бўлса олурсиз", – дердилар. Аммо кун совигани туфайли Бобур қўшини Хўжа Дийдор қўрғони яқинида қишлов учун уйлар тиклашга қарор бердилар.

Қамалчилар аҳди қаттиқ эканини билиб, Бойсунғур мирзо шаҳардан хуфя одам чиқариб, Туркистонга – Шайбонийхон қошига юбориб, ундан кўмак тилади. Бобур мирзо билан Султон Али мирзо қўшини янги қурилган уйларга кирган кунларнинг бирида Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар қўшини етиб келиб жуда яқинда тургани ҳақидаги хабар етди. Қамал бошчилари ваҳимага тушдилар. Чунки, уларнинг аскарлари совуқдан қочиб ён атрофидаги қишлоғу-қўрғонларга тарқалиб кетган эдилар. Хўжа Дийдордаги озчилик одам билан эса Шайбонийхонга рўпара бўлиш нодонлик бўларди. Аммо илож йўқ – душман яқин, жанггоҳ тайёр эди.

Бобур мирзо бор одами билан душманга қарши чиқди. Ҳеч кутилмаганда Шайбонийхон жанг қилишдан қочиб, Самарқандга қараб чекинди. Ўйлаган режаси амалга ошмаганидан Бойсунғур мирзо туркистонликларни нохуш кутиб олди. Совуқ муомаладан ранжиган Шайбонийхон бир неча кундан сўнг юртига қайтди. Аммо бу келиши Шайбонийхон учун бекор кетмади. У бу шаҳарга яна қайтишни, қайтганда қандай куч билан қайтиш мумкинлигини мўлжалланган бўлса, ажабмас. Қолаверса, у рақибларининг аҳволи нақадар ночор эканини ўз кўзи билан кўрган эди.

Самарқанд қамали етти ойдан зиёд давом этди. Сўнгги умиди – кўчманчилар нажотидан айрилган Бойсунғур мирзо озгина лашкари ва яқинлари билан Қундуз тарафга қочди. У ерда отасининг яхшиликларини кўп кўрган Хусравшоҳ ҳукмрон эди. Йўлда, Термизга яқин ерда Амуни кечиб ўтаётганда Термиз ҳокими Сайид Ҳусайн Акбарнинг қўлига тушишига сал қолди. Хусравшоҳ Бойсунғур мирзони яхши кутиб олди.

Бойсунғур мирзо қочганини эшитган Бобур мирзо Самарқандни эгаллади. Бу рабиулаввал ойининг охирларида содир бўлди. Тарих тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил эди.

Етти ой шаҳарни қамаган қўшин Самарқандда ўз қорни ва ҳуржунини тўлдирадиган ўлжа топилмади. Шаҳар жуда хароб аҳволда эди. Қолаверса, етти ой шаҳарни оламиз деган умидда яшаган аскарлар юрагига бу ниятлари амалга ошиши билан она-юрт, бола-чақа соғинчи ўрмалаб кирди. Рақиб тиғи кирмаган дилга соғинч ханжари ботди. Улар бирин-кетин шаҳарни ташлаб қоча бошладилар. Бобур мирзо қочоқларни қайтариш, уларга муносиб жазо бериш учун содиқ одами Узун Ҳасан Хожани Андижон томонга жўнатди.

Бобур мирзо шаҳарга кирганда, унинг ҳукмини бўйнига олиб пешвоз чиққан Самарқанд бекларини кечириб, уларга иноят қилди. Ўзи

билан шаҳарни қамаган бекларни ҳам сийлади. Султон Аҳмад Танбални улуғ беклик даражасига кўтарди. Алам қилгани, улуғ бек ҳам тез орада ўз аскарлари билан Андижонга қочди.

Аммо бу алам кейингиси олдида урвоқ ҳам эмасди. Қочоқларни жазолаш учун Андижонга юборилган Узун Ҳасаннинг сотқинлиги ҳаммасидан ўтиб тушди. У бора солиб, Султон Аҳмад Танбал билан тил бириктириб хиёнат йўлига ўтди. Икки хиёнатчи бек Самарқандда ўлжа тополмай қочган ҳамма бекларни, шунингдек, қочқин мўғул аскарларини ҳам ўзлари томонга оғдириб, Бобур мирзонинг иниси Жаҳонгир мирзога Андижон тахтини олиб бермоққа қасдландилар. Уларнинг бу нияти амалга ошадиган бўлса, Бобур мирзо жуда қийин аҳволда қоларди. Чунки Самарқандни эгаллашда мўғуллар билан кўмаклашган тоғаваччаси Султон Маҳмудхон бу ёрдами эвазига Андижонни тилаб турган эди. "Хон тилаб туриб, Жаҳонгир мирзога берилса, хон билан тамом якрў бўлмоқ керак эди".

Бобур мирзо ёнида минг кишига яқин одам қолганди. Уларнинг ҳам дили бежо эди. Чунки қочқин беклар юборган хуфя чопарлар уларни Жаҳонгир мирзо тарафига ўтишга чорладилар. Бобур мирзо қочоқ бекларини инсофга чақириш учун Андижонга энг содиқ йигитларидан Тўлуғ Хожани юборди. Узун Ҳасан билан Султон Аҳмад Танбал уни ўлдирдилар. Бу воқеалар Жаҳонгир мирзонинг Андижонга кириши билан якунланди.

Тез орада Бобур онасидан мактуб олди. Мактубда, дуои саломдан сўнг, Андижонда ҳаромнамак беклар томонидан қилинаётган ишлар қисқача айтиб ўтилган эди. У: "агар келиб фарёдимизга етмасаниз, иш вубол бўлғусидир. Самарқанд Андижон кучи билан олиниб эди. Агар Андижон иликта бўлса, яна тангри рост келтурса, Самарқандни иликласа бўлур", деган яширин илинжу-ўтинч билан тугаган эди.

Ёлғиз қолишдан қўрқувми ёки бошқа бир номаълум сабабданми, Бобур мирзонинг аҳволи оғирлашиб, тўшакда ётиб қолди. Қолаверса, она кўкси исини унутишга улгурмаган ёш йигит волидасининг тақдиридан ҳам чўчиб қолган эди. Нима қилгандаям, иниси бўлса-да, Жаҳонгир мирзонинг онаси бошқа – Фотима Султон Оталиқ эди. Шундай экан, зулм йўли очиқ турарди.

Биз, бу нотинч воқеалардан роппа-роса беш юз йилдан ортиқ вақт ўтгандан сўнг яшаётган одамлар Бобур мирзони ҳам саркардалик, ҳам шоирлик истеъдодига қойил қолган ҳолда, кўпинча уни дийдаси қаттиқ киши сифатида тасаввур қиламиз. Гоҳо унинг нафис ғазалларини ўқир эканмиз, бу фазилатни саргардон подшоҳзоданинг бир ҳовуч йигитлар билан улкан бир салтанат тузишда шаксиз хизмат қилган қаттиққўллик ва раҳмсизлик билан боғлолмай эсанкираймиз. Унинг бу икки қарама-қарши хислати ўртасида эса ҳар қандай хиёнат, сотқинлик билан келишолмаслик ҳисси туради. Хусравшоҳ ўзи тарбиялаган, кичиклигида ўзи оталиқ бўлган Султон Маъсуд мирзонинг кўзларига ништар солиб, кўр қилганини эшитган Бобур мирзо ғазаб билан ёзади: "Ҳар кимким, мундоғ шан ҳаракатга иқдом қилгай ва ул кишигаким бу нав ишга эҳтимол қилғай, юз минг лаънатдур, қиёматқача ким ҳар ким Хусравшоҳнинг бу афъолини эшитиб, лаънат қилмоғон ҳам сазовори лаънат бўлсун".

Ҳа, бир вужудда ҳам тенгсиз меҳр туйғуси, ҳам чексиз қаҳр қудрати жо эди. У мағлуб бўлган шаҳар аҳолисини қатли ом қилади. У ўғли Ҳумоюн бемор бўлганини эшитиб, ўз жонини садақа қилишга тайёр туради. Шунинг учун ҳам Самарқандда дилидаги меҳр оғриғи уни йиқитган бўлса, қаҳр қудрати уни дарддан халос этди.

Нима бўлгандаям, йигит вужуди дардни енгди. Аммо Андижон дарди дилда қолди. Шу сабабдан у Самарқанд тахтига ўтирганига роса юз кун бўлганда, шаҳарни тарк этиб, Андижонга қараб отланди. Бобур қўшини шаҳардан чиқиши билан ҳаялламай Самарқандга Султон Али мирзо кириб олди.

Миллий руҳият Мусаввири

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор.



Бадиий адабиётнинг асосини қуйидаги поэтик унсурлар ташкил этади: маъно, шакл, руҳ ва образ. Буюк истеъдод эгаларининг асарларида, одатда, маъно умумбашарий ғояларни ифода этса, шакл ва руҳ миллатнинг табиатини акс эттиради. Образ индивидуал поэтик тафаккур маҳсули сифатида юзага келса-да, ўзида миллатнинг руҳини ифодалайди. Миллийликдан холи туйғунинг таъсир кучи бўлмаганидек, миллий руҳдан мосуво тафаккур ҳам қанотсиз қушга менгзайди. Шунга кўра, миллийлик – адабиётнинг асосий мезони. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон бадиий-эстетик тафаккури кўригида муайян миллат адабиётини ажратиб кўрсатувчи бош хусусият, ўзгалардан фарқини намоён этадиган асосий белги бу – миллий руҳдир. Шунинг учун миллий руҳнинг ифода йўсинларини, тасвир мезонларини ўрганиш адабиётшуносликнинг ўзак илмий муаммоларидан саналади.

Адабиётда миллий руҳ ифодаси, бизнингча, қуйидаги тамойиллар асосида намоён бўлади: 1) миллатнинг асл табиатини, сийратини акс эттириш; 2) поэтик фикр ифодасининг миллий тафаккурга таяниши; 3) поэтик образнинг миллий ифода орқали сувратланиши. Буюк шоир ва мутафаккир Заҳириддин Бобур назмий меросини ана шу тамойиллар асосида ўрганиш тадқиқотлар учун бой материал бера олади.

Миллатнинг асл табиатини, сийратини акс эттириш. Мумтоз шеъриятнинг ғазал, маснавий, рубоий, туюқ ва фард сингари

жанрларида юксак бадиий қимматга эга асарлар ёзган Заҳириддин Бобур лирикаси миллий руҳ бетакрор поэтик ифода этилгани жиҳатидан қимматлидир. Улуғ шоирнинг "Яхшилиғ" радифли ғазалида бу хусусият, айниқса, яққолроқ намоён бўлгани кузатилади:

Ким кўрубдур, эй кўнгул,
аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз
тутма ондин яхшилиғ.

Буюк тафаккур эгаларининг дунёга қараши бошқа тоифа кишилар нуқтаи назаридан тубдан фарқ қилади. Негаки, улар камолотнинг ўзлари эришмоққа муяссар бўлган юксаклиги даражасидан фикр юритади. Бобурнинг аҳли жаҳондан ким ҳам яхшилик кўрибди, модомики шундай экан, ундан яхшилик етмоғига кўз тутма, дейиши сабабини шунинг билан изоҳлаш мумкин. "Кўз тутма" – чинакам ўзбекча ибора. Байтдаги мазмун йўналишини теран фалсафий мушоҳада сари бурган ушбу ибора улуғ шоир тафаккурининг миллий заминга қурилгани исботидир. Кейинги байтда яхши-ямон, ямонлиқ-яхшилиғ тушунчалари ҳосил қилган тазод воситасида фикр таъсирчан ва санъаткорона ифодаланган:

Эй, кўнгул, чун яхшидин
кўрдунг ямонлиқ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не маъни
ҳар ямондин яхшилиғ.

Мутафаккир келган хулосага кўра, дунё шундай қурилган, яхшиларданки ёмонлик кўрганингдан кейин ёмонлардан яхшилик кутиш фойдасиздир. Ҳеч кимдан яхшилик кутиб бўлмаслигини теран англаган, кўнгилдан ҳис этган ҳолда ҳам барчага бирдай яхшилик қилиш – одамийликнинг юксак даражаси. Ўзбек – ана шундай фазилатга эга миллат. Шу жиҳатдан, ғазал шоҳбайтида ифодаланган мазмун миллатнинг асл табиатини ифода этгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Бори элга яхшилиғ қилғилки,
мундин яхши йўқ –
Ким, дегайлар даҳр аро
қолди фалондин яхшилиғ.

Улуғ шоирнинг бундай фалсафий тўхтамга келиши сабаби теран асосга эга. Негаки, ўзбек халқи барчага, ҳатто ғанимига ҳам яхшилик қила олишини кўп асрлик тарихи давомида қайта-қайта исбот этгани маълум. Ўрта асрлар адиби Ал-Жоҳиз "Фазойили атрок" ("Туркийларнинг фазилатлари") асарида аждодларимизнинг номусли, юраги тоза, ёвуз ўй ва ботил фикрдан холи инсонлар бўлганини; на жангда, на тинч пайти ҳийла билмаганини, фурсатдан фойдаланмаганини; ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри эканини; бировнинг молига хиёнат қилиш, иккиюзламачилик, кибру ҳаво, катталарга ҳурматсизлик кўрсатиш уларнинг тасаввурига ҳам сиғмаганини таъкидлайди. Ҳазрат Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ёзишича: "...сортдин тезфаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ" бўлган туркийлар учун барча замонларда ҳам яхши ном қолдириш ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этган. Бобурнинг "...бори элга яхшилик қилиш" ҳақидаги ғояси, ана шу жиҳатдан, миллатнинг сийратини ўзида мужассам этганини алоҳида таъкидлаш керак.

Миллатнинг ёмонликка ёмонлик билан эмас, яхшилик билан жавоб қайтара олиш фазилати шоир лирикасида ўзига хос бадиий талқин этилади. Шоирнинг бошқа бир ғазалидан олинган қуйидаги байт мазмуни ҳам буни тасдиқлайди:

Бобур, ул умр
сени сўккан учун
Умр боринча дуо қилғайсен.

Ҳатто сўккан одамнинг ҳақига ҳам дуо қилиш, табиийки, ҳаммани ҳам қўлидан келмайди. Олижаноблик-нинг, инсоний камолотнинг чўққиси бўлган бундай хулосага келиш осонми? Ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, бу наинки шоҳ ва шоир Бобурнинг, балки мансуб бўлганимиз миллатнинг асл табиатига хос юксак фазилат. Қийинлиги шунда кўринадики, ёмонликка нафрат – инсон фитратига хос туйғу. Ушбу нафрат ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаришни тақозо этади. Нафратни енгиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш, шу жиҳатдан ҳам осон эмас. Бунинг учун ушбу фазилат инсонга қондан ўтган бўлиши керак.

Шоир шеърларида миллатнинг менталитети билан боғлиқ қуйма фикрлар оҳорли ифода этилади. "Нимани эксанг, шуни ўрасан", деган халқ мақоли ҳаёт синовларидан ўтиб, тасдиғини топган фалсафий тўхтам. Миллатимиз эътиқодининг асоси бўлган Қуръони каримдаги "Залзала" сураси 7-8-оятларида ҳам ушбу мазмун ифода этилган: "Бас, кимки (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса (қиёмат куни) уни кўрар. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар". Муборак ҳадислардан бирида ҳам: "Дунё – охиратнинг экинзоридир" дейилади. Демак, халқимиз тўрт сўзда ихчам ва лўнда ифодалаган "Нимани эксанг, шуни ўрасан" мақолида миллатнинг асл табиати ва эътиқодий тушунчалар теран асосларда уйғунлашиб кетган. Машҳур рубоийсида Бобур ана шу мазмунни ўқувчининг қалбини титроққа соладиган даражада таъсирли ва гўзал бадиий шаклда оҳорли талқин этган:

Ҳар кимки вафо қилса,
вафо топқусидур!
Ҳар кимки жафо қилса,
жафо топқусидур!
Яхши киши кўрмагай
ёмонлиқ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса,
жазо топқусидур!

Бобур лирикасида фақат ўзбеккагина хос бўлган тушунчалар оҳорли бадиий талқин этилгани кузатилади. Масалан, "севинчи" сўзи ҳозирги кунда халқимиз орасида "суюнчи" шаклида кенг ва фаол ишлатилади. Ҳаётдаги энг қувончли дамлардагина тилга олинувчи бу сўзни шоир ғазалда ёр висоли билан боғлиқ бадиий лавҳада маҳорат билан қўллайди:

Хуш улки, бир киши кўзим
йўлида эрканда,
"Севинчи!" – деб югуриб
етсаким: "Фалон" келди!"

Бундай сатрлар шоирнинг халқ турмуш тарзини теран билиши, шеърда миллий қадрият даражасига кўтарилган тушунчаларни санъаткорона талқин эта олиши исботидир.

"Уйинг буғдойга тўлгур!" – ўзбекнинг кўпни кўрган оталари, донишманд боболари ёшларга шу сўз билан дашном бериши кўпчиликка аён. Ушбу одат миллатимиз оқсоқолларининг танбеҳи ҳам яхши ниятга йўғрилгани исботидир. Аслида, уйнинг буғдойга тўлиши – фаровонлик белгиси. Қандайдир ёқимсиз қилиқ қилган болани қарғамаслик учун, дашномни ҳам шу каби эзгу ният орқали ифодалаш наслнинг давомчиларига бўлган тенгсиз меҳр натижасидир. Моҳиятан, бу қарғиш эмас, олқиш. Буни қалбдан ҳис этган Бобур рубоийларидан бирида халқимизнинг табиатига мос ана шу мазмунни гўзал бадиий талқин этади:

Ишлар бари кўнгулдагидек
бўлғусидур!
Инъому вазифа – бори
буйрулғусидур!
Ул ғаллаю маҳмалки, деб
эрдинг, бердим,
Маҳмалға бўю ғалладин
уй тўлғусидур!

Ёки мана бу байтда шоир ҳаёт фалсафаси теран ифодаланган "Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўлурсан менингдек" деган халқ

мақоли мазмунидан фойдаланиб, бетакрор бадиий умумлашма чиқаради:

Даъвои ишқ этиб, ғайр,
Бобурни айб қилма –
Ким, мен эдим сенингдек,
сен бўлғасен менингдек.

Шоир байтга ғайр – рақиб образини олиб кирган. Ғанимига мурожаат орқали байт мазмунининг таъсирчанлигини оширишга, ирсоли масал воситасида бадииятни юксалтиришга эришган.

Ушбу фикрлар Бобурнинг миллий урф-удумларни, халқ турмуш тарзини, энг муҳими, ҳаёт фалсафасини теран англаган ва лирик асарларида бетакрор ифодалаган шоир экани исботидир.

Поэтик фикр ифодасининг миллий тафаккурга таяниши. Ушбу тамойил, бошқача айтганда, фикрни чинакамига ўзбекча ифодалай олиш маъносини англатади. Бобур лирикаси, бу жиҳатдан ҳам, тадқиқотлар учун бой материал бера олади. Шоир туркий тилнинг ифода имконияти нечоғлиқ кенг эканини теран ҳис этган, асарларида асл туркий сўзлардан кенг ва маҳорат билан фойдалана билган.

Не билғайсен менинг дарду
ғамим ҳар соату ҳар дам –
Ки, ҳусн усруклигидин ою
йил, эй ой, ойилмайсен.

Байт мазмунига очқич вазифасини ўтовчи "усруклигидин" (мастлигидан – қавс ичидаги изоҳлар бизники – Н.Ж.) ҳамда "ойилмайсен" (ҳушингга келмайсан) сўзлари Бобур шеъриятида анча фаол қўлланган соф туркий тушунчалардир. Бу ҳол, ўз навбатида, шоир фикрларининг тоза ўзбекча ифодаланишини таъминлаган.

"Бобурнома"да Андижонни таърифлаб ёзган: "Эли туркдур. Шаҳри ва бозорисида туркий билмас киши йўқдур", деган фикрларида буюк адибнинг ўзи мансуб миллатга муҳаббати ҳам акс этгани яққол сезилади. Шунинг учун ҳам улуғ шоир лирик шеърларида туркий тилнинг ифода имкониятидан маҳорат билан фойдаланган. Қуйидаги ғазал матлаи ҳам ижодкорнинг тафаккур йўсини миллий экани жиҳатидан қимматлидир:

Қуёшим ҳар сориға азм
қилса, заррае қолмон,
Не учунким, агар айрилсам
ондин, кун кўра олмон.

"Қуёшим" сўзи ифодалаган истиора ҳамда ушбу сўз билан зарра тушунчаси орасидаги тазод байтнинг юксак бадииятини таъминлаган. "Кун кўра олмон" – ушбу чинакам ўзбекча ибора байтда ифодаланган мазмуннинг поэтик хулосасини акс эттиришдан ташқари, миллий руҳни ифодалагани жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Мана бу мақтаъ байтда Бобур туркий тилга бўлган чуқур муҳаббатини самимий изҳор этган:

Турклар хатти насибинг
бўлмаса, Бобур, не тонг,
Бобурий хатти эмасдур,
хатти сиғноқий дурур.

Ушбу байтда буюк мутафаккир туркий ёзувнинг насиб бўлмаганидан, яъни амалиётда кенг истифода этилмаганидан ўкинчини ифодалаган. "Хатти Бобурий"ни ихтиро қилгани сабаби ҳам шунда бўлгани маълум. Байтда айтилган хатти сиғноқий эса араб ёзувининг аждодларимиз фаол қўллаган шаклларидан биридир.

Бобур лирикасида ҳазрат Алишер Навоий "турк шуароси хоссаси" сифатида таърифлаган туюқ жанрининг ҳам юксак поэтик намуналари бор. Мана, шоирнинг миллий тафаккур ва миллат руҳи ёрқин намоён бўлган туюқларидан бири:

Не бало, бийиктурур
давлат тоғи,
Кўҳи ғамни не билур
давлаттоғи?
Ҳиммате тут, доғи
давлат истагил,
Ҳимматинг бўлса, бўлур
давлат тоғи.

Ушбу туюқда тажнис бўлиб келган "давлат тоғи" сўзи биринчи мисрада "давлатнинг улуғворлиги", иккинчи сатрда "давлатга эришган киши", тўртинчи мисрада эса "давлат ҳам" маъноларида келган. Шоир теран фалсафий мазмунни тажниси томм орқали гўзал бадиий шаклда ифода этган. Шунинг баробарида, ижодкор ушбу туюқда туркий миллатга хос баланд ҳимматни улуғлаган.

Мана бу туюқда ҳам ўзбек тилининг ифода имконияти нечоғлик катта экани маҳорат билан ифодаланган:

Васлдин сўз дерга йўқ
ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айлагил,
ёро, манга.
Ўқунг этти кўп ёмон
ёро манга,
Марҳами лутфунг била
ёро манга.

Ушбу туюқда ҳар тўрт мисрада тажнис қўлланган. "Ёро" сўзи биринчи сатрда "ҳол, қувват", иккинчи мисрада "эй ёр", учинчи қаторда "яра, жароҳат", тўртинчи сатрда эса "ярагин" маъноларини ифодалаб келган. Ушбу туюқ ҳам Бобурнинг сўз қўллаш маҳорати баланд эканидан, поэтик фикрни ўқувчининг қалбига етиб борадиган даражада чинакам ўзбекча ифодалай олишидан далолат беради.

Замонавий шеъриятимиз дарғаларидан бири бўлган Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов миллий руҳ ифодасининг зарурати ҳақида мана бундай ёзган эди: "Майли, буюкларга интилиш бўлсин, жаҳоннинг, башариятнинг энг илғор фикрларига ошнолик бўлсин, Ғарб, Европа, Америка дейсизми, майли Лотин Америкаси, майли Ойми, Марсми.... даражасида фикрлашсин, лекин ўзбек фикрласин, ўзбекча фикрласин! Агар шу "кичкинагина" шарт бажарилса, қолганига, албатта эришамиз". Заҳириддин Бобур лирик шеърларида теран ҳаёт фалсафасини миллий тафаккур асосида, соф ўзбекча ифодалагани бугунги замон шоиру адиблари учун ҳам намуна бўла олишини таъкидлаш керак.

Поэтик образнинг миллий ифода орқали сувратланиши. Заҳириддин Бобур бу жиҳатдан ҳам юксак бадиий натижаларга эришган. Қуйидаги байтда "ит" образи, биринчидан мукаммал поэтик образ даражасига кўтарилган бўлса, иккинчидан, муаллиф концепциясини ифодалаган чинакам ўзбекча "йитгаймен" сўзи орқали мазмуннинг таъсир кучи бир неча баравар ошишига эришилган:

Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнумға маҳкам қил –
Ки, водийи фироқинг ичра, қўрқарменки, йитгаймен.

"Сочинг занжири", "водийи фироқ" бирикмалари ифода этган истиора, "итингдурмен" ва "йитгаймен" сўзлари асосидаги тажнис ошиқ руҳиятининг фожеъ тасвири орқали ўқувчи кўз ўнгида поэтик образни яққол намоён эта олгани шоирнинг тенгсиз маҳоратига далил бўла олади. Бўйнига ёр сочидан занжир боғланиб, фироқ водийси узра йитиб бораётган ит образи – лирик қаҳрамон туйғуларини бу даражада аниқ ва таъсирчан сувратлантириш учун ижодкор нечоғлик юксак салоҳият эгаси бўлмоғи зарур!

Ғазалнинг мақтаъ байтида ушбу таъсирчан бадиий образ оҳорли ва теран поэтик умумлашма орқали хулосаланган:

Муяссар бўлмаса бошимни
қўймоғлиғ аёғиға,
Бошимни олиб, эй Бобур,
аёқ етганча кетгаймен!

Ёр оёғига бош қўймоқ умиди – ошиқнинг ишқ таврида нечоғлик содиқ экани исботи эканидан ташқари, туйғу изҳорининг соф ўзбекча экани жиҳатидан ҳам қимматлидир. Агар ана шу орзуси муяссар бўлмаса, ошиқнинг бошини олиб оёқ етганча кетмоғи – фикр-

ни миллий руҳ уйғунлигида бу даражада мукаммал ифодалаш учун фақат Бобур бўлиш керак!

Буюк шоир умрининг аксар қисмида ёру диёр фироқида яшади. Темурий шаҳзодалар ўртасида иттифоқ йўқлиги, ўзаро тожу тахт талашувлари оқибатида буюк Соҳибқирон Амир Темур асос солган муаззам салтанат таназзулга юз тутганидан изтироб чекди. Ҳиндистонда улкан давлатга асос солиб, темурийлар ҳукмронлигининг умрини қарийб уч ярим асрга узайтиришга муваффақ бўлди. Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" тазкирасида айтилганидек: "(Бобур) чиғатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннаҳр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб қолишда кўп саъй-ҳаракатлар ва жонини аямасдан жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди, аммо тақдир ўқиға тадбир қалқони дош бера олмагач, бирор натижа чиқара олмади... Мулк қўлдан кетгач, табъ тўтиси ҳинд шаккаристонига майл билдириб, денгиз мавжли эътиборини Ҳиндистон мамлакатларини эгаллашга сарф қилиб, қоронғулик ўлкасини қуёш ёғдули қиличи шуъласи нурлари билан чароғон этиб, ҳумоюн толеъ туфайли мухолиф лашкарига шикаст етказиб, феруз бахт билан шоҳликнинг феруз тахтига ҳазрат Деҳлида комрон ўлтурди".

Шоҳ Бобур ҳаётида кечган ана шу мураккаб ва зиддиятли воқелик шоир Бобурнинг мана бу байтида таъсирчан тарзда образли ифодаланган:

Неким тақдир бўлса –
ул бўлур, таҳқиқ билгайсен,
Эрур жангу-жадал, ранжу-
риёзат барча беҳуда.

Бобур буюк қалб ва улкан ижодий салоҳият эгаси эди. Аҳиллик ва иттифоқ ғояси бетакрор бадиий талқин этилган мана бу байтлари миллат фарзандларини улуғ мақсад йўлида бирлаштиришга қаратилган даъват ўлароқ барча замонлар учун ҳам ибратлидир:

Аҳбоб, йиғилмоқни
фароғат тутингиз,
Жамъиятингиз борини
давлат тутингиз.
Чун гардиши чарх будурур,
Тенгри учун,
Бир-бирни неча куни
ғанимат тутингиз.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик шеърларида, улар қайси жанрда ёзилган бўлмасин, миллий руҳ ифодаси етакчи ўрин тутади. Улуғ мутафаккир шеъриятида миллатнинг асл табиати, сийрати мукаммал даражада акс эттирилган. Поэтик мазмун миллий тафаккур воситасида ўзига хос ва оҳорли талқин қилинган. Бадиий адабиётнинг асоси бўлган поэтик образлар миллий ифода орқали мукаммал сувратлантирилган. Бобур лирикасини миллий руҳ ифодаси нуқтаи назаридан янада чуқур ва кўламли ўрганиш адабиётшуносликнинг истиқболдаги долзарб вазифаларидандир.



Буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига ва унинг улкан илмий меросига бўлган қизиқиш йиллар ўтган сайин ортиб бораверади. Қарийб беш асрдирки, шоирнинг ижод маҳсули "Бобурнома" ўзининг бетакрорлиги, тилининг соддалиги, равонлиги, баённинг холислиги, маълумотларнинг аниқлиги, бойлиги ва хилма-хиллиги билан жаҳон олимларининг эътиборини тортиб келмоқда.

Озар тилинда сўзлайди Бобур...

Тўлқин САЙДАЛИЕВ,
Жамоат хавфсизлиги университети профессори, истеъфодаги подполковник.

Элмирза ЭРКАЕВ,
университет доценти

Темурий шаҳзода Бобур буюк бобурийлар сулоласига асос солди. Мазкур сулола ўзидан кейин бутун дунёни лол қолдирган энг сара ўлмас асарларини, бетакрор меъморий муҳташам иншоотларини ва боғ-роғларни мерос қолдириб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

"Бобурнома" асари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Озарбайжон миллий фанлар академиясининг Фольклор институти олими Рамиз Аскар шоҳ асарни озарбайжон тилида тақдим қилган.

Мутаржимнинг ахборотига кўра, таржима жараёнида "Бобурнома"нинг эски ўзбек, турк ва рус тилидаги нашрларидан фойдаланган. Китобнинг озар тилидаги нашрига профессор Хусейн Исмаилов муҳаррирлик қилган. 432 саҳифа, 32 рангли суратдан иборат бўлган асар 2011 йил Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида чоп этилган.

Рамиз Аскар асарга ёзилган сўзбоши, қайдлар ва шарҳларнинг ҳам муаллифидир. Сўзбошида, туркий тиллар тарихи, тараққиёт йўли ҳақидаги маълумотлар, Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод этган шоир, олим ва фузалолар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Шунингдек, "Бобурнома"нинг нафақат туркий адабиётда, балки жаҳон адабиётида тутган ўрни, унинг беқиёслиги ҳақида ҳам қизиқарли фикрлар билдирилган. Асардаги шеърларнинг ҳаммаси озар тилига ўгирилиб берилган.

Масалан, русча таржималарда шеърлар аслият ёки форс тилида берилмаган, тўғридан-тўғри русча таржимада берилган бўлса, бунда аксинча форсча шеърлар аслиятда, ундан кейин эса озар тилидаги таржималарда берилган. Таржимада мумтоз адабиёт анъаналари ҳам сақлаб қолинган. Масалан:



"Яна бир Аҳмад Ҳожибек эди. Султон Малик Қошғарийнинг ўғли эди. Хуштабъ ва мардона киши эди. "Вафоий" тахаллус қилур эди. Соҳиб девон эрди, шеъри ёмон эмас эди, бу байт анингдурким:

Мастам, эй муҳтасиб, имрўз зи ман даст бидор.
Иҳтисобам бикун он рўз ки ёби ҳушёр".

Байтнинг шеърий таржимаси берилмай мазмуни берилган.

Мазмуни: Эй муҳтасиб, мастман, бугун мендан қўлингни торт, қачонки ҳушёр топсанг, ўша куни текшир.

Рамиз Аскар, “Бобурнома” матнидаги барча шеърий мисралар, парчаларни назмий таржимада беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таржимон Шарқ мумтоз адабиётининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда форсий байтларни озарбайжон тилига муваффақият билан таржима қилган.

Вафоий форсий байтда қўллаган мувозана, радиф ва қофия каби шеърий санъатларини у, маҳорат билан озарбайжон тилида қайта ярата олган. Бобур ўз холаваччаси Ҳайдар Мирзо ҳақида маълумот берар экан, у томондан битилган форсий байтни “Бобурнома”да келтиради:

Боз гардад баасли худ ҳама чиз,
Зарри софию нуқраву арзиз.

Мазмуни: Ҳамма нарса: хоҳ соф олтин, хоҳ кумуш ва хоҳ қўрғошин бўлсин, барибир, ўз аслига қайтади.

Русча таржимаси қуйидагича:

Всякая вещь возвращается
к своему началу –
И чистое золото, и серебро,
и свинец.

Озарбайжонча таржимаси:

Hər şey, ister saf altin, istər guműs, istər qalay olsun, axirda őz əslinə dőnər.

Эътибор берсангиз, русча таржима шеърий таржимадан кўра насрийга яқинроқ. Рамиз Аскар таржимасида ўзига хос ритм ва мусиқийлик мавжуддир. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Рамиз Аскар ва умуман асарни таржима, таҳрир қилиш жараёнида иштирок этган олимлар ўз мақсадларига эришганлар.

Зеро, машҳур таржимашунос олим Левон Мкртчян ўзининг “О стихах и переводах” номли рисоласида қуйидаги фикрни келтириб ўтган: “Агар таржима (бошқа тилда) қабул қилувчи муҳит тилига янгилик олиб келмаса, бундай таржимани умуман кераги йўқ”.

Дарҳақиқат, таржимон ўзининг таржимаси билан ўзга адабиётга адабиётининг анъаналарини ҳам олиб киради. Бу эса, ўз навбатида, ўзга тилда сўзлашувчи китобхонга аслият адабиётини бутун гўзаллиги билан намоён бўлишига хизмат қилади, уларга эстетик завқ бағишлайди, лекин албатта поэтик таржимада ўзгартиришлар ва йўқотишлар бўлиши муқаррар.

Яна шуниси эътиборга моликки, “Бобурнома”нинг озарбайжон тилига таржимаси сўнгги йилларда таржимашунослик фани қўлга киритган ютуқлар қаторида баҳоланади. Мутаржим асарнинг эски ўзбек тилидаги нусхасини туркча ва русча таржималарини истеъфода этгани таржимани янада мукаммал бўлишига хизмат қилган. Таглама вазифасини ўтаган юқоридаги нашрлар бир-бирини тўлдирган ва охир-оқибат “Бобурнома”нинг озарбайжон тилидаги нашри гўзал бир шаклда ва мазмунда дунё юзини кўрди.

Ҳазрат Низомий, Ҳазрат Навоий икки қардош халқ учун қанчалик азиз бўлса, ўйлаймизки, Ҳазрат Бобур Мирзо ҳам озарбайжон халқи учун шундай азиз ва мўътабар бўлиб қолади.

Тан олиш керак, сўнгги йилларда бобуршунослик мамлакатимизда янги босқичга кўтарилди, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Айниқса, сўнгги олти йил ичида Президентимиз ташаббуси ва ҳомийлиги остида, бобуршунослик нафақат бизнинг юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам янгича қарашлар билан бойимоқда.

Умуман олганда Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ва ижодини ўрганишда туркий давлатлар олимларининг янги авлоди майдонда бўй кўрсатмоқда. Бу борада гўзал ва бетакрор Озарбайжон диёрининг олимлари бутун дунёга намуна бўлиб келишаётир.

“Бобурнома” таржимасида муайян ютуққа эришган филология фанлари доктори, профессор Рамиз Аскар мазкур иши билан кифояланиб қолмади. У ҳозирги вақтда бобокалонимизнинг “Мубаййин”, “Волидия”, “Аруз рисоласи” ва бошқа асарларини таржимаси билан машғул ва бу иш олим ҳаётининг мазмунига айланган.

Биз ўзбекистонлик бобуршунос олимлар озарбайжонлик олимлар эришаётган ютуқларни кўриб хурсанд бўламиз. Рамиз Аскар Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети билан сермаҳсул ҳамкорликни йўлга қўйган. Университет томонидан ўтказиладиган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига оид халқаро конференцияларда профессор доимий иштирокчимиз ҳисобланади.

Рамиз Аскар туфайли Озарбайжон халқи ҳам Бобурнинг энг гўзал асарларидан баҳраманд бўлаётганлигидан ва ижодий ҳамкорлигимизнинг бардавомлигидан мамнунмиз. Ўйлаймизки, қардошларимиз билан ижодий ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб, янада сермаҳсуллик касб этаверади.

БОБУР ҲИКМАТЛАРИ НЕМИС ТИЛИДА

ёхуд бутун дунёга татийдиган ажойиб битик

Жума ЖЎРА,
журналист.

... Атроф туннинг сирли либосига бурканган. Қалин ўрмонзор тарафдаги кўлдан қурбақаларнинг қуриллаши, каккунинг зорли сайраши, аҳён-аҳёнда този итларнинг акиллаши эшитилиб қолади. Ҳаво танани жунжуктирадиган даражада салқин. Само тоқидаги юлдузлар эса имиллаб, нимадир дегандай бўлади.

Венгрия бошкенти Будапешт шаҳри кўчалари ўзбек кўчаларидек кенг ва равон эканлиги, оврупаликлар яшайдиган бинолар-нинг нақадар кўркамлиги, менда чуқур таассурот қолдирганлигини миннатдор бўлиб эслайман. Ана шундай тунлардан бирида туркий элат вакили бўлган хизматдошларим билан дунёга довруқ солган, темурийлар сулоласининг муносиб давомчиси, буюк саркарда, жаҳон тарихида истеъдодли шоҳ ва шоир сифатида, беназир адабий мероси, бунёдкор амаллар соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзида талай ғазалларни жамлаган китоби мутолааси билан банд эдик. Айниқса, Ватандан йироқда юрган аскарлар унинг дилтортар ғазалларини юртни соғиниб, яқинларни қўмсаб, тинглар эдик. Негаки, Венгрия тупроғида хизмат бурчимизни адо этаётган биз каби аскарларга битта нарса етишмас эди-да. Бу юрт меҳри! Бизни-ку қўя турайлик. Можорлар элида қолиб бошпана тиклаган туркий элатлардан бўлган ул бечоралар бир умр эл соғинчи билан яшар эдилар. Вой шўрлик-



лар-эй, энди улар ўз ота-боболари юртига қайта олмайдилар чоғи, дейман ичимда. Негаки, тўқсонин-

чи йилларда бу ҳақида ўйлаш хаёлга келмасди.

– Оҳ, қандай гўзал, латофатли сатрлар. Қани энди, буларни кифтини келтириб можор, польяк тилларига ўгирадиган мард таржимон топила қолса дедим, шерикларимга кўз қиримни ташлаб. Шунда мафтункор ғазаллар жозибаси ўзга қалбларни ҳам асир этган бўлармиди?

– Ростдан ҳам, тўғри айтасан. Бу дилрабо ғазаллар ўзга тилларда ҳам нафосатли жаранглайди, – дея гапимни бир овоздан маъқуллашди туркий хизматдошларим. Ният қилдикки, бобомиз Мирзо Бобурнинг ғазаллари тез орада ўзбекчадан немис тилига ўгрилса деб. Бундай бўлишини Умрзоқ чол жуда ҳам истарди.

Қаранг-а, бу суҳбатни бўлиб ўтганига ҳам ўттиз уч йилдан ошибди. Бу орада қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди, янги авлодлар келди. Юрт эркин бўлиб, ҳуррият насимлари эса бошлади. Шу дейман, можорлар юртидаги ўша Умрзоқ исмли туркий чол хўп ақлли, келажакни кўра биладиган доно одам бўлган экан-да. Буни қаранг, ахийри унинг сўзлари руёбга чиқди. Элимиз ўзлигига қайтди. Шу аснода икки минг йигирма учинчи йилнинг бошида, тўғрироғи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд айёми юртимизда кенг миқёсда нишонланаётган кезлари ул муборак зотнинг сара битиклари ўзбекчадан немис тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида нашр этилди. Қуйида шу ҳақда сўз юритмоққа шайландим.

* * *

Муштарийларнинг ёдларида бўлса керак, "Фермер" журналимизнинг бултурги март сонида германиялик олима доктор Ирис Берндт билан суҳбатимиз эълон қилинганди. Ўша гурунг матнида қуйидаги жумлалар бор: "Ўзбек журналистлари билан суҳбат қуриш менга-да мароқли туюлади. Чунки, Ўзбекистонга илк маротаба келишим. Мирзаалининг хонадонида яшаяпман. Тоғларни кўрмоқчи эдим. Ҳозирча ёмғирларни кўряпман" (Ирис Берндт: "Сумалак пиширишни ўрганмоқчиман..." сарлавҳали суҳбатдан).

Ўшанда немис олимаси Ирисхоним гап орасида: "Бобур Мирзо ҳикматларини Мирзаали Акбаров аслиятдан бизнинг забонга ўгирибди. Ўқидим. Чиройли таржималар... Халқимизга ҳикматли сўзлар ёқади ўзи" деди.

Бобур ҳазратлари таваллудининг 540 йиллиги арафасида ўша китоб қўлимизга тегди. Номи - "Ҳикматлар". Ўзбек ва немис тилларида босилган. Бизнингча, Тошкентдан "учирма" қилинган бу мўъжаз китоб жаҳонни кезса кераг-ов!

Таниқли олим Ваҳоб Раҳмонов "Фикрчан шеърият ва ҳикматомуз наср" номли тадқиқотида қуйидагиларни ёзган: "Тўғри, Бобур китоблари Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" ва "Бўстон", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарлари сингари ғиж-ғиж ҳикматли сўзлардан иборат эмас. Чунки, Саъдий ва Навоий - маънавият жонбозлари, Бобур эса - подшоҳ. Шунинг учун Бобурнинг ҳикматомуз гап ва байтлари миқдори унчалик кўп эмас" (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Ҳикматлар". Ўзбек ва немис тилларида. Таржимон: Мирзаали Акбаров. Муҳаррир: доктор Ирис Берндт, Потсдам (Германия). Тошкент, "Адабиёт" нашриёти, 2022. 8-бет).

Тарихдан маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солган. Бу сулола эса 323 йил сиёсат саҳнасида яшаган. Ана ўша сулола асосчисининг етук шоир, адиб, олим бўлганлиги факти таҳсинга лойиқдир. Чунончи, Бобурни туркий олам донишманди сифатида етти иқлимда яхши танийдилар. М.Акбаров амалга оширган таржима китоби эса Германия, Австрия каби немисзабон мамлакатларда

овозага айланиши муқаррар.

Ушбу китобга 280 та ҳикмат жамланган. Ҳар бир ҳикмат мазмундорлиги, нафислиги эвазига ёдда қолади. Масалан, 2 - ҳикматда шундоқ дейилади: " Хуш ул бурунги замонларки, ўтиб кетдилар. Замонларни хушвақт ўтказган одам яхши кишидир". Ушбу ҳикмат европаликларга маъқул келишини тусмоллаш мумкин. Жумладан, шеърий сатрлар Бобур шахсияти қирраларини намойиш қилаётгандек:

Ичдан дардмандларни
оғритма зинҳор,
Ғазаб бўлиб қалқар юзага
дардлар.
Қўлингдан келганча
оғритма дилни,
Дилдан тортилган оҳ -
жаҳонни ўртар.

Яна:

Ғазабдан ханжарга қўл
чўзган киши:
Афсус бармоғини
тишлашдир иши.

Немис тилини билмаганимиз учун таржима даражаси борасида фикр айтишдан ожизмиз. Аммо, танланган ҳикматлар таржимонниг нозик дидидан, баланд савиясидан дарак бериб турибди.

Энди мутаржим хусусида маълумот. Мирзаали Акбаров 1955 йилда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети) нинг олмон филологияси факультетини битирган. Кўп йиллар мобайнида Тошкент Халқаро радиосининг немис тилида эшиттиришлар бўлимида мудир ва бош таржимон бўлиб ишлаган.

М. Акбаров ҳозиргача ўттиздан зиёд асар таржима қилиб, китоблар чиқарган, шундан бир нечтаси ўзбек тилидан бевосита олмончага қилинган таржималардир. У Нобель мукофоти соҳиби Ҳерман Ҳессе қаламига мансуб "Чўл бўриси" романини, улуғ мутафаккир Гётенинг "Ҳикматлар хазинаси" китобини, машҳур файласуф Иммануил Кантнинг "Педагогика тўғрисида" асарини, машҳур поляк адиби Ян Парандовскийнинг "Сўз кимёси" (Озод Шарафиддинов билан ҳамкорликда) асарини, немисзабон хорват шоираси Марица Бодрожич (Баҳром Рўзимуҳаммад билан ҳамкорликда) туркум шеърларини таржима қилиб, нашр эттирган. Шунингдек, Иброҳим Ғафуров мансураларини, Хосият Рустамова, Ўроз Ҳайдар шеърларини аслиятдан немис тилига ўгирган. М.Акбаров – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Халқаро Ҳерман Ҳессе жамиятининг аъзосидир. Навбатдаги "Ҳикматлар" (Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳикматлари. Ўзбек ва немис тилларида) китоби эса З.М. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов тавсиясига биноан чоп этилган.

Сирасини айтганда, улуғ Бобур мемуар ёзганлиги маълум. У поэтик прозада ёзган эди. Бу китоб сиз билан бизнинг меросимиздир. Бу Ўзбекистондаги каби бизда ҳам ғоят қадрланади. Ҳиндистоннинг баъзи рассомлари, жумладан Бобурнинг чевараси ушбу китобга расм чизган. Бу ажойиб қўлёзманинг бир нусхаси Москвада сақланмоқда. У бутун дунёдаги ажойиб санъат асарларидан бири деса бўлади. Биз дунёдаги энг гўзал асарлардан бирини Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида баҳам кўрамиз. Бобур Мирзонинг маънавий мероси тўғрисидаги бу ҳароратли сўз машҳур ҳинд ёзувчиси Мулк Рож Онандга тегишли. Қолаверса, бундай илиқ ва самимий битикларни таниқли таржимон Мирзали Акбаров ранж чекиб немис тилига ўгирган китобга нисбатан ҳам айтса бўлади. Ушбу маънавий меросдан немис китобхонлари ҳам баҳраманд бўлади.

БАРОҚХОН

Юртимизда суронли тарихга гувоҳ бўлган обидалар кўп. Улардан бири Тошкентда асраб-авайланаётган Бароқхон мадрасасидир. Хўш, Бароқхоннинг ўзи ким эди?



БОБУР МЎМИНОВ.

Асл исми Наврўз Аҳмадхон. “Барокат – неъмат” соҳиби бўлганлиги учун Бароқхон деб аташган. У темурийзода, маърифатли подшоҳ Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегимнинг набирасидир. Наврўз Аҳмадхон 1510 йилда Шошда туғилиб, 1556 йилда Самарқандда вафот этган. Бароқхон Тошкент хони – отаси Суюнчхўжахон саройида даврининг азиз уламоларидан таълим олади. Шундай устозларидан бири араб тили, адабиёт, фиқҳ илмларининг билимдони Зайниддин Восифий эди. У 1533 йилда акаси Муҳаммад Султон вафотидан кейин Тошкент хони бўлди. Наврўз Аҳмадхон XVI аср ўрталаридан Бухоро хонлигида кучайиб кетган феодал курашлардан фойдаланиб, Мовароуннаҳрни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бу ҳарбий юришда унга амакиси Кўчкинчихоннинг ўғли Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхон иттифоқдош эди. Шундай қилиб, мелодий 1551 – 1556 йилларда Наврўз Аҳмадхон Мовараунаҳр султони бўлди.

Наврўз Аҳмадхон кўп асрлик темурийлар мероси, барча осору атиқаларни таъмирлаб, асл ҳолида сақлашда жонбозлик кўрсатди. Аҳоли манфаатини ўйлаб, мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширди. У Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Балхда сардобалар, карвонсаройлар қурдирди, сув каналларини барпо этиб, боғ-роғлар яратди. Давлатида, “ўз даврининг ҳоқонлар орасида энг яхшиси”, “ҳоқонлар сараси” деган рутбаларда тангаларни муомалага киритди.


Наврўз Аҳмадхон Тошкентда буюк аллома ҳазрати имом номи билан машҳур бўлган Абу Бакр Қоффол Шоший мақбараси этагида, акаси Муҳаммад Султон томонидан қурилган отаси Суюнчхўжа мақбараси қошида мадраса бунёд эттирди. Бу кўркам мадраса ҳозирда азим Тошкентнинг энг мунаввар обидаларидан бирига айланган.

Наврўз Аҳмадхон мелодий 1556 йилнинг ноябрида Самарқандда оламдан ўтди. У Нақшбандия тариқатининг пири муршиди Хожа Аҳрори валий аш-Шоший ас-Самарқандий қабристонига дафн қилинган.

Ўзбек достончилигининг устунларидан саналган Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан шоирнинг фарзанди аржуманди Ўзбекистон халқ бахшиси, "Жасорат" медали соҳиби Умарқул Пўлкан хонадонида таваллуд топган шоир, таржимон Амирқул Пўлкан асарларини мухлислар орзиқиб кутардилар. Негаки, сўз сеҳргари янги шеърлар битадими, Эргаш Жуманбулбул ҳақида эссе ёзадими, шаксиз, хаёлга келмаган янги гап топиб айтар, юракка чўғ солиб кўнглини мувозанатдан чиқарарди. Аслида адабиёт ҳам шу бўлса керак-да.

Бевақт гулламоқдан асра, эй тақдир!..

Амирқул ПЎЛКАН.



Ҳар кимнинг гуллаган даври бўлади...
Совуқ урмас уни... кор қилмас қиров.
Биров эрта гуллаб, кечроқ сўлади,
Гуллаш армон бўлиб ўтади биров...
Эй, қалбим, талпинма, ҳолимга ўксиб,
Ҳар қандай орзуга топилгай тадбир.
Бевақт сўлмоқ менга этмасин насиб,
Бевақт гулламоқдан асра, эй тақдир!..

* * *

Мен куламан ва йиғлайман,
Юпанаман қай бир қўшиқдан.
Шодлансам дунёга сиғмайман:
Чунки мен ошиқман.
Мен ёндираман ва ёнаман,

Шамолдай сирғалиб киргум эшикдан.
Мен сабр қиламан ва кўнаман:
Чунки мен ошиқман.
Кўзимда ёруғлик ва намлар,
Қўрқаман ёлғондан, яшиқдан!
Сиз мени билмайсиз, одамлар,
Ахир мен ошиқман.

* * *

Жаҳонда бир қўшиқ бордир,
Сеҳрли бир эшик бордир.
Қўшиққа бир ошиқ бордир,
Шу ошиқ менга ўхшайди,
Беармон сенга ўхшайди.
Жаҳонда бир беармон бор,
Муҳаббат отли нарвон бор.
Чиқолмай бир бедармон бор,
Бедармон менга ўхшайди,
Беармон сенга ўхшайди.

СЎРАЙМАН

Сен-ла кечган даврим менинг соз ўтди,
Ўртамиздан қанча фироқ ноз ўтди,
Сездирмасдан баҳор ўтди, ёз ўтди,
Баҳоримни энди ёздан сўрайман.
Шоир қалби билмас асло ҳаловат,
Иш бўлмаса надир назму маҳорат?
Гоҳ топмадим оловлардан ҳаловат,
Ҳароратни гоҳо муздан сўрайман.
Чеҳранг каби ёруғмиди юлдузлар?
Қошинг каби қорамиди кундузлар?
Кўзинг каби ёниб турар юлдузлар,
Тиниқликни мен юлдуздан сўрайман.
Бир қўшиқдир билсанг ишқим, имоним,
Сўнмоғига зарра йўқдир гумоним.
Ҳар қайдаки сени кўрган замоним,
Гуноҳимни қора кўздан сўрайман.
Қалбинг тўлгай охир ишқий садога,
Таваккал деб қўл бермагил видога,
Мен ҳам энди ишонмасман дуога,
Мен ишончни сендай қиздан сўрайман.

АРМОНИМ

Сен гул бўлиб очилдингу кулмадинг,
Кўнгил бўлиб, бир кўнгилдай тўлмадинг,
Айтгил, нега ёр кўнглини олмадинг?
Муҳаббатим, фақат сенсан армоним.
Кўз юммасдан ўтказганда тунларни,
Ёдга олдим энг бахтиёр кунларни.
Мен қолиб, сен бахтли қилдинг кимларни,
Муҳаббатим, фақат сенсан армоним.

Бу дунёда сабрсизга тўзим йўқ,
Айрилиқни кўргани ҳеч кўзим йўқ,
Гоҳ ташнаман, гоҳо жиндай жазм йўқ,
Муҳаббатим, фақат сенсан армоним.
Биламанки, мени излаб келмайсан,
Мен борганда қани, келгин, демайсан.
Гар келсанг ҳам менинг билан қолмайсан,
Муҳаббатим, фақат сенсан армоним.
Сувдай оқиб ўтиб борар ҳаётим,
Соғинганда учмоққа йўқ қанотим,
Ҳамон ўзинг қалб қўшиғим, баётим,
Муҳаббатим, фақат сенсан армоним.

ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Севгилим сен, севгилим сен,
Севганимни билмадинг.
Гоҳо тунлар нола қилдим,
Чорладим мен, келмадинг.
Улфатим – ой, гоҳо – юлдуз,
Сўзламайдилар сўз билан.
Ўтди тунлар, ботди кунлар,
Ҳеч ишинг йўқ биз билан.
Йўлларимда қанча ошиқ,
Бошин эгди... Эгмадим.
Мен сени деб, ота-онам
Айтганига тегмадим.
Севгилим сен, севгилим сен,
Севганимни билгин-ей.
Гоҳо тунлар нола қилсам,
Чорласам мен келгин-ей!..

* * *

Менингдек суймаган ҳеч ким,
Менингдек куймаган ҳеч ким,
Нечун мен билмайин кечдим,
Бу дарёдир, бу дарёдир.
Бу дунёда на қирғоқ бор,
Бу дарёда на бир сарҳад!
Муҳаббат отли дарё бу,
Муҳаббат отли бир ҳикмат.
Чўкиб мен ушбу дарёга,
Тушунмай ушбу ҳикматни,
Оёғим тойилиб тошга,
Йўқотдим илк муҳаббатни!
У дарё тубида ётган
Жавоҳирдир! Ажаб эрмас!
Уни мен ҳеч тополмасман,
Уни ҳеч ким топиб бермас!

* * *

Ёрим дўппи кийдирди:
Бошинг омон бўлсин, деб,
Синглим чопон кийдирди:
Танинг роҳат қилсин, деб...

Отам ёв-ла жанг қилди:
Ўғлим даврон сурсин, деб,
Онам белбоғ боғлади,
Эгилмасдан юрсин, деб...

* * *

Парилардан ҳуснинг минг бор зиёда,
Васлингни деб кездим пою-пиёда.
Излай-излай охир топдим дунёда,
Садоғангман, бир назар қил қаддингдан!
Тонглар отди, кунлар ботди, кўрмадим,
Ҳажринг билан баҳор ўтди, кўрмадим,
Қушлар келиб, учиб кетди кўрмадим,
Кулбам сари бир назар қил қаддингдан!
Ой деса – ой, кун деса кун, дедилар,
Дунёда йўқ бағри бутун, дедилар,
Шоир халқи мисли мажнун дедилар,
Майли мени сар-басар қил қаддингдан!
Ишқ майидан тотдим, аммо тўймадим,
Осмон – узоқ, ер – қаттиқ, деб куймадим,
Қайда бўлмай, фақат сени ўйладим,
Ёмон сўздан сен ҳазар қил қаддингдан!
Неча йилки, бахтим сира кулмайди,
Гоҳ сен келсанг, гоҳо омад келмайди,
Энди сенга етишмасам бўлмайди,
Ҳажрингни сен мухтасар қил қаддингдан!

* * *

Осмонда тўлин ой!..
Тўлин ой –
Юзингни эслатар.
Қаршимда шовуллаб оққан сой
Сўзингни эслатар.
Ёмғир ҳам эринмай, гулларнинг
Ғуборин артади.
Қалбимни, малагим, бетимсол
Фироқинг ўртади.
Юришинг, туришинг, нигоҳинг
Кўзимдан кетмайди.
Сен ойдек узоқсан, малагим,
Қўлим ҳам етмайди...

ОЛТИНҚАЛЪАДАН ЧИҚҚАН ГАВҲАР

Баҳром
РЎЗИМУҲАММАД.

Хоразмликлар ўзларининг элатига дахлдор нодир шахслар тўғрисида гапирар эканлар, “фалончи” биздан чиққан, дея фахрланиб қўядилар. Алҳол, “чиқиш” феълига урғу берадилар.Астойдил ўйлаб қарасак, бу алпоз ўзида эгалик ҳиссини ифодалаши аёнлашади.Зотан, санъаткор руҳиятида ўз юртининг нафаси акс этиши табиий ҳол.

Кунларнинг бирида шоира Гавҳар Ибодуллаева таклифимга биноан “Фермер” журнали таҳририятига келди. Айни шу маҳалларда мен шоиранинг навбатдаги шеърлар тўпламини босмага шайлаётган эдим. Гурунг асносида, Сиз қайси қишлоқда туғилиб, ўсгансиз, деб сўрадим. “Аждодларим Катқалъа ҳудудидаги Олтинқалъа қишлоқчасидан”, – деди. Шунда “лоп” этиб миямда бир фикр ясалди: “Олтинқалъадан чиққан Гавҳар экансиз-да?” дедим. Суҳбатдошим мажозий маънони англади чоғи, кулимсираб қўйди.



Хоразмда назм айтадиганларни “халпо” деганлар. Халполар оғзаки шеър тўқиб, гармон тутиб, қиз-жувонлар давраларида жаранглатиб ашула айтганлар. Ожиза халпо бисотидан бир шингил:

Бу кулбаи эҳзона хуршиди жаҳон галди,
Гўёки ўлик эрдим жисмим аро жон галди.
Бошим йўлида қурбон, ўлдирса надур армон,
Ул лаъли лаби хандон чин нури аён галди.

Онабиби Отажон қизи – Ожиза (1899-1951) Хиванинг Қушчи Катта боғ қишлоғида туғилиб, ўсган. Кўзи ожиз бўлгани учун Ожиза тахаллусини танлаган. У кўплаб шеър ва ғазалларни ёдлаб ижро этган. Шу баробарида ўзи ҳам шеър ёзган. У ҳаваскор шоира бўлган.

Алҳол, Хоразмнинг биринчи профессионал шоираси рутбасида Уллибиби Отаевани эътироф этсак мантиққа монанддир. Уллибиби опани “Уллибийи” дердилар. Камина 1980-йилда “Хоразм ҳақиқати” газетасида журнали-

стика амалиётини ўтаганимда опа билан танишиб, суҳбатлашганман. Кўзлари катта, катта кўзлар "қаъри"дан меҳр чашмалари отилиб тургандай туюларди. Адиб Сотим Аваз меҳридарё шоира ҳақидаги



бадиасини қуйидаги сатрлар билан якунлаган: "Минг афсус... Уллибиби Отаева айни навқирон чоғида 48 ёшида, 1996 йилда оламдан ўтди. У бир дунё илмини ва ҳали ёзилмаган асарларини ўзи билан олиб кетди. Энди фақат ёзиб қолдирган асарларида унинг сиймосини янгидан кашф этиш имкони бор".

Ким нима деса десин-у камина Ожиза ҳамда Уллибиби Отаева йўлларини Гавҳар Ибодуллаева давом эттирмоқда, деб ўйлайман. Ожиза табиатидаги мунг, шўхлик, эҳтирос, Уллибиби Отаева руҳиятидаги фалсафий ифодалар унинг назмига кўчиб ўтиб, муштараклик касб этгани тобора ойдинлашаётгандек.

Бизларни 1992 йилдами ёки 1993 йилда – аниқ эслай олмайман, устоз Матназар Абдулҳаким таништирганди. Ўшанда "Хоразм" нашриётида "жавлон ураётган" вақтларим... Йўлдош Эшмурод, Болтабой Бекматов, Мадамин Қўчқор каби воҳа шоирларининг илк тўпламларини эълон қилиб, қувониб юрган эдик. Кунлардан бир куни Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига борсам истараси иссиққина, қизил кўйлакли қиз ним табассум қилиб ўтирибди. "Таниш. Бу – Гавҳар Ибодуллаева. У ҳам сенга ўхшаб тортинчоқ. Дуч келиб қолсангизлар саломлашиб ўтиб кетаверасизлар...". Матназар аканинг шу қабилдаги мутойибалари кейинчалик "ҳақиқат либосини кийди". Воқеан, биз кам суҳбатлашар эдик. Бу алпоз бир тарафдан ёмон бўлса, иккинчи тарафдан яхши. Негаки, шу кунга довур Гавҳар мен учун сирли туюларди.

Гарчи "Қутлуғ сўзлар" номли илк шеърий тўпламига муҳаррирлик қилган эсам-да шоира ижоди бобида тасаввурим камгина эди. Гапнинг очиғини айтсам, мен унинг публицистик мазмундаги шеърларини кўпроқ ўқиганман. Алалхусус, ноанъанавий назмга қизиқиб кетганим боис бу мавзу хаёлимдан фориғ бўлган эди. Энди мавриди келди чоғи.

Инсон нега шеър ёзади? Шеър ёзишдан, чоп эттиришдан мақсад нима ўзи? Агарда назм отлиғ санъат тури бутунлай ғойиб бўлиб кетса, инсоният нимасини йўқотади? Бу янглиғ саволларга неча асрлардан бери жавоб изланади. Аслида саволларга аниқ-тиниқ жавоб топилса сир сирлигидан айрилиши муқаррар.

"Шеърдан моддий фойда кўзлаб, мол-мулк соҳиби бўлган йўқдек. Соғлигида шеър соясида мақом қўлга киритган, мавқега эга бўлган шоир йўқ, ҳам ниҳоятда оздир. Бор бўлса-да, тарихда қолгандир. Хўш, ундай бўлса, бу "фойдасиз" иш билан нега шуғулланади инсонлар? Чунки, шеър бир фитрат ишидир" дея ўзича жавоб ахтарганди турк тадқиқотчиси Фарук Уйсал бир сўз бошисида.

Фитрат – инсоннинг руҳий дунёси демак. Маълумки, ҳар бир инсон икки қисмдан иборат: бадан ва руҳият. Баданнинг озуқаси ейимлик, ичимликлардир. Руҳият озуқаси эса санъат маҳсулотларига тақалади. Худди шу нуқтаи назардан

қаралганда, шеър ўзида тасвирий санъат ҳамда мусиқа унсурларини жамлаб, маънавий иштаҳангизни "карнай" қилаверади.

Ғалати ҳолат: айрим шеърий китобларни ўқисам илкис қувонаман; осмонларда парвоз қилаётгандек бўлаверaман. Айрим шеърий китобларни ўқисам, аксинча, таъбим хира тортади; идроким зўриқади. Навоий ҳазратлари "Мажолис ун-нафоис" отлиғ тазкирасида хунук шеърга нисбатан "ҳеч мазаси йўқтур" иборасини қўллаган экан. Шу аснода улуғ мутафаккир фасоҳат қоидаларига имо-ишора қилади.

Дарҳақиқат, биз қизиқиш важидан ҳамда касб тақозосига кўра минглаб шеърларни ўқиганмиз. Баъзилари мазали, баъзилари мазасиз. Гавҳар Ибодуллаева қаламига мансуб "Юрагимда яшаётган сир" номли тўплам мутолаасига киришганимда ўз "идишим"га мос "ширинлик" ахтардим. Энг аввало, "Навоий ғазалига мухаммас"нинг сўнгги банди эътиборимни тортди:


Уммедим ғунчалар очди,
дилрабо дебсен ани,
Кўзларимдин уйқу қочди,
чун шаҳло дебсен ани,
Чиқди жони Гавҳарингни,
бебаҳо дебсен ани,
Ўлди меҳрингдин Навоий,
бевафо дебсен ани,
Эртаги нозик мижози
бадгумоним сен менинг.

Кейинги беш аср мобайнида Навоий ғазалларига қанча шоир мухаммас боғлаганини ҳисоблаб кўрган бормикан? Аммо, шоираларни ҳисоблаш осонроқ. Боиси, аксарият шоираларимиз мутафаккир бобо кучидан чўчиганлар; ожизликлари сезилиб қолишини тусмоллаб истакларини жиловлаганлар. Айтиш мумкинки, Гавҳар мухаммас боғлаш алпози ила даҳога эҳтиромини кўз-кўзлабди.

Шеър – эҳтирос фарзандидир. Эҳтироссиз руҳдан соя шаклида айро тушган битиклар ўқувчида ҳис-ҳаяжон қўзғай олмайди. Ана шунинг учун ҳам идрок нуқталари турғун ҳолатини ўзгартирмайди. Муаллифнинг "Суҳбатингда саодат бордир..." сарлавҳали туркумини ўқир экансиз лирик қаҳрамонни эҳтирос алангасида тасаввур этасиз:

Ҳеч ким кирмасун,
кўнгил қопиларин
михларман зор-зор,
Бул зиндон ичра ёлғиз
кўксим
тиғларман зор-зор.
Васлига
мушарраф бўлмакдин
жудо бўлдим,
Маҳшаргача
мотам тутиб,
йиғларман зор-зор...

Гавҳархоним мазкур туркумида "Шул беоромлик ичра оромимни топдим мен" сатрини синдириб қўллабди. Бу – ҳаловатсизликдан ҳаловат топдим, деганидир. Зотан, кутишда ҳам роҳат бор.



Шўро даврида бадиий адабиёт, хусусан, шеърият мафкура югурдагига айлантирилгани тўғрисида кўп гапирамиз, кўп ёзамиз. Бироқ, бу кўникма қонга ўтиб, сингиб кетгани жабҳасини чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз ҳам. Дарҳақиқат, ўша

вақтларда аксарият шоиру шоиралар "юрагида яшаётган сир" бобида фикр юритишга қўрққанлар. Яна уларнинг "сир"и сариқ чақачалик қадр топган эмас. Жамият хусусидаги ҳайқириқлар, чорловлар асл шеърият мақомида кўрилган. Шу кўникмаларнинг инерциялари ҳали-ҳамон тўхтамаган. Қолаверса, Шарқ мумтоз шеъриятини маиший лирика дегувчилар "қораларини кўрсатиб турадилар". Аслини олганда қадим замонлардаёқ Оллоҳга, инсонга, коинотга меҳру муҳаббат мотивлари шеърга солинганини биламиз. Дейлик, Нишотий ишқ мавзусида юракни орзиқтириб юборадиган мисралар ёзган:

Фурқатинг заҳри билан
ўлмиш эдим, жон топдим,
Руҳпарвар сўзу жон пур кучи
овозингдан.

Дема: Ишқимда Нишотий
тирик эрканму ўлук,
Гаҳ тирик лутфинг ила,
гоҳи ўлук нозингдан.

(Нишотий. "Ҳусн ва Дил". Тошкент, 1967. 397-бет)

Луғатимизда "фасоҳат" атамаси бор. Атама "сўзга усталик" деган мазмунни билдиради. Сўз усталарига "фасиҳ" деганлар. Худди ўша ўзакдан "фассос" сўзи ясалган. Қимматбаҳо тошлар билан зийнат берувчини фассос дея таърифлаганлар. Бинобарин, шоирлару шоираларни сўз дурларини терувчилар рутбасида эъзозласак янглишмаган бўламиз. Чунки, уларнинг иштирокида тилимизнинг нақадар нафис, жозибадор, чиройли эканлигига эл-улус ишонч ҳосил қилади.

Профессор Озод Шарафиддинов "Адабиёт тилдан бошланади. Рангсиз тасвирий санъат, оҳангсиз музика бўлмаганидек, тилсиз адабиёт бўлмайди" деб ёзган эди (Озод Шарафиддинов. "Адабиёт тилдан бошланади". "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1986 йил, 5 сентябрь, № 36 (2880)). Шу таърифга қиёсан айтганда, шоирнинг кучини аниқламоқчи бўлган кишилар унинг поэтик тилини "эшитиб", ҳис этиб кўрсалар муддаоларига эришурлар. Албатта, шоирлик ҳунари қатида ворислик тақдири ҳам мавжуд. Воқеан, Гавҳар Ибодуллаева Зебуннисо, Нодира дохил бизга маълум шоираларнинг давомчиси ҳисобланади. Унинг ёзувлари – чиройли, фикрлари – эҳтиросли. Поэтик тилида бир парча эркалик, шўхлик, ноз-ишва ҳамда мунг мужассам. Яна мумтоз шоирлар таъсирининг халқона усулдаги талқинларига "қоқиламиз":

Қора сочим, тун сочим,
Гоҳ алиф, гоҳ нун сочим,
Бу не қаро кун, сочим?
Зулф паришон муборак.

Хазон кўнглим, боғ кўнглим,
Гоҳ жарлик, гоҳ тоғ кўнглим,
Қаён боқсам, доғ кўнглим,
Мангу ҳижрон муборак.

"Юрагимда яшаётган сир" шеърий китобини шартли равишда кичик сайланма дейиш мумкин. Сабаби, мажмуада бошқа туркумлар қаторида "Талабалик дафтаридан" (1979-1983), "Қутлуғ сўзлар" китобидан", "Бир вужуд соғинч" китобидан" рукнлари дарж этилган. Тағин "Жалолиддин Румий йўлларида" отлиғ шеърий мактублар нигоҳингизни жалб қилади. Мактублардан бир шингил:

Эй яктойи жаҳон, ўхшашинг
йўқ, мислинг йўқ,
Чор тарафинг чаман, хору
хасинг йўқ.
Фалак ости, Ер устини
кезсанг-да гирён,
Манинг каби, манинг каби
бир касинг йўқ.

Булар – татаббуълардир. Мавлонога татаббуъ битиш – ҳазилакам гап эмас. Бунинг учун олтин аср садоларига руҳан яқин бўл-

моқ жоиз. Шоиранинг битикларида ўша муштарақликни илғадим. Устоз Матназар Абдулҳаким таъбири ила айтганда, у ҳам Шарқ мумтоз шеъриятининг ботиний ворисидир. Шакл – янги, мотив эса ўша-ўша.

Хўш, менга унинг қайси шеъри кўпроқ ёқди? "Шаҳар ва мен" (ёхуд сизсиз ўтган куним қиссаси)" туркумидаги битиклари. Хусусан, иккинчи шеър:

Бу гавжум шаҳарда бир куним ўтди,
Бу бўм-бўш шаҳарда ўтмай кетди куним.
Сочимга бир тола оқ оралади.

Кун бўйи бўзлади нигоҳим унсиз,
Кўзи оқиб тушди ичиккан соғинчнинг.
Нотавон йўлларим йўлидан адашди.

Шу бир кун минг йилча умр яшадим,
Шу бир кун яшамадим бирон лаҳза ҳам.
Бир кунда мункиллаб қолди бардошим.
Кун бўйи жонимни чўқиди ўкинч,
Кун бўйи оғриди ичимнинг ичи:
Сиз менгамас, кўксимдаги бир нарсага кераксиз...

Бу шеър – муҳаббат мавзусидаги шеър. Бу шеър ўзида интим муносабатни акс эттириб турибди. Қизиқ, ушбу ёруғ дунёдаги энг рост ҳаракат – севишганларнинг ўзаро талпиниши-ку? Яна ўша ҳаракатлар қораланади. Демак, Ёлғончи дунёга риё муносибми?

Шеърни "чиройли ёлғон" дегувчилар янглишадилар. Шоир шеър воситасида Ёрини излайди. Гуллар қийғос очилган боғда хониш айлаётган Булбулни кўрганмисиз? Кулранг қушни? Ноласини эшитсангиз баданингиз жимирлайди. Руҳингиз ширин, ўта ширин жаннат неъматларини тановул қилаётган каби бўлади. Худди мана шу алпоздаги ҳаракат санъатнинг сеҳр-жодусига далил. Гавҳар Ибодуллаева ижодига баҳо берилганида эстетик қарашларидаги ихтироларни ёдда тутмоқ жоиз.

Шоира энг аввало, гўзалликдан ҳайратланади. Ва шу аснода гўзаллик муҳаббатнинг дояси эканлигига астойдил ишонади. Унинг наздида Бобурийлар сулоласи вакилларининг Ҳиндистонда амалга оширган ишлари ботинида гўзаллик бор, муҳаббат бор. Ана ўша воқеликка ҳайкал сифатида Тожмаҳал жаҳонга кўрк бағишлаб турибди. Мазкур мўъжизани етти иқлимнинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар зиёрат этадилар. Зиёрат ибтидоси шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосини ёд этиш баробарида воқеликка кўчади, албатта. Муаллиф Тожмаҳални пок севгига қўйилган ҳайкал мақомида таърифлайди:

Тожмаҳал – ишқ қасри, севги қалъаси,
Кўнгил туйғусига қўйилган ҳайкал.
Шоҳжаҳон қалбидан сизган изтироб,
Ошиқ армонидан яралган сайқал.

Ҳақли равишда савол туғилади: севги деганлари бормикан ўзи? Бўлса, бу туйғунинг моҳияти қандоқ? Беназир мунаққид Баҳодир Содиқов "Кўзлардаги дунё" сарлавҳали мақоласида ёзганидай: "Муҳаббатни ўрганиш билан яратиб бўлмайди, унинг ўзи келади. Муҳаббат насиб этган қалб эгасининг вазифаси эса уни сақлаб қолишдир. Муҳаббатнинг қонуний давоми ва доимий йўлдоши бўлган жасорат ҳар қандай жасорату қаҳрамонликдан улуғвор ҳамда гўзалроқ" деб ёзган эди. Айнан ушбу шеър мунаққиднинг фикр-мулоҳазаларига мос тушади. Хусусан, шеърнинг икки банди:

Тожмаҳал – дилларни
лол этган хилқат,
Ҳайратда Ҳиндистон,
ҳайратда дунё.
Муттозмаҳалбегим –
ул офтобталъат
Чиндан ҳам чинмикан
ё эртак, рўё?

Асрлар шамоли ўчира
билмас,
Бу ранглар устанинг
қонини ёҳу?
Тожмаҳал – юракдан
отилган қувонч,
Тожмаҳал – бағирга босилган
қайғу.

Шоира талқинида севги – илоҳий неъмат. Ана ўша илоҳий неъмат ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Баъзилар буни рўёмикан деб ўйлайдилар. Пировардида, барибир шундоқ ноёб туйғуга эҳтиёж сезилаверади. Ёзадики: "Ишқи йўқлар учун бир нафас тинмай/ Мангу муҳаббатдан куйлаб турар у".

"Тожмаҳал" сарлавҳали шеър бори-йўғи йигирма мисрадан иборат. Аммо, бу шеърни ўқисангиз худдики достон мутолаа қилгандай бўлаверасиз. Хулоса ҳам фалсафа "либосини кийибди". Тожмаҳал образи нафис ифодаланибди: "Тожмаҳал – заминга кўмилган орзу,/ Тожмаҳал – осмонга санчилган фарёд!".

Гавҳар Ибодуллаеванинг аксарият битикларида инсон руҳиятининг манзаралари аниқ-тиниқ тасвирланади. Айрим тасвирларнинг эса "эгалари бор". Дейлик, асарларида отасининг, акасининг, яқин қариндошлару қишлоқдошларининг ҳаётлари, қисматлари хусусида куйиниб ёзади. Унинг кўнгли жуда бўш; гоҳо ҳиссиётларини жиловлай олмаса йиғлаб юборади. Мана, ўзи ҳақидаги битиклар:

Менинг исмим Гавҳар
***ГАВҲАР** – ноёб, асл тош!*
Эй кўнглим!
Ноёб бўл, бебаҳо бўл, лекин...
тош бўла кўрма!..

Қадимги даврларда ҳам иқтидорларига ишонган шоирлар қишлоқ ва шаҳарчалардан пойтахт сари "от сурганлар". Пойтахтдан олис гўшаларда яшаб, шоир рутбасида довруқ таратганлар деярлик учраган эмас. Не ажабки айни даврда ҳам ўша ёқимсиз анъана давом этаётир. Дейлик, Тошкент адабий доирасига дахлдор инсонлардан вилоятларда яшаб, қалам тебратаётган ижодкорлар хусусида сўрасангиз аксарияти елка қисадилар. Гавҳарни ҳам оз сонли мутахассислар биладилар. Гарчи у ўн уч йилдан бери Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилоят бўлимини бошқараётган бўлса-да; гарчи у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига, "Шуҳрат" медалига, "Эл-юрт ҳурмати" орденига муносиб кўрилган бўлса-да... Бу хилдаги танимасликнинг ягона сабаби у Янгибозор туманидаги олис бир қишлоқда истиқомат қилмоқда. Хулоса шуки, Олтинқалъадан чиққан Гавҳарни асрамоқ ва ижодини тарғиб этмоқ керак – шоира ўзбек адабиёти тараққиёти йўлида кўб ва хўб ишларни уддалади.



Инсон кўнглига ўтиришадиган, унга завқ-шавқ улашадиган машғулоти бўлади. Борди-ю у шу машғулот билан банд бўлса зерикиш, чарчаш, толиқиш нималигини сезмайди. Аксинча, юрагини забт этган бу машғулотдан ҳузурланади. Болалигимдан китобларнинг сирли ва мўъжизавий оламига мафтунман. Уззу-кун уйга қамалиб, китоб мутолаа қилардим. Шу аснода китоб қаҳрамонлари ҳаётига шўнғиб кетардим. Қаҳрамонларнинг инсоний фазилатларини осонгина ўзлаштириб олардим. Рости, бадиий китоблар ҳаётим мазмунига айланган десам муболаға қилмаган бўламан.

“УНУТМАҒИЛ БУ НОМУРОД БОБУРНИ”

(Таниқли адиб Хайридин Султоновнинг “Бобурийнома” (Тошкент, Шарқ, 1997 йилда нашр этилган) тарихий романини мутолаа қилиш асносида кечган фикрлар)

Бек МИРЗО,
журналист.

Бир маҳаллар офтоб мисоли порлаган, истеъдодли ва синчков ёзувчи Хайриддин Султоновнинг қалбидан тўкилган “Бобурийнома” маърифий романи бор. Китоб бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилда “Шарқ” нашриёти матбаа бирлашмасида ўн беш минг нусхада чоп этилди. Кичикроқ ёстиқдек келадиган китобда Аллоҳнинг улуғ ва сирли бандаси ҳисобланган Темурийлар сулоласининг муносиб давомчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машаққатли ва мураккаб ҳаёт тарзи ва унинг шонли зурриёдлари, авлод-аждодлари ҳаёти ҳақида рўй-рост ҳикоя қилинади. Аёнки, бир минг тўққиз юз тўқсон учинчи йилда андижонлик фидоий инсон Зокиржон Машрабов бошчилигидаги илмий экспедиция аъзолари Бобур ва бобурийларнинг авлод-аждодлари тарихи ва меросини ўрганиш мақсадида саёҳат уюштиради. Экспедиция таркибида ёзувчи Хайриддин Султонов ҳам бор эди. Ҳиндистондек улуғ ва қадимий диёрда бобурий боболаримизнинг табаррук изларига дуч келиш, уларни зиёрат, тавоф қилиш эди асл мақсад. Ана шундай мураккаб ва машаққатли сафарларда бўлиб қайтган Хайриддин Султонов денгизга томчидек улуш қўшиш ниятида “Бобурийнома” маърифий романига қўл урди. Бунга қадар адибнинг “Ой ботган паллада”, “Саодат соҳили”, “Паноҳ” деган ҳикоялари, “Мардона китоб”, реалистик тасвирнинг мумтоз намунаси каби рисолалари дунё юзини кўрган эди. Уларда Бобур ҳаётига атрофлича тўхталиб ўтилган.

Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар” деган гапига амал қилиб, сўзни аввалдан бошлашга жазм этдим. Маълумки, Умаршайх Мирзо дунёни зир титратган Амир Темурга эвара ҳисобланади. Умаршайх мирзо Андижонда ҳукмронлик гаштини суриш асносида Тошканд ҳокими Юнусхоннинг ўртанча қизи Қутлуғ Нигорхонимга уйланади. Аммо, никоҳ ўқилганига етти йилдан ошган бўлса-да, ўртада фарзанд бўлмайди. Бу Умаршайх Мирзонинг қайнотаси кекса Юнусхонни ҳам, қайнонаси – Эсон Давлатбегим хонимни ҳам қийнайди, азоблайди, ич-этини кемиради. Ахир улар бошқалар каби дилбандларининг этаги болага тўлишини истар эдилар. Ниҳоят оҳу-ноласи Яратганга етиб, ҳукмдор хонадонида ўғил чақалоқ дунёга келади. Чақалоққа яхши ният билан Заҳириддин Муҳаммад дея исм қўядилар. Буни қаранг, ўшанда ота-онаси тилаб олган Заҳириддин Муҳаммад Бобурни умр давомида тақдири азал синов, имтиҳон, чиғириқдан ўтказиб келди. У ўн икки ёшида қиблагоҳидан айрилиб, етим қолди.

Ўлганни устига тепгандек, бешафқат ҳаёт тожу-тахтдан мосуво бўлиб, сарсон-саргардонликда тентираш азобини ҳам юборди. Ҳали қувноқ ва беғубор болаликнинг шўх-шаън дамларини татиб кўриш, Бухорои Шариф мадрасаларида, на Боғдод Байттулҳикмаларида берилиб, қунт ва сабот билан илм ўрганмоқликдан бенасиб этди қўйди. Бешафқат ҳаёт, шум қисмат кўп бора чиниқтирди, орзусини рўёбга чиқаришига ундаб турди. Бобур Мирзо ўн тўққиз ёшида киндик қони томган, тенгқурлари билан маъсум ва қувноқ дамларини ўтказган жаннатмакон Андижонини, яъни ота юртини кўзида дув-дув, турнақатор ёш билан тарк этади. Сўнгра қўтир дунё-дуннинг бор азоб-уқубатларига, мушкилотларига гирифтор бўлди. Авғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладешнинг каттагина қисмини оёғи остида таслим этганида Бобур Мирзо эндигина йигирма беш ёшга қадам қўйган эди. Юрган йўлидан, босган қадамидан, изидан мудом кин адоват, хиёнат, суиқасд худди илондек судралиб юрди, таъқиб этди. Жаҳонгир фақатгина Яратган Эгамнинг беадад меҳрибонликлари ила ажал чангалидан омон-эсон қолаверди. Ғанимлар эса ўзи қазиган чоҳга ғарқ бўлаверди. Бобур Мирзо баъзан ана шундай тўлиб-тошиб, ўзига сиғмай кетган чоғларида қаламнинг сеҳру-сурурга тўла кучига суянди. Ҳаттоки, бир шеърида “Бу дунёнинг мен чекмаган жавру-жафоси қолдими?” дея нола чекади.

Тақдири азалнинг ёзуғи билан Мирзо Бобур умрининг маълум бир қисмини, яъни кунини кўҳна ва азим Шошнинг устки тарафида, Чир воҳасининг тоғли кентларига яқин, Чотқол тоғ тизмалари бағридаги яшнаган гўша Фаркат номли хушманзара, мўъжазгина манзилда ўтказади. Ўзига садоқати баланд бир юз ўттиз чоғлича йигитлар ичида айниқса, Хожа Ҳусайн, Қаро барлос, Султон Ҳусайн аргун, Қўчбек, Нўён кўкалдош, Банди Али, Ғулда Қосимбек, Холдор, Миршоҳ Қувчин каби юрагида ёли бор азамат баҳодирлар унга ҳамроҳ, қалқон эдилар. Бу баҳодир жангчилар Самарқандни икки юз чоғлича аскар билан олганида ҳам Бобур Мирзога тоғдек таянч, мустаҳкам қалқон бўлган эдилар. Ўша талотўпда, яъни Шайбонийхонга қарши аёвсиз ва шафқатсиз жангда Иброҳим Тархон, Иброҳим Жоний, Иброҳим Сарудай сингари уч ботир ўз жонини нисор этган эдилар. Буни қаранг, ўшанда ҳар қанча тиришиб-тирмашиб жанг қилишларига қарамасдан толе юз ўгирган эди. Бу ҳам етмагандек, Султон Ҳусайн Мирзодек соҳиб тажриба подшоҳ ҳам бирдан тўнини тескари кийиб ундан юз ўгиради. Ўзини ҳеч нарсадан бехабар кишидай олиб қочди-қўйди. Аксинча у Шайбонийхоннинг ифлос ва манфур панжасига панжа уриб, унга яқинлашишдан бошқасига ярамади. Самарқанд жангида нафақат Бобур Мовароуннаҳрнинг кўзига узукдек

ярашиб тушган кентни балки, қалбининг бир ажралмас парчаси бўлган, яқин жигари опачаси Хонзода-бегимни ҳам бутунлай бой беради. Ўша чоғлари унинг беғубор қалбини муттасил равишда каттакон илон кемиради. Дард устига чипқон деганларидек, Самарқанддан қувилиб, дарди дунёсига чироқ ёқиб бўлмайдиган маҳалда Андижондан келган маъшум хабар батамом уни эсанкиратиб, боши берк кўчага олиб кириб қўяди. Қаранг-а, иниси, жигари, бир қориндан талашиб тушган укаси Жаҳонгир мирзо тахтга чиққан, унинг иссиқ жойини аллақачонлар банд этиб улгурган эди. Бобур Мирзо энди бу кўргиликларга қандай чидайди? Бошини қайси тошга уради. Осмон олис, ер қаттиқ. Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога деганларидай ўтмиш билгичлари минг бора ҳақ экан деб қўйди у астагина ютуниб. Ахир у то ҳанузга қадар алдамчи, бевафо дунёнинг адоқсиз хиёнатлари, макр-ҳийлаларидан, маккорликларидан тўйиб, безиб келаётир-ку. Шу тобда хаёли пучмоқларида ўзи ёзган "Ким кўрибдир, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик, Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ" деган бир қадар мунгли, дардчил, ғазабнок сатрлар жонланди. Аслида бу тахлит ўтли мисралар унинг дунёю дунга, одам болаларига берган холис, ички бир баҳоси эди.

Яқингинада Бобур Мирзо туғишганидек бўлиб қолган Али Дўст, Қамбар Алидек беклари, Муҳаммад Дўст сингари суянган тоғидан панд еб, шумшайганича ўтириб қолган эди. Аслида ота-бола Али Дўст ва Муҳаммад Дўст унинг тузини ичиб, тузлиғига тупириб фириб беришнинг боплаб уддасидан чиққандилар. Бу ит эмган, маълунлар амакиси Султон Аҳмад Танбал томонга ўтиб, ундан нажот топган эдилар. Билишича, ул нопокларнинг кўзларини туз тутган эди.

Сон-саноқсиз китобларда ёзилишича, Заҳириддин Мирзо Бобур нозик лутф эгаси, хушчақчақ, равиш-рифторли инсон бўлган экан. Боя юқорида тўхталиб ўтган эдим. Андижон тахтига тақдир тақозосига кўра иниси Жаҳонгир Мирзо эгалик қилгандан сўнг, Бобур ҳазратлари учун ота макон эшиклари таппа-тахт беркилади. Боз устига ортидан Аҳмад Танбал ва унинг йигитлари таъқиб этиб худди соядек изма-из эргашиб юради. Шундай қалтис ва қийин бир вазиятда Бобур яна ортига – Масчоҳ ва Ўратепага, ундан эса тоғ ошиб Даҳкат кентига қараб йўл солади. Муддоаси ана шу йўл билан ўз илкидаги қолган-қутган сипоҳлари жонини асраб қолиш эди. Вақтинчалик бошпана излаб, улар анчагача кезишади. Ниҳоят бир ташландиқ чолдеворга дуч келинди. Чолдевор бу қўрғонга кўпдан бери инсон зотининг қадами етмаган эди. Шу боисдан бу вайронада бойқушлар совуқ, ваҳимали ҳуҳулар, атрофни бор бўйича зулмат, қоронғулик қоплаган эди. Шунга қарамасдан ўша жойда жон сақлайдилар. Бу орада Аҳмад Танбалга яқинлашиш, дўст тутиниш илинжида тузилган сулҳ барбод бўлади. Танбал ваъдасидан тониб, кутилмаганда Бобурлар жон сақлаётган манзилга бостириб келиб, Бобурни ҳалок этишига бир баҳя қолади. Аллоҳнинг меҳрибонлиги боис уни бу муқаррар ҳалокатдан бош кийими асраб қолади. Шундан сўнг иложсиз қолган Бобур қолган ўттиз чоғлича сипоҳийлари билан Тошкент томон йўл олади. Унинг нияти Тошкентда хон додалари ва тоғаларидан паноҳ топиш эди. Аммо афсуски, бу ният ҳам орадан маълум вақт ўтгач саробга айланади.

Бобур Мирзо фарзандларига ниҳоятда меҳрибон ота эди. Айниқса, Султон Ҳумоюнхон, Камрон, Мирзо Аскарий, Ҳиндолни ёру-кўкка ишонмас эди. Суқсурдай уч қизига гул барги монанд нозик зеболарга чаману гулларнинг хуш исларини раво кўрди. Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим, Гулбаданбегим деган бир-биридан чиройли ва нафис исмлар билан атайди. Асл фарзанд чиқар асл хонадан деганларидек, фарзанди аржумандлари ҳам турли соҳаларда ўз истеъдодларини кўрсатишнинг уддасидан чиқади.

ИНЖА ТУЙҒУЛАР СОҲИБИ

Бобурнинг шахсиятида мардоналик, ростгўйлик, шижоат ва ўктамлик муҳим ва асосий ўрин тутади. Шунинг учун тарихий воқеалар, тарихий сиймолар, табиатнинг сирли ҳодисотлари ҳақида батафсил ва рўй-рост ҳикоя қилинган умр китоби "Бобурнома" асарида ҳам ҳақиқат, рост сўз, тўғрилик беҳад, шоён улуғланади. Шавкатли, жаҳонгашта шоҳ, ҳассос ва дилбар шоир, соҳиби фазилат ва соҳиби ҳикмат бўлган дини ислом аҳкомларини маҳкам тутган, шижоатли ҳукмдор Бобуршоҳ бир минг беш юз йигирма олтинчи йили Ҳиндистонни забт этиб, оламшумул зафар қучади. Худди ўша йил у яна бир ишни муваффақиятли адо этади. Яъни, нафси устидан ғолиб келиб, чоғир, ичкилик ичишни батамом ташлайди. Ичкилик балосидан халос бўлиш ҳамманинг қўлидан келавермайди.

Такрор бўлсада айтишдан истеҳола қилмоқчи эмасман. Истеъдодли ва кузатувчи адиб Хайриддин Султонов ва унинг бир гуруҳ андижонлик дўстлари, жумладан Халқаро Бобур фонди раиси, таниқли олим Зокиржон Машрабов улуғ бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур изидан юриб, талай мамлакатлар худудида илмий-ижодий ишларни амалга ошириб қайтганидан хабарингиз бор. Экспедиция аъзолари Маккада ҳам бўлиб, Муқаддас Ҳаж арконларини адо этиб ҳожи бўладилар. Дастлаб бир минг тўққиз юз тўқсон учинчи йилда ташкил этилган қарийб икки ойлик хайрли ва эзгу ниятли сафар баҳона авлодларимиз кезган кўплаб жойларга сафар этилди. Сафар таассуротларидан беҳад таъсирланган адиб қисқа вақт ичида "Бобурийнома" деб номланган маърифий романини ёзиб тугатди. Назаримда ўша сафарлар ёзувчига жуда кўп нарса берган эди. Қолаверса, бир маҳаллар боғу-бўстонга кўмилган Балхдан тортиб Банголга қадар чўзилган улкан ва поёнсиз худудда давру-даврон сурган бобурийлар сулоласининг моҳиятини ўрганишда ўша сафар жуда асқотди. Авғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш давлатларининг бир-биридан гўзал, мафтункор манзил-маконларидаги мағрур қад ростлаб турган улуғвор ва гўзал меъморий обидалар бобурий боболаримизнинг беқиёс илмий-маданий салоҳиятидан дарак беради. Уларнинг тарихий қисмати, шахсияти ва мислсиз фолияти ҳақида шу вақтга қадар учрамаган ҳолатларга дуч келинди. Ўшанда Бобурнинг дунё миқёсида буюк давлат ва маданият арбоби эканлигига амин бўлинди.

Улуғ соҳибқирон бобокалони Амир Темур даҳосидан қувват ва руҳ олиб яшаган , кўпдан-кўп жангу-жадаллар қилган, афсонавор иншоотлар барпо этган бобурий боболаримизнинг мислсиз шон-шуҳрати, беқиёс фаолияти, муҳаббат достонлари, Ватанга муҳаббати мағрибдан то Машриққа қадар тилларда ва элларда достон бўлган. Гап шундаки, бобурийлар сулоласи, бобурий боболаримиз ҳар гал вилоят олмоқ, вилоят сақламоқ эзгу амалига қатъий амал қилганликлари сабабидан ҳам, уч ярим асрча ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва Авғонистон худудларидаги улкан салтанатга эгалик қилганлар. Ҳазрат Бобур бир минг беш юз йигирма тўртинчи йилларда Мўлтонга юриш қилган. Шу вақтда жаҳонгир Кабулдан чиқиб, Лоҳур яқинидаги Шашкуруҳ деган жойга келади. Бу ерда унинг қўшини Иброҳим Лўдий аскарлари билан тўқнаш келади. Қисқа ва шиддатли кечган ўша жангда Бобур ғалаба қозонади. Ўшандан уч кундан кейин Дибалпур сари йўл олиб, уни бутунлай таслим этади. Назаримда олмос истеъдод соҳиблари қаторига Бобур Мирзони ҳам ҳеч иккиланмасдан қўшса бўлади. Нега деганда, у яратган янгича алифбо – "Хатти Бобурий" га ҳам мутахассислар аъло ва юксак баҳо берганлар. Бобур Мирзонинг саодат юлдузи толе осмонида жуда эрта чарақлаган, нур сочган эди. Мовароуннаҳрнинг ўша пайтдаги фозил арбоблари шу важ-

дан Заҳриддин Муҳаммадга парчаланиб кета бошлаган Темурийлар салтанатини сақлаб қолишга қодир ҳукмдор сифатида қараганлар. Буни исботи ва тасдиғини донишманд Алишер Навоийнинг Самарқандга, навқирон тождор Бобур Мирзога махсус нома йўллаганлигидан ҳам бемалол англаса бўлади. Гарчанд тақдир ҳукмига кўра бу орзу-ниятларни Мовароуннаҳр тупроғида рўёбга чиқариш насиб бўлмаган эсада, Ҳазрат Бобур улуғ Темур давлатини Ҳиндистон диёрида шараф билан давом эттириш бахтига муяссар бўлди. Бобур Ҳожи Аҳрорга пири сифатида қаттиқ ихлос қўйган эди. Бобур ўзининг ўн икки минг аскари билан Иброҳим Лўдийнинг юз минглик лашкари устидан порлоқ ва ишончли ғалаба қозонади ва азиз фарзанди Ҳумоюнга ўз жонини нисор этганининг ўзиёқ унинг нақадар тадбирли, мард инсон эканлигини кўрсатади. Оламнинг икки ярим кунлик харжига арзийдиган Кўҳинур каби олмос гавҳар ҳам унинг қўлида бўлади. Бобурнинг Носир Мирзо, Жаҳонгир Мирзо сингари укалари ва ўн етти нафар фарзанди бўлганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. “Давлатга етиб меҳнат элин унутма”. Назаримда ҳар бир киши Мирзо Бобурнинг ушбу ўлмас сатрини қалбига нақшласа бўлади.

ШОҲИ ҚАЛЪА АЖОЙИБОТЛАРИ

Покистоннинг Лоҳур шаҳридаги Шоҳи қалъа тарихий –меъморий мажмуини “тошга битилган бобурийнома” деб атаса бўлади. Шоҳи қалъа... Бобурий шоҳлар қалъаси. Қарийб уч гектарча келадиган саҳнни эгаллаган бу ҳайратомуз меъморий мажмуалар, Бобур Мирзо сулоласи томонидан уч юз йил мобайнида мунтазам равишда қуриб борилган. Қадимий қалъанинг илк дарвозаси бундан тўрт юз эллик йил муқаддам саодатли шоҳ Акбар томонидан бунёд этилган. Қолган уч дарвоза эса кейинчалик Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб Оламгир ҳукмронлигида барпо этилган. Буни қарангки, йилнинг ўн икки ойида ўн икки тусда товланиб турувчи Жавоҳир масжиди, Алифон кўприги, Ойнаи Жаҳон саройи, Девонайи хос, Девонайи олим, Оромгоҳ, Мумтоз Маҳалбегим кўшки, икки ошёнли Акбар қароргоҳи каби иморатлар беқиёс гўзаллиги, бетакрор жозибаси ила бир-бири билан ҳусн талашади. Шоҳжаҳон ўттиз йил шоҳ бўлади. У Лаъл қалъа, Масжид-ул-Луълу сингари биқиёс ёдгорликларни тиклади. Шоҳи қалъадаги аксарият иморатларда Бобур Мирзонинг чевараси Шоҳ Жаҳоннинг севгилиси, юрагининг бир парчаси бўлган Мумтоз Маҳалга бахш этган афсонавий муҳаббати ёрқин ифода топган. Ёки Аградаги йигирма икки йил давомида тикланган тенгсиз Тож Маҳал мақбараси ҳам дунёда севгига, вафо-садоқатга тикланган тенгсиз ва маҳобатли ҳайкалдир.

АВҒОН ТУПРОҒИДАГИ МАНГУ ҲАЙКАЛ

Авғон тупроғидаги Кабул шаҳри олам аро анча машҳур, ном қозонган. Айнан бу шаҳарда, Боғи Бобур мажмуаси қўним топган. Шоҳ, шоир Заҳириддин Бобур Ҳазратлари дафн этилган. Айтишларича, бу обида бир минг олти юз еттинчи йилда Ҳазрати Бобурнинг эвараси Жаҳонгиршоҳ томонидан қурилган. Мақбарадан сал пастроқда оқ мармардан бунёд этилган мўъжазгина масжид савлат тўкиб турибди. У бир минг олти юз қирқинчи йилда Бобур Мирзонинг чевараси, улуғ ошиқ ва буюк бинокор шоҳ Жаҳон тарафидан бунёд қилинган бўлиб, то ҳануз зиёратга келадиган мусулмонлар шу жойда ибодат қилиб, савобини Бобур Мирзонинг руҳи покларига бағишлар экан. Қабр пойида тиз чўкиб тиловат қилаётганлар орасида турли миллатларни учратиш мумкин. Мақбаранинг икки ёнбошида яна иккита сағана бор. Уларга Бобур мирзонинг яқин авлодлари дафн этилган.

Кабулда тағин Бобур қадамжоларидан бири бўлган Боғи Калон номли кўркам, гўзал боғ кўзни яшнатади. Буни қаранг, бу ўлкада Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Абу Райҳон Беруний, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳиридин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб сингари улуғ аждодларимизнинг табаррук ҳоклари мангу ором олмоқда. Кабулдан чиқиб Мозори Шарифга олиб борадиган икки юз чақиримлик йўл ўша машҳур Саланг дараси орқали ўтади. Даранинг баландлиги уч минг метрдан паст эмас. Бу дара мамлакатни иккига – шимолий ва жанубий Авғонистонга ажратиб туради.

Ҳиндистон Бобур бобомизнинг учинчи юрти ҳисобланадиган замин. Экспедиция аъзолари учинчи гал сафарга борганларида ниҳоят Жамна дарёсининг чап қирғоғидаги Бобур яратган Зарафшон – Ором (Ром) боғи ва у яшаган уйларни кўриш бахтига муяссар бўлади. Бобур яшаган уйлар ҳалигача сақланиб қолган экан. Зеро, Бобур – йўлбарс демакдир, бинобарин йўлбарс йўлидан, изидан юриш ҳеч маҳалда осон кечмаган. Буни экспедиция аъзолари мангу қор билан қопланган, “Бобурномада” боплаб таърифи келтирилган Тянь-Шан, Помир, Ҳиндикуш, Ҳимолай тоғ тизмалари ва уларнинг пасттекисликлари, водийларидан ранж ва машаққат чекиб ўтишганида аниқ-тиниқ ҳис этишди. Бобур халқаро экспедициясининг навбатдаги сафарлари давомида Бобурийлар авлоди Лайло Уммахони ва унинг ўғиллари Зиёвуддин ва Муслиҳиддин Тусийлар билан дийдор кўришдилар. Зиёвуддин Тусий бобурийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Баҳодирхон Зафарнинг (тарихда у “Абу Зафар” тахаллуси билан танилган) чевараси бўлади. Боя айтилганидек, Бобурийлар салтанатининг охирги ҳукмдори, ҳассос шоир Баҳодиршоҳ Зафар 1857-1859 йилларда Буюк Британия мустамлакачилигига қарши рўй берган қўзғолонга бошчилик қилади. Мазкур қўзғолонда кўплаб бобурий шаҳзодалар қатл этилади. Кексайиб қолган, бир оёғи уйда, бир оёғи гўрда бўлган Баҳодиршоҳни ҳибсга олишади. Шу тахлит сўнгги бобурийлар салтанати ағдарилиб, бойликлари талон-тарож этилади.

Башарият тарихида Искандар, Атилла, Чингиз ва Темур деган тўртта буюк император ўтган. Аммо бу жаҳонгирлар ўртасида Ҳазрат Бобур ўзининг чексиз маърифати билан кўнгиллардан муносиб жой олган. Шу боисданми кўп ҳолларда жаҳондаги энг бой шоҳлардан бири бўлган Бобурни етти иқлим шамси анвори, зирофатлиқ подшоҳим дея ҳурматлардилар. Ҳинд заминида Бобур Мирзо бунёд этган сон-саноқсиз боғлардан анвойи гулларнинг товланиши, салқин хиёбонларнинг кўрк-таровати, жаннат ошиёни саналган қушларнинг ҳуш наволари тинмайди. Вақтнинг қаттол, бешафқат еллари турфа замонлар қаърига совириган уларнинг жисмларини.

Хуллас, Бобур Мирзо ва унинг шавкатли авлод-аждодлари изидан ташкил этилган биринчи илмий экспедиция нақд икки ой вақтни юрт кезиш билан ўтказди. Саёҳат маҳалида Бобур Мирзо ва бобурийлар барпо қилган обидалар зиёрат қилинди, ўрганилди ва зарур маълумотлар тўпланди. Энг муҳими, саёҳат чоғида Хайриддин Султоновнинг “Бобурийнома” отлиғ салмоқли китоби дунёга келди. Бу китобни ўқиш жараёнида, Ҳинд, Покистон, Авғон, Бангладеш заминида бўлиб, Бобур изидан қадамба-қадам кезгандай сездим ўзимни. Адиб ҳинд заминига ташриф чоғида бобурий авлодлар билан учрашади, суҳбатлашади. Айнан шу нарса асарни қизиқарли чиқишига туртки берган.

Хайриддин Султоновнинг Ҳазрати Бобур Мирзога катта эҳтиром ва ҳурмати рамзи бўлган “Бобурийнома” асарини ўқиб тугатганим ҳамон Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Васлинг мурод эрса, ёд айла Бобурни, Унутмағил бу номурод Бобурни” деган ўлмас сатрлари жисми-жонимни чулғаб олди.

Бобур ва Бобида

Огулбай ГАЙЛИЕВА,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети “Туркман тили ва адабиёти” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор.

Шарқ мумтоз шеъриятининг XIII – XIX асрлар оралиғидаги босқичида ғоя ва мазмун муштараклиги ойдинлашади. Дейлик, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ниёз Нишотий, Махтумқули, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби даҳо шоирлар ижодиётидаги уйғунликлар Ислом дини фалсафасига, хусусан, сўфийлик тариқатига бориб тақалади. Қизиғи шундаки, туркман мумтоз шоири Махтумқули Аҳмад Яссавий ҳамда Паҳлавон Маҳмуд ижодидан баб-баравар таъсирланган. Жумладан, ул зот “Шифо бер!” сарлавҳали шеърида Жавонмардия оқими пешқадам вакилларидан бири хотирасига эҳтиром кўрсатади:

Дод айлаб тилимдан қилдим фиғонлар,
Ёш ўрнига оқди кўзимдан қонлар,
Хоразм юртида ётган инсонлар,
Исми Маҳмуд эр Паҳлавон, шифо бер.

(Махтумқули. “Севмишам сени”. Тўпловчи ва таржимон Музаффар Аҳмад. Тошкент, 2018. 49-бет. Изоҳ: мақолада келтириладиган бошқа иқтибослар ҳам шу манбадан олинади).

Умуман олганда Махтумқули шеъриятида Йигит образига кўп мурожаат қилинганига гувоҳ бўламиз. Масалан, “Йигитлик фаслини қишга етирдим”, “Кечиб йигитлик уммонин”, “Бир мард йигит ёлғон дунёга келса”, “Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз”, “Мард йигитга тўй, байрамдир”, “Йигит ўлар элда шон деб”, “Ғўч йигит мол топса, ҳиммати ортар”, “Машшоқ йигит чалган созга арзимас”, “Шундай гўзал мард йигитнинг кераги”, “Йигитликнинг зўри ёрар тошларни” каби мисралар фикримиз далилидир.



“Жавонмардия” атамасининг луғавий маъноси “Мард йигит” демакдир. Бу оқимнинг ғояси жисмонан ва маънан кучли бўлиш тамойиллари асосига қурилган. Мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд (1247 - 1326) дейдики:

Бир зарб берамиз...
чарх фили яксон бўлғай,
Уфқ доираси ноғораи
шон бўлғай.
Жой олса чумоли гар
бизим сафлардан,
Давлатимиз туфайли
арслон бўлғай.

(Қаранг: Матназар Абдулҳаким. "Жавзо ташрифи". Тошкент, 2008. 287-бет).

Мазкур рубоийда "Мард йигит - дунёнинг устуни" деган фалсафа илгари сурилган. Яъни, жисмоний ва маънавий куч ўзаро бирлашса, бу куч воситасида "Чарх фили"ни ҳам қулатмоқ мумкин. Гап бирликда, қабилидаги фикр рубоий тагқатламида жилоланиб турибди. Ҳатто, энг кучсиз жонзод чумоли ҳам Жавонмардлар қаторига қўшилса арслонга эврилар экан.

Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига тегишли "Баҳор айёмудир" жумлалари ила ибтидо топган ғазалда эса Йигит образи энг юксак нуқталарга олиб чиқилган. Айтиш мумкинки, ушбу ғазал жозибаси, чиройи жиҳатидан Бобур ижодида алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев дурдона ғазални қўшиқ қилиб маромига етказиб ижро этганидан сўнг сеҳрли сатрлар халқ орасида овозага айлангани бор гап.

Муаллиф баҳор айёмини йигитлик мавсумига менгзайди. Зотан, баҳорда дов-дарахтлар уйғонади, майсалар потраб чиқадилар, дарёлар мавжланадилар. Хуллас, замину осмон баб-баравар кучга, қувватга киради. Бобур дейдики:

Баҳор айёмидур, доғи
йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби
нобким, ишрат замонидур.

(Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Сочининг савдоси тушди". Нашрга тайёрловчи,сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: филология фанлари номзоди Эргаш Очилов. Тошкент, 2007. 56-бет).

"Ишрат замони" жумлалари "хушвақтлик даври" маъносини билдирмоқда. Зотан, мумтоз шеъриятда "ишратангиз" атамаси ҳам кўп қўлланилган. "Ишратангиз" - "хушвақтлик қўзғатувчи, шодлик қўзғатувчи" демакдир. Матндан маълумки, руҳиятдаги шодлик тиниқ шароб воситасида воқеликка кўчади.







"Шароб" - май, ичимликдир. Май юққан ашёларни "шароболуд" деганлар. "Бобурнома" ни ўқиб биламизки, шоҳ ва шоир аввалларии шароб истеъмол қилиб юрган. Ҳаётининг сўнгги йилларида фармон чиқариб, чоғир (яъни, май, шароб) ичишни таъқиқлаган. "Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан ғараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русми подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдан тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шариат манъ қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин- кулгиларга ружу қилинарди. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди" дейилади фармонда. (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома", Тошкент, 1990. 359- бет).

Фармон қабул қилинганидан сўнг "зийнатда юксак осмон юлдузидек бўлган, гўзал мажлисни безаб турган олтин ва кумушдан ясалган май идиш ва қадаҳларни" ерга уриб синдирадилар. Ана ўша воқеликдан кейин эл-улус майхўрликдан қайтадилар.

Мумтоз шеърият тадқиқотчиларининг айтивугига қараганда, жом ва шароб образлари тасаввуфий маънода, яъни, Оллоҳ ишқидан сархушлик мазмунида ҳам қўлланил-







ган. Масалан, ҳазрат Алишер Навоий бир ғазалини “Ашрақат мин акси шамсил - каъси анворул - худо, “Ёр аксин майда кўр” деб, жомдин чиқти садо” деб бошлайди-да, саккизинчи бандда ўқувчини дарҳол огоҳлантиради: “Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур, / Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо”.

Шу нуқтаи назардан қаралганда май образи икки хил маънода қўлланилиши ойдинлашади. Биринчиси - асл маънода; иккинчиси - мажозий маънода. Бобурнинг биз таҳлилга тортаётган ғазалида эса “шароби ноб” ҳақиқий маънода ишлатилганини тусмоллаш мумкин. Негаки, подшоҳлар ўша даврларда баҳор сайилларини чоғирсиз ўтказмаганлар. Чоғир истеъмол қилинганидан сўнг эса хаёл қуши турли тарафларга учадилар:

Гаҳи саҳро узори лола
шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул
чеҳрасидин арғувонидур.

Икки мисрада шоир саҳро билан чаманни тенглаштириб тасвирлаяптики, бу ҳам сархушликнинг аломатидир. Эътибор қилинг: саҳро жамоли лола шаклида, лола ранггида порлаб турибди; чаман саҳни ҳам гул чеҳраси боис қизармоқда. Ғазалнинг юксак пардасида эса бу ҳолатларнинг ижодкори - Оллоҳ ранг сочувчи сифатида улуғланмоқда:

Яна саҳна чаман бўлди
мунаққаш ранга гуллардин,
Магарким сунъинг наққошиға
ранг имтиҳонидур.

“Зийнатланган гулларни ҳар томонларга сочиб юборган Наққош рангларни синовдан ўтказмоқда” демоқда шоир. Зотан, ҳазрат Навоий уқтирганидай: “Не сунъунгдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яна пайдо”. Чунончи, яна юз минг жаҳон қайтадан пайдо бўлганида ҳам Оллоҳнинг яратувчанлик қобилиятига ҳайрон қолмаслик жоиз. Сабаби, у истаган нарсаларини чексиз миқдорда яратаверади. Буларни идрок майдонида чамалаган шоир хаёли айланиб, ёр тимсолида тўхтайди:

Юзунг, эй сарв, жоним
гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим
боғининг сарви равонидур.

Бу таърифу - тавсифларнинг бари баҳорга дахлдор. Бобур бир рубоийсида ёзганидек, идрокнинг ўзи баҳор фаслида роҳатланади; кўз лоладан ҳузур топади; далаларда сайр айласанг, дилинг завқу шукуҳдан толади. Яъниким:

Хотирни баҳор фаслида
гашт оладур,
Кўз нурини ранги лолаю
дашт оладур.
Хуш улки, толаларда юруб
сайр этса,
Бу фаслдаким, латифу
дилкаш толадур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур поэтик тилига хаёлан разм солсангиз бу тилда Андижон шевасига хос ўйноқилик қалқиб чиқишига гувоҳ бўласиз. Бинобарин, тилдаги “ширинлик” идрокка ҳам кўчиб ўтади. Баъзан сўз ўйинлари идрокни қитиқлаб завқни қўзғатади. Мазкур ғазал якунидаги “ўйинқароқлик” матнга ичкаридан жило бериб тургандек туюлади:

Не ерда бўлсанг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингға тараҳҳум
айлагилким, андижонидур.

Ушбу матнда, Бобурнинг жонига тараҳҳум (раҳм-шафқат) қил, қабилидаги тавалло қатида “Анда жон”

(яъни, Андижон) атамаси яширинган. Эҳтимолки, узоқ Ҳиндистонда ҳукм юритаётган шоҳ ва шоир Андижон баҳорини ўйлаб, шу ғазални ёзгандир? Зотан, Ҳиндистон иссиқлиги билан ҳам машҳурдир. "Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни,/ Сўзумни ўқуб соғинғасен ўзумни" деб ёзганидек мазкур ғазални астойдил ўқисангиз кўнги тоза, чиройли мулоҳаза юритадиган нодир шахсият характери қирраларини соғиниб бошлаганингизни илғайсиз.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, Бобур лирикаси айни даврда Туркманистон Республикасида ҳам қадр топмоқда. 2005 йилда Ашхабод шаҳридаги "Мерос" нашриётида Заҳириддин Муҳаммад Бобур девони туркман тилида эълон қилинган эди. Адабиётшунос олим Раҳиммамет Куренов нашрга ҳозирлаган бу девон туркман диёрида Бобуршунослик жабҳасининг янада тараққий этишига сабабчи бўлди. Жумладан, филология фанлари доктори Турганбай Керуеновнинг " Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва туркман адабиёти" сарлавҳали мақоласи 2018 йилда Нукусда "Илм ва жамият" журналининг 3- сонида ёритилган. Ушбу мақолада Бобур билан Махтумқули эстетик қарашларидаги муштарак нуқталар ҳам чуқур тадқиқ қилинган. Дарҳақиқат, икки даҳо шоирнинг ишқ-муҳаббат, айниқса, йигитлик мавсуми мавзусидаги шеърларидаги мотивлар кўпгина тадқиқотларга мавзу бўлаолади.

Махтумқулининг "Наврўздан сени" сарлавҳали шеърида ҳам баҳор ва ёр образлари ёркин ифода қилинганки, бу битикларда Бобур услуби таъсири сезилади:

Боғингга кирсам саҳар,
булбул бўлиб солсам ўйин,
Ғафлатда қолса рақиб, бир
дам солишсак қўл бўйин,
Ҳақдан ўзга чора йўқдир,
не қилай мен, найлайин,
Инжа бел, ширин забон,
каптар тўпуқсан, ғоз бўйин,
Сақласин Тангри паноҳинда
ёмон кўздан сени.

Бир ғазалида Бобур, "кўнглимни ишқ бузди - энди панду насиҳатдан не наф; менинг мажруҳ кўнглимга бунақа малҳам мос тушмайди" дейди-да хулоса чиқаради:



Юзи наврўзию васли
ийдини, Бобур,
ғанимат тут –
Ки, мундин яхши
бўлмас бўлса
юз наврўзу
байрамлар.



Бу байтда ёр васли олдида юз наврўзу байрамлар ҳеч нарса эмаслиги таъкид этилмоқда. Чунончи, жаҳоннинг барча гўзалликлари, Махтумқули наздидаги "инжа бел, ширин забон, каптар тўпуқ, ғоз бўйин" рўпарасида ранг-туссиздир. Оллоҳ жаъмики гўзалликларни бандалари учунгина йўқдан бор айлаган. Бобур наздида: " Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилситонимнинг Юзи - гул, зулфи - сунбул, қомати сарви хиромондур".



Хулоса ясаб айтиш мумкинки, Бобурнинг баҳор борасидаги кўплаб асарлари туркий халқлар шоирларини жўштирган, уларга мотивация берган. Бобур (1483-1530) ва Махтумқули (1733-1791) умр йўллари оралиқларидаги масофа икки юз йилдан ошиқроқ бўлишига қарамасдан улар ижодиётида шаклан ва мазмунан яқинликни кўрамиз. Худди ана ўша муштараклик туркман шеърхонларида ҳам ажиб иштиёқни қўзғатиш баробарида миллий дўстлик жабҳасида асқотади. Зотан, менталитетлар уйғунлиги идрокка хуш ёқадиган ажойиб қадриятлар сирасига мансуб.

Самарқанд осмонида порлаган юлдузлар

Улуғбек АКТАМ ўғли,
журналист.

ТУН ҚЎШИҒИ

Оғир, ҳансираганича ётоғига ботаётир шамс. Зулмат кундасига жим ётаётир бобо қуёш. Зим-зиё, зулукдек тун ҳаялламай бостириб келди. Яқиндаги одамни таниб бўлмай қолди. Айни шу лаҳзада туннинг бағри ажиб, бир қўшиққа чулғанди. "Шовуллайди адирда буғдой, Гўёки яқингинада қулунлаган биядай бўлиб, Ийиб кетар кишнаганда той, Чор-атрофда чигирткалар чириллар нафис, Қовун ҳиди таралар анқиб, Гўёки тун меҳрибон, жонифидо онадай ўзин этиб ҳис, Алла айтар қорашол танғиб. Чиндан ҳам, сеҳр тўла қўшиқ айтиб тун, Ухлатади барча одамни".

... Оқшом қоронғуси қуюқлашади. Осмон тоқида бир-биридан гўзал, нафис ситоралар жимирлаб, кўзни қувонтириб чақнай бошлайди. Бир учи кенг ва бепоён уфқларга қадар чўзилиб кетган дала, ёбонлар қорайиб кўринади. Отлар, сигирлар, қўй-қўзилар одамларга доимий ҳамроҳ. Бу жониворлар аллақачон қозиққа боғланиб, қўрага қамалган. Саҳни кенг супага ўрин тўшалган. Юмшоқ, момиқ кўрпа ичида уч-тўрт нафар болалар ором олмоқда. Аммо уларнинг ичида фақатгина бир болакайгина уйғоқ. Унинг кўзларидан уйқу қочган. Болакай ғужғуж юлдузлар чамани билан тўлган осмондан сира-сира кўз узмайди. Гўёки боланинг ўзи ҳам шу тобда Сомон йўли, Етти қароқчи, Олтин қозиқ, Чўлпон юлдузи, Олтин охур, Бўз от... сингари юлдузлар изидан худди солдек эргашиб юргандек. Негадир ёш шаҳзода Улуғбекнинг ҳадеганда сир-асрорга тўла само



денгизидан кўз узгуси келмасди. Айниқса, унинг бетимсол гўзаллиги, жилвакор мафтункорлиги кўнгилни ажойиб ҳисларга ошино тутинтирган эди. Бундай сўлим, салқин хушҳавода тун сафосини, латофатини ич-ичидан туярди. Қанот ёйиб,

далалар, тоғлар, дарёлар, водийлар устида худди қушлардек сузиб юрарди. Шу тобда Улуғбек мирзонинг руҳи анча-мунча енгилашгандай туюлди.

Ҳаприқтириб, юракка солар титроқ, юлдузлар чаманзорига яқин жойда туриб унинг мислсиз, адоқсиз сир-асроридан бехабар ҳам бўлган экан. Бу мушфиқ, оқила, зийрак аёлнинг жон олгувчи аллаларини, қўшиқ ва маталларини эшитиб улғайган темурий амирзодалар уни оналаридек суюб, из-зат-икромини ўрнига, жойига қўярдилар. Аслида неваралари ичида энг зийраги бўлмиш Муҳаммад Тарағай ухламай осмондаги юлдуз-



қолиб кетиши. Тонг каби мусаффо рангин туйғулар, ўйлар болага сира тинчлик бермас эди. Агар улғайсам албатта, юлдуз тўла осмонга нарвон қўйгум. Ситоралар билан диллашгум, сирлашгум. Уларнинг қалб кечинмаларига қулоқ осгум. Ёш Улуғбекнинг соф орзуси, ана шундай масъум ва қатъий бўлди. Унинг бу эзгу ниятидан жаҳонгир Темур бобоси билан узоқ ҳарбий сафарлар машаққатини тенг тортган, деярли барча Темурийзодалар тарбияси билан жиддий ва астойдил шуғулланган гўзал ва оқила аёл Бибихоним воқиф, хабардор эди. Айни паллада фозила ва оқила аёл ёш, мурғак қалбнинг орзуларини, истакларини ширин сўзлари билан ҳамиша рағбатлантириб келарди. Мавруди келгани учун Бибихоним ҳақида икки оғиз сўз айтишни жоиз деб билдим. Гарчанд Бибихоним фарзандсиз бўлса ҳам, барибир болаларга қаттиқ меҳр қўяди. Ҳаттоки ана шу меҳр-муҳаббат туфайли умрида бола кўрмаган вужуди уйғониб, кўкрагига сут келган пайт ларга тикилиб, хаёл дарёсига ғарқ бўлишини осмон, само илмига қизиқишида деб биларди. Негадир исми Муҳаммад Тарағай бўлса ҳам, бобоси ва момосининг унга бўлган меҳри зиёдалигини, айниқса, зеҳни, ақли жуда ҳам ўткирлигини кўрган сарой аҳли мурғак мирзога Улуғбек деб улуғвор от қўйган эдилар. Шу-шу Амир Темур ҳам, Бибихоним ҳам уни шу исм билан чақиришга ўрганиб қолгандилар.

– Юлдузлар чаманзорида ҳам инсон зоти яшайдими? –деган азалий ва жумбоқли саволга мантиқли жавоб излаб топиш ниятида ёш Улуғбек мирзо ёнида ҳамиша “Зижи жадиди эл Хоний” китобини олиб юрарди. У бу ёшида шундай мураккаб китобни ўқиса ҳам, уқиши, англаши ўта мушкул эди. Ана шундай кезларда у тезроқ улғая қолсам, ўзим албатта, бир расадхона тиклаб юлдузларда одам яшайдими, йўқми, билиб оларман. Сон-саноқсиз, ғуж-ғуж жилвагар ситораларнинг сирини очувчи мана шундай бир китоб тузурман деган хаёлдан сира

бўшамасди. Шу ёшида улуғ мақсадлар билан яшаётган болага чиндан ҳам ҳавас қилса бўларди. Ниҳоят бола хаёл дарёсидан қутилиб ухлаб қолди. Бу маҳалда ташқарида шамол увиллар, Кўҳак тепалиги томондан эсган барқарор шамол тунги Конигул боғларидан гул ва турфа майса, гиёҳлар ҳидини олиб келиб димоққа урарди. Кўк тоқида юлдузлар чаманзори милтиллаб ёнар, унга тикилган сари одамнинг кўзи қонар, ўша юлдузлар сирини-асрорини билиш осондай туюларди. Англа, дил ҳам сирли осмондай деган сирли хитоб қулоққа элас-элас чалинарди. Улуғбек мирзонинг олис болалик маҳалларида кўнгли тубига туккан улкан ва залворли орзуси йиллар ўтгач бор-бўйича рўёбга чиқди. Бунга қадар у илм сирларини қунт ва сабот ила ўрганишига тўғри келди. Айтганча, Улуғбекнинг отаси ҳокимият юритиш бобида ёш шаҳзодага кўпдан-кўп насиҳат ва ўгитлар қилади. Фаҳм-фаросати, зукколиги ва қувваи ҳафизаси билан ажралиб турувчи шаҳзода бу ўгитларга оғишмай амал қилиб сираям камлик кўрмади.

“ЗИЖИ КЎРАГОНИЙ”

... Кунлар бир тутам. Қоронғулик эрта тушадиган бўлиб қолган. Кеч кузакнинг аччиқ, чимчиловчи изғирини этни жунжиктиради. Ҳаво нима учундир рутубатли. Қораийиб, худди улкан қалъадек бўлиб ётган Кўҳак тепалигининг шундоққина бағрига ёндош этиб қурилган расадхонада Мирзо Улуғбек уч-тўрт шогирдларига зўр бериб алланарсани тушунтириш билан овора. Баъзан сўзидан тўхтаб, ўнг қўли билан узун соқолини тутамлаб қўяди. Ёнидагилар ундан кўз узмай, қизиқарли ҳикояни мароқ билан тинглайди. Унинг бир қараганда жаҳонгир Амир Темур бобосиникига ўхшаб кетадиган, очиқ, қип-қизил юзига ажин тушмаган. Улуғбек мирзо адл ва тик қоматини ғоз тутиб, чор-атрофга суқланиб қараб қўярди. Дарвоқе, ўша кезларда Самарқанд расадхонаси фалакий доимий катталикларни, сайёра ва юлдузларнинг ўрнини ниҳоятда аниқликда ўлчаши билан дунёда тенгсиз эди. Улуғбек мирзо шогирдлари ва бошқа олимлар билан айнан биз тасвирлаган манзилда Птолемейнинг шарқда “Алмагест” номи билан машҳур юлдузлар зижини қайтадан кузатишга жон-отим киришади. Алал-оқибат фалакшуносларнинг расадхонада олиб борган кузатишлари натижасида “Кўрагоний Зижи”, ёки “Улуғбек Зижи” вужудга келади. Аслини олганда Улуғбекнинг бу зижиси дунёда тузилган зижиларнинг энг мукаммали ва пишиғи эди. Унда тақвимлар, вақтни аниқлаш, сайёралар ҳаракати ва бошқа қимматли ва муҳим маълумотлар атрофлича, кенг ёритилган эди.



Расадхонанинг улкан фалакий қурилмалари, самовий ёритгичларнинг ўринларини ва турли фалакий катталикларнинг аниқ ўрни ва ҳаракатини кўрсатиб беради. Ана шундай қурилмалардан бири меридиан қурилманинг радиуси 40,2 метр. Бу қурилма Кўҳак тоғининг этагида жойлашган. Бу ердан чор-атроф, Самарқанд миноораларининг нилий, нақшинкор гумбазлари аниқ кўзга ташланиб туради. Расадхонанинг тош қоялардан кесиб ҳосил қилинган ҳандақдаги қисми ҳозиргача сақланиб қолган. Қурилманинг ҳандақ жанубий томонидаги чуқурлиги ўн бир метр бўлиб, мармар тахтачалар қиёсидаги ҳандақ 2,3 метр. Қурилманинг икки ёйи бир-бирига зинч қилиб уланган узунлиги ўрта-

ча 80 см, кенглиги 29 см, қалинлиги 10 сантиметрдан 20 сантиметргача бўлган мармар тахтачалардан иборатдир. Унинг юза тарафлари 40,2 метр ярим айлана ҳосил қилувчи қияликда силлиқланган. Иккала ёйда ҳам кенглиги 30 см, чуқурлиги 15 м м бўлган ингичка тарновлар



жой олган. Бу ингичка тарновларга сариқ пластинкалар музукаллаб жойлаштирилган. Дастлабки сайқаллаш ишлари берилгач, уларга ўлчов меъёрий чизиқлари белги сифатида туширилган. Ёйдаги ҳар бир градус араб ҳарфлари шаклида мармар тахтачаларда бир оз ифодалангандир.

Улуғбек баҳаво, хушманзара бу манзилда кўп вақтини ўтказишни ёқтирар эди. Шу аснода у "Улуғбек Зижи" ни мустақил кузатишлар натижасига таянган ҳолда аждодларнинг шу соҳадаги ишлари ўрганилиб ва умумлаштирилиб, фалакиёт илмининг назария ва амалиётга жуда кўплаб янгиликларни киритишга муяссар бўлди. Боз устига зижда келтирилган бир минг ўн саккизта юлдузларнинг рўйхати, самарқандлик фалакшуносларнинг асосий меҳнат самараси бўлиб, у бутун дунёга Улуғбек номини ва у асос солган фалакиёт мактабини машҳур этди. Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший сингари замонасининг донгдор олимлари расадхона кузатув натижаларини таҳлили жараёнида вафот этган бўлса, Улуғбек садоқатли шогирди Али Қушчи билан Зижининг устидаги қийин ва мураккаб ишни ниҳоясига эсон-омон етказади. Айтганча, Улуғбек расадхонасининг қурилмаси билан Тихо Брагенинг "Ураниборг" расадхоналари ўртасида кузатиш жараёнида фарқ бўлган. Мирзо Улуғбек Европада беҳад улуғланади. Масалан бир ноёб суратда афсонавий Ураниянинг ўнг томонида, Оврупа фани тан олган буюк мунажжим ва подшоҳ Улуғбек мирзо биринчи бўлиб тасвирланган. Атрофида машҳур мунажжимлар – Птоломей, Браге, Риччиола, Вельгелем 4 ва Ян Гевелийлар савлат тўкиб ўтирибди. Ҳойнаҳой улар фалакиёт илми ҳақида узоқ баҳслашмоқда.

"...КИ ОЛАМ КЎРМАДИ СУЛТОН АНИНГДЕК"

Жаҳонгир Амир Темур авлоди жаҳон илм-фанига, маданиятимиз ва адабиётимиз тарихига буюк сиймоларни берди. Мундарижанинг бошида Муҳаммад Тарағай Улуғбек ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур туради. Иккисини ҳам жаҳон билади, тан олади. Бири илмда Ғарб учун мактаб (ўз ватанида эмас) яратган бўлса, иккинчиси Шарқда ўзига хос бадиият академиясини вужудга келтирди. Шу ўринда ўн бешинчи асрнинг буюк муаррихи, машҳур "Ровзат ус-Сафонинг" муаллифи Мирхонднинг "Дониши Афлотин ва ҳашаматли Фаридун жамъдашт" яъни "илмда Платон, бойликда Фаридун янглиғ" деган маъноли, мағзи тўқ сўзларини келтириб ўтишга қарор бердик. Шеърият мулкининг

султони Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари эса Улуғбек шаънига "Темурхон наслидин Султон Улуғбек, Ки олам кўрмади султон анингдек" деган машҳур мисраларини битади. Аммо дилни хира қиладиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Таассуфлар бўлсинки, тарихий-бадиий асарларда, аввал, Улуғбек мирзонинг қиёфаси ҳам эслатилмайди. Маъшум фожиа юз бергандан (1449) кейинки бу мавзу мутлақо четлаб ўтилган, ёки хаёлдан бутунлай фаромиш бўлинган. Яхшиямки, ўзбек адабий тили асосчиси ва билимдони Навоий ҳазратлари бор экан. Ул муборак зотнинг "Хамса"сини ҳисобга олмаганда, кейинги беш аср давомида Улуғбек ва унинг мероси ҳақида лом-лим дейилмади. Унинг нодир мероси ҳақида сўзлаш анъанаси, ташаббуси ғарбга кўчди. Кўплаб залворли китоблар ёзилди.

Хабарингиз бўлса керак, 1941 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллиги шарофати билан улуғ шоир яшаган даврни чуқурроқ ва атрофлича ўрганиш мақсадида, Гўри Амирдаги (Самарқанд шаҳрида жойлашган) Темурийлар мангу қўним топган қабрлар очиб кўрилади. Ана шу кезлари Улуғбек мирзо шахси ва у қолдирган бой маънавий меросга бўлган қизиқишлар бир қадар кучаяди. Буни қаранг, ҳайтовур Улуғбек бобомизнинг қабрдаги ҳоки яхши сақланган экан. Унинг бўйи 165, 8 сантиметр эканлиги, гавда ва юз тузилиши, отаси Шоҳруҳ мирзодан кўра, бобоси амир Темурга тортганлиги аниқланади. Биласиз, ўрта асрлар шароитида донишманд, ақл булоғи Улуғбекнинг "Зижи Кўрогоний" га ҳафсала билан тартиб бериши зулмат дунёси учун маёқ, нур эди. Боз устига фалакиёт илмида ҳали Оврупо ғафлат уйқусидан турмаган, араб ва хитой мунажжимлари ҳали коинотга бу қадар яқин тикилмаган эди. Улуғбек мирзо тузган Кўрагоний жадвалида ҳаммаси бўлиб бир минг ўн саккизта юлдуз тадқиқ этилган, ўрганилган. Жумладан тўққиз юзта юлдузнинг узунлиги, саккиз юз етмиш саккиз осмон ёритқичининг кичиклик даври бениҳоя ҳассослик билан аниқланган. Эндиликда бизнинг электрон ва қудратли оптик асбоблар замонамизда "Зижи" нинг мезони қандайдир дақиқа ёки унинг улушларида тафовут қилади. Оддий устурлобда осмон жисмлари ҳаракат доирасини бу қадар аниқлик билан ўлчаш сирини ҳали ҳеч ким очиб берган эмас. Рости, Улуғбек мирзо зўр ҳафсала ҳамда меҳр билан яратган "Зижи Кўрогоний" инсон тафаккури қудратининг буюк ғалабасидир. Негаки, сирли ва олис коинот сари астойдил интилган инсон онгининг бепоёнлиги ва интиҳосизлиги уни ҳамиша ҳамрўз ич-ичидан сезиб, билиб турди. Машаққатли меҳнатлари ширин ва тотли мевасини бермасдан қолмади. Шу ўринда машҳур тарихчи Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират ушшуаро" асаридаги тубандаги сўзларни келтириб ўтишни лозим топдим. "...Улуғбек Кўрагон юлдузлар илмида қилни қирқ ёрди... ҳандаса илмида чигалларни ечувчи, ҳайъат илмида Мажистийкушо (Юнон олими Пталомейнинг "Альгамест" асарининг арабча номи) эрди. Фозиллару ҳакимларнинг якдил фикрлари шулки, исломият замонидан шу дамгача Улуғбек Кўрагонийдек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўтирмаган. Улуғбек "Зижи Султоний" кашф этиб, уни ўз исми билан зийнатлади". Шу эътирофнинг ўзиёқ Улуғбек мирзонинг жаҳон фанига қўшган ҳиссаси салмоқли эканлигини кўрсатади. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири, сўз сеҳргари Миртемирнинг Мирзо Улуғбек бобомиз яратган ўлмас меросга эҳтиром ила битган қуйидаги шеърини келтириб ўтишни жоиз деб билдик:

Расадхона эмиш шу харсанг девор..
Бир вақт Самарқанднинг энг юксак жойи,
Замон мўъжизаси, билим саройи,
Тоғ жуссали, сўлим, улуғвор,
Расадхона эмиш шу харсанг девор,
Кечалари юлдуз гадоси бўлиб,
Самовий гўзаллик шайдоси бўлиб,
Термулармиш уйғоқ у тождор.
Сулувлар кўзидек тенгсиз, ярқироқ,
Юлдузларки, кўкнинг гавҳар чечаги,
Бири юз асрлик, бири кечаги,

Бир-биридан сирли ва йироқ.
Сулувлар кўзидек пир-пир доимо,
Ёки ёзмишларнинг ёруғ хатидек,
Ёки хумоларнинг ёллуғ патидек,
Домо ваъдакор шўх имо...
Ҳар янги юлдузга қўйиб янги ном,
Жадвалига битиб бир-бир шарҳини,
Дарж этармиш учқур фалак чархини,
Кўкка интиқ, риёзатга ром.
Одам фахри эмиш сўлим Самарқанд,
Олам тожи эмиш тождор аллома,
Ҳар кеча заҳмати бўлак ҳангома,
Кундузи ҳам тинимсиз гарчанд.
Юлдузни ўшандоқ севолса киши!
Ўшандоқ юксакка топин, ҳей ўғлон,
Агар топинмасанг, бу– ўша жаҳон –
Аравaнинг эски тиркиши...
Бобо меросига бўлолгин эга,
Самон йўлларида кезарсан, балки.
Тиришганнинг занби шундоқ дангалки,
Ҳатто тошга қоқармиш чега...

Чиндан ҳам, сўз сеҳргари мазкур шеърида Кўҳак тепалигида қўним топган Улуғбек расадхонаси ҳолатини чиройли йўсинда таърифу-тавсифини келтирганки, унга беихтиёр қойил дейсиз.

... Самарқандга борсам Кўҳак тепалиги ёнбағридаги Улуғбек мирзо бунёд этган расадхонани томоша қилмай қайтмайман. Гарчанд фикру-ёдим дунё олимлари тан олган Улуғбек мирзода бўлсада, хаёл қурғур олис ўтмишга, боболар замонига бошлаб кетади. Ана қўлига аллақандай асбобни тутган Улуғбек мирзо тун қўйнида ғуж-ғуж жимирлаб турган юлдузлардан кўз узмай тадқиқот билан банд. Ёнида шогирди Али Қушчи. Гарчанд Али Қушчи кам ухлаган бўлсада, аммо руҳи тетик. Ақл, мушоҳада қилавериб, кўзи пишиб кетган. Бугунги кунда Улуғбек қурган расадхонага хориждан кўплаб саёҳлар ташриф буюради. Улар расадхона жойлашган манзилни ҳамда юлдузлар устида кузатиш, тадқиқот олиб бориладиган фазовий асбоб-анжомларни зўр ҳайрат ила томоша қиладилар. Менинг қулоғимга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов ижросидаги "Самарқандга борсам мен агар, Улуғбекни кўриб қайтаман, У қон йиғлаб турар ҳар сафар, Мен дардимни кимга айтаман" деган ўтли, ҳароратли, таъсирли сатрлари чалинди. Қуёш ботиб, уфқ қонталаш тусга кира бошлади. Атроф жим-жит. Эрталаб ёғиб ўтган ёмғирга боғ-роғлар обдон чўмилган эди. Кўнглим хотиржам тортиб секин ортга қайтдим. Руҳиятим енгил, кайфиятим аъло эди.



ГУЛБАДАН

Гулбадан бегим ўз шахсияти ҳақида сўз юритганда оқилалик билан ўзини "бу ҳақир", яъни "бу ожиз банда" деб атарди. Аслида эса у нафақат оддий банда, балки Ҳиндистондаги буюк бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ Ғозийнинг кенжа қизи эди. У эртакларда учрайдиган афсонавий қаҳрамонларга хос нафис исм – Гулбадан деган гўзал бир ном билан аталарди. Умрининг тўфонли ва шиддатли дамларида ҳам у ўзининг "Гулбадан"лигини сақлаб қола олган мўътабар бир инсон эди.

РУМЕР ГОДЕН,
инглиз адибаси.




У 1522 ёки 1523 йилда Кобулда таваллуд топган. У замонларда Шарқда қиз болаларнинг (ҳатто у аслзодалардан бўлса ҳам) туғилган санасини қайд этиш жоиз эмас эди. Бор-ди-ю фалакнинг гардиши бир айланиб, у Лондонда таваллуд топганида, унинг қироли Генрих саккизинчи бўлган бўлур эди. Маълумки, Генрих саккизинчи Гулбаданнинг отаси Бобуршоҳ сингари " эътиқод ҳимоячиси" унвонига сазовор бўлган иймон-эътиқодли ҳукмдор эди.

Гулбадан иймони бутун, тақводор муслима эди.

"Гул" сўзи "атиргул" сўзига монанд бўлгани боис ҳам бу сўз аксарият маликалар исмини безаб туради. Чунки Шарқда Эрондан тортиб, Ҳиндистону Хитойгача бу гулни ардоқлаб, эъзозлашади. Афғон атиргули оқиш рангда товланса, эроний атиргул пуштиранг ва кичикроқ бўлиб, ўзидан майин ва ёқимли ҳид таратади. Уни баъзан "Дамашқ атиргули" деб ҳам аташади. Бобуршоҳ Гулбаданга ва бошқа қизига исм танлаганда айнан қирмизи тусдаги атиргулни назарда тутган бўлса ажаб эмас. У катта қизига Гулранг, иккинчисига Гулчеҳра деб ном берган эди. Айтиш жоизки, Бобурнинг хотинларидан бирининг исми ҳам Гулруҳ эди. Кейинчалик Гулбаданнинг яқин дугоналаридан бири бўлиб қолган канизаги, черкез қизининг номи ҳам "қирмизи атиргул" деган маънони англатар эди. Гулбадан эса умр бўйи "Гулбадан" лигини сақлаб қола олди. Зеро, шоир Ҳофиз Шерозий "... атиргул самимийлик рамзидир" деганда Гулбаданни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Гулбадан уч буюк ҳукмдор – отаси Бобуршоҳ, акаси Ҳумоюншоҳ ва жияни Акбаршоҳ даврини қамраб олган ўта мураккаб замонда умргузоронлик қилди ва Акбаршоҳ вафотидан икки йил аввал бу фоний дунёни тарк этди. Бу ҳукмдорлар орасида энг машҳури Акбаршоҳ бўлса-да, Гулбадан отаси ва акасини ниҳоятда улуғлар эди. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, агар Акбаршоҳ бўлмаган-



да, Гулбаданнинг мавқе-мартабаси бунчалар юқори улуғланмаган, унинг номи ўша даврда яшаган юзлаб маликалар сингари парда ортида, омма назарига тушмасдан қолиб кетган бўларди. Ва табиийки, унинг умр ва ижод йўли ҳақидаги ҳақиқатни очиб бериш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Ўша давр муаррихлари томонидан зикр этилган маълумотларда Гулбаданнинг исми бошқа тарихий шахсларнинг номлари соясида қолиб кетаётган бир пайтда (1587–1590 йилларда) Акбаршоҳ бобоси Бобуршоҳ ва отаси Ҳумоюншоҳнинг ҳукмдорлик фаолияти ҳақида тарихий бир асар яратиш ҳақида фармони олий қабул қилди.

Мусулмончилик таомилларига кўра, аксарият ҳолларда марҳум зотларнинг исмлари бевосита тилга олинмасдан, уларга нисбатан “раҳматли” сўзи қўлланилади. Шу одатга кўра Гулбаданга: “Фирдавс макон” (Бобуршоҳ) ва “Жаннати ошиён” (Ҳумоюншоҳ) ҳақида нимаики билсангиз, батафсил ёзингиз” деган мазмунда фармон берилди. Бундай фармон яна икки кишига – Ҳумоюншоҳнинг яқин мулозимларидан бўлмиш Жавоҳир офтобачи ва содиқ вазири Шайх Боязидга ҳам берилган эди. Ўрта асрларда сарой маликалари орасида саводхон аёллар, эҳтимол, кўп бўлмагандир, лекин Гулбадан бегим ўз даврининг энг мукаммал билимли, фозил аёлларидан эди. У ҳамиша мутолаа билан машғул, табъи назм эгаси бўлса-да, бироқ тарихий асар ёзишга илк бор қўл урмоқда эди.

Бу пайтга келиб у олтмишдан ўтиб, етмишни қоралаб қолган эди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: “Фирдавс макон отам ҳазратлари бу фоний дунёни тарк этганларида мен ҳақир саккиз ёшда эдим, шу боис кўп воқеалар хаёлимдан форомуш бўлган бўлиши мумкин эди. Бироқ фармони олий ҳазрати подшоҳ томонидан берилган эди. Шу боис олий ҳазратнинг фармонига итоат этган ҳолда хотирамда қолган кўрган-кечирганларим ва эшитганларимни бирма-бир қоғозга туширдим”.

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, Гулбадан бегимнинг бу китобидан Акбаршоҳнинг кўнгли унчалик тўлмади. Чунки у ўз даврининг йирик алломаларидан бўлмиш Абдулфазл ва унинг укаси Файзийнинг жимжимадор ва баланд-парвоз мақтовларию жарангдор олқишларга кўмилган иборалларини эшитишга одатланиб қолган эди-да.

Мисол учун, Абулфазл қаламига мансуб машҳур “Акбарнома” асарининг муқаддимаси шундай бошланади: “Менким, Абулфазл, олийнасаб шоҳларнинг марварид шодасида ягона дуру гавҳар

бўлган улуғ ҳукмдорни улуғлаш шарафига мушарраф бўлганимдан Яратганга беадад шукроналаримни изҳор этаман”. Бу асардаги Акбаршоҳ номига бағишланган ҳамду санолар муқаддимасининг ўзиёқ беш саҳифани эгаллайди. Бу саҳифаларда “олам сарвари”, “сулола тожининг жавоҳири”, “Темур авлодининг шамчироғи”, “Аллоҳнинг ердаги сояси” каби баланд-парвоз мақтовлар тўлиб-тошиб ётибди.

Гулбадан бегимнинг болалик чоғларидан меҳрини қозонган, сирдош акасининг номи билан “Ҳумоюннома” деб аталган асари эса, мавжуд таомилга биноан “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм” деб бошланади. Муаллиф кейинги мисраларда Акбаршоҳнинг фармони ва ўзининг унга итоат этган ҳолда қўлга қалам олгани ҳақида содда, равон тилда қуйидаги мулоҳаза юритади. “Отамнинг руҳини шод этиш умидида ушбу асар подшоҳ Бобом (Бобур – тарж.) ҳазратлари замонида бўлган воқеаларни ёзишга жазм қилдим”.

Табиийки, бундай ифода услуби Акбаршоҳга мақбул келмаган, чунки Гулбадан бегим ўз баёнида тумтароқ ва ҳавойи ҳамду саноларни жуда яхши ишлатади. Асосан Ҳумоюншоҳ шахсияти ҳақида сўз борганда “ширинзабон”, “ҳақиқатгўй” каби ўхшатмалардан фойдаланади, холос. Муаллифнинг ифода услубида отаси Бобуршоҳнинг хотираномасига табиат манзаралари, гул-чечаклар, мева-чева ва паррандалар дунёсини тасвирлашда қўлланилган содда, аниқ ва ихчам иборалар кўзга яққол ташланади.

Гулбадан бегимнинг ушбу асарида асосан тарихий шахсларнинг хусусиятларини тасвирлашга кўпроқ ўрин берилган. Бироқ асарда келтирилган баъзи бир сана ва воқеалар баёнида жузъий чалкашликлар ҳам учрайди. Масалан, муаллиф Бобуршоҳнинг ўн саккиз нафар ўғил-қизи бўлгани ҳақида сўз юритади, бироқ уларни номма-ном санаганда ўн олтита фарзанд номи тилга олинади.

Шуни айтиш керакки, бу асар фақат уч нусхада кўчирилган. У пайтларда босмахоналар бўлмаган ва Боязид девонхонасида тўққизта ҳаттот бўлиб, улар томонидан кўчирилган уч нусханинг бир нусхасигина сақланган, қолганлари эса, афсуски, бундан уч юз йил муқаддам йўқолиб кетган. Абулфазл “Акбарнома” ни ёзишда Гулбадан бегим баён қилган воқеалардан фойдаланган бўлса ҳам, негадир фойдаланилган манбалар қаторида бу асарни тилга олмаган.



1860 йиллар ўртасида Ҳиндистон инглизлар томонидан забт этилади. Бу ерга келиб ўрнашиб қолган инглиз полковниги Ҳамильтон Деҳли ва Лакнов шаҳарларида қўлга киритган ўлжалари қаторида мингдан ортиқ китоб ва қўлёзма асарларни тўплади. Уларнинг каталогини тузди. Улар орасида мана шу мўъжазгина “Ҳумоюннома” асари ҳам бўлиб, бу асарни Ҳамильтоннинг беваси кейинча-

лик Британия музейига сотган эди. 1900 йилга келиб, шарқ адабиёти бўйича мутахассис, таниқли олима Аннета Сюзан Бевериж "Ҳумоюннома" ни таржима қилишга жазм этади. Табиийки, бу ўта нозик ва машаққатли меҳнат талаб қиладиган иш эди.

Китоб таржимасининг сўзбошисида А. Бевериж хоним шундай деб ёзади: "Бу асар мен мурожаат қилишим мумкин бўлган ягона нусхадаги асар эди. Унинг айрим сўзлари маликанинг она тили бўлмиш туркийда битилган. Лекин муаллиф форсийни ҳам мукаммал билиши сезилиб турарди. Қўлёзманинг муқоваси қизил чармдан ишланган бўлиб, унинг бобларидан бири нотўғри жойлаштирилган эди. Энг ёмони шундаки, китоб сарлавҳаси ёзилган бир саҳифадан кейинги варағи йўқ, саҳифалар четида ҳошия ҳам қолдирилмаган, асарнинг охирги қисми ҳам йўқолган эди".

Таржима устида ишлаш жараёнида А. Бевериж муаллифнинг изоҳ ва шарҳлари моҳиятига тушуниб борар экан, ўзи кашф этаётган бу асарнинг қандай катта қийматга эга эканини тобора чуқурроқ ҳис этар эди. Акбаршоҳнинг бу асар ҳақидаги мулоҳазаларини у қадар тўғри ва асосли деб бўлмас эди.

"Бу китоб тенги йўқ ноёб асардир, – деб ёзади таржимон, – унда малика ўзи мансуб бўлган аёллар дунёсини муфассал тасвирлаб берган. Тилининг соддалигига қарамасдан, бу асар киборлик ва малоҳат билан, ҳатто қаҳри қаттиқ шоҳларнинг фаолиятини ҳам саҳна ортида туриб зийраклик билан кузатиб борган улуғвор маликанинг мулоҳазалари баён қилинган бебаҳо манбадир. Муаллиф мулоҳазаларининг самимийлиги сарой тарихчиларининг кўпларини лол қолдириши ва уялтириб қўйиши ҳам мумкин".

"Ҳумоюннома" таржимасига кўплаб тарихнависларнинг қайта-қайта мурожаат қилиши ҳам асарнинг ҳаққонийлигидан далолат беради

Гулбаданнинг нурли қалами билан тасвирланган хотиранома узоқ ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларни шунчалик аниқ ва ҳаққоний тарзда баён қиладики, ўқувчи гўёки телескопга тикилиб, кўҳна тарих саҳналарини яққол тасаввур этади. Олис ўтмиш қаърида подшоҳ отасининг Кабулдаги саройининг улкан деворлари устидан пастга тикилиб турган кичик маликани кўргандек бўласиз. Муаллиф шаҳар қалъаси девори устидан туриб навбатдаги рақибига қарши жангга шайланаётган ёки эришган ғалабасини нишонлаётган сарбозларни кузатиб турган аёлларнинг ички дунёсини маҳорат билан тасвирлаб беради. Шаҳар атрофидаги боғларда осудалик ҳукм сураётгани, воҳанинг қорли тоғлари узра осмонга кўтарилаётган чанг булутига кўз тикиб турган кичик малика қиёфаси кўз олдимизда намоён бўлади. Осмон узра кўтарилаётган чанг эса у орзиқиб кутаётган подшоҳ отасидан хабар етказувчи чопарнинг яқинлашиб келаётганидан далолат беради.



Зарафшон воҳасининг Марвариди

Улуғбек ЖУМАЕВ,
журналист.

Шамол тинмай эса бошлади. Ҳаво оқими нақд оёқларга човут солаёзди. Сўнгра чанг-тўзонни кичик-кичик гавратча этиб айлантира кетди. Назаримда, бу ҳолат гўё моҳир қўлларга бўй бергандек, ердан озод узилиб, тўппа-тўғри жамики кўзлар қадалган нуқта сари от солаётган чавандозни эсга соларди. Кўкни бор-бўйича булутдай қоплаган барглар... Улар чирпирак бўлиб айланганича, бамисоли қирғийдек шитоб-ла пастга шўнғийди. Шунга қарамай йўлга тушдик. Тезроқ Оқтош шаҳрида турадиган амакимникига (шевада бова дейилади) етиб олмоқчи эдик. Негадир, Жума бобомнинг кулиб турган чеҳрасида хавотирланиш аломатлари ғимирламайди сира. Қуёшни уфққа оғишига анчагина вақт бор эди.

Буни қаранг, Хатирчини қўшни Нарпай тумани билан боғлайдиган кўприк Оқдарё устига қурилган эди. Ўша жойдан ўтаётганда бобом ҳа деб Хатирчи сўзининг келиб чиқиш тарихини тушунтира кетарди. Бобомнинг айтишича, қадимда Хатирчига Буюк Ипак йўлининг бир тармоғида жойлашган Каттақўрғон, Мирбозор тарафдан кириш хавфли



бўлган. Негаки, дарё бўйлари қалин, ўтиб бўлмас тўқайу юлғун билан қопланган экан. Шу важдан бу ҳудуддан туя карвонлари ҳадеб ўтавермас экан. Аслида, "Хатирчи" сўзи "хатарли", "қўрқинчли", "ваҳимали" деган маъноларни англатаркан.

Воқеан, "Хатирчи-Зарафшон воҳасининг марвариди. Бу жаннатмонанд юрт Лангар ва Оқтов тизмалари ўртасида бор бўй-басти билан ястаниб турибди. Оламга машҳур Учқора майизи-ю, Олтинсойнинг тивит берувчи ангор зотли эчкилари, Лангар гранити ва шпати, шовуллаган серҳосил боғлари, ғаллазорлар-у, пахтазорлари юрт фахри, эл кўрки саналади. Ўзбекистон довруғини олам аро ёйган Пўлкан шоир, Амирқул Пўлкан, Ғайбулла Саломов сингари ижодкорлар шу муаззам гўшада камол топиб, юрт шавкатини бир умр куйлаб ўтдилар. Одамлари-чи, собит сўзли, дили қайноқ, тили бурро, меҳмондўст, шижоаткор, танти ва марддир. Дарҳақиқат, Хатирчи – ёш ва навқирон Навоий вилоятининг яшнаган бўстони". Нуроталик таниқли журналист, ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамдам Эшонқулов Хатирчини ана шундай гўзал сўзлар асносида мадҳ этган эди. Бу таърифу тавсифда зиғирча бўлса-да муболаға йўқ.

Ватан қай манзилдан бошланади? Назаримда, у киндик қонинг томган, болаликнинг ўйноқи, шўх, кўкка отса сапчийдиган дамларидан, ариқ бўйларида юз очган ялпизларнинг одамга хуш ёқувчи ифорларидан, адоғи йўқ кенгликларда ўйноқлаб-кишнаб юрган от дупурларидан, онамиз ёпган иссиқ нонни ариқ сувига ботириб мазза қилиб ейишдан бошланса ажаб эмас. Йиллар ўтгани сайин эслаганларимизнинг бариси тарих қатига ҳудди қумга сингган сувдай яширинади. Ўшанда хотирамиз пучмоқларини титкилаб ажойиб дамларни эсга оламиз. Қолаверса, археология фани мушкулимизни осонлатади. Нега деганда, бу илмнинг салмоғи, юки залворли. Шу тобда эслатилганидек, қадимги шаҳар, қўрғонлар, сув иншоотлари, тупроқ остида қолиб кетган қадимий аҳоли яшаш жойларини ўрганувчи фан мавжуд бўлиб, у археология деб аталади. Бу фан ўн тўққизинчи, йигирманчи асрларда тараққиётнинг юқори поғонасига кўтарилди. Алҳол, биз шу фан туфайли бугун қадимги тарихимиз тўғрисида маълум тасаввур ва билимга эгамиз. Унинг ўзига хос хусусияти шуки, у фақат ашёвий далилга таянади. Негаки, далилсиз жуда кўп нарсаларга ишониб бўлмайди.

Маълумки, Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин Россия илмий доираларида ўлкани археологик жиҳатдан ўрганишга иштиёқ ошди. Бу борада фаол археологик тадқиқотлар олиб борган рус олимларидан бири Николай Веселовский бўлади. У Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бўлган Ахсикентда, ҳозирги Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган Афросиёб харобаларида археологик тадқиқотлар ўтказган.

Зарафшон воҳаси ҳам бағрига чорлайди. Бинобарин, бу жаннатмакон гўшадан маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг қадами узилмаяпти. Ана шу ҳолат инобатга олиниб Зарафшон воҳасининг қадимий қишлоқлари тарихини ўрганишга ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида киришилади. Хатирчининг ҳозирги Эшмурод Абдиев номли фермерлар уюшмаси ҳудудидаги Умараминтепа шаҳристони харобалари ўлкамизнинг араблар томонидан фатҳ этилишигача бўлган даврлар маданиятидан далолат беради. Бу ерда илк бор 1973 йилда, кейинчалик, 1976-1977 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Археология институти олимлари, академик Галина Пугаченкова ҳамда тарихчи олим Б. А. Турғунов тадқиқотлар ўтказган. Ана шунда қазишма ишлари олиб борилаётган манзилга сон-саноқсиз одамлар ёприлиб кела бошлайдилар. Уларни бу ерга ташрифига биринчи навбатда қизиқиш сабаб бўлганди.

Хатирчининг қадимий асориатиқаларга бой манзиллари сира-

сига Умараминтепани ҳам қўшса бўлади. Академик Пугаченкованинг ёзишича, "Умараминтепа шаҳристони 400x250 метр кенгликда ястаниб ётибди. Шаҳристон ўрганилганда бу ердан кўплаб қўнғир-қизил рангли сопол буюмлар топилган ва улар олтинчи-еттинчи асрларга мансуб эканлиги аниқланган. Умараминтепадаги маданий ёдгорликлар қатламининг қалинлиги 3,2 метрга боради ҳамда ундаги шартли қилиб белгиланган 4-хонадан топилган сопол идишлар мажмуасининг ёши Самарқанд яқинидаги Афросиёб ва Кумушкент тепадаги ашёлари билан таққослаганда эрамизгача бўлган биринчи аср ва эрамизнинг иккинчи асри даврларига бориб тақалади" .

Шуни таъкидлаш жоизки, 1970 йилгача олиб борилган археологик тадқиқотлар Хатирчидаги қадимий қишлоқларни, аҳоли яшаш жойларини ўрганиш билан чекланиб, Хатирчи ёшини аниқлаш тадқиқот марказини ташкил этмасди. Асосий эътибор урбанизация, аҳолининг шаҳарлашуви жараёнини ўрганишга қаратилган эди. Лекин бу Хатирчи 1970 йилларгача ўрганилмаган деган маънони англатмайди. Ушбу ҳудуднинг қадимий қишлоқлари тарихи билан боғлиқ талайгина тадқиқотлар ўтказилди.

Шу ерлик Раҳмон Холмуродовнинг "Хатирчи тарихи" деб номланган китобида муҳим маълумотлар келтириб ўтилган. Унда ёзилишича, "Хатирчининг археологик топилмаларидан маълум бўлишича, милоддан аввалги уч йиллик охирида аҳоли мисдан қурол ясашни билган. Бронза даври милоддан аввалги 2-1 минг йилликларда дастлабки ўтроқ деҳқончилик турар жойлари вужудга келган" (Навандактепа, Умараминтепа, Хўжақўрғон, Куфин ва Фарохин). Милоддан аввалги 2 минг йилликнинг иккинчи ярмида, асосан чорвачилик ва оддий деҳқончилик билан шуғулланган қабилалар бу ерда истиқомат қилишган (Ўзбек совет энциклопедиясининг 9-жилди 474-саҳифасида). Навандактепадан бронза даврига оид манзиллар топилган. Унда арча тасвири билан безатилган сопол идишлар учрайди" дейилади. Дарҳақиқат, Навандактепа манзилгоҳи ўша даврлардаёқ тоғ этаклари ва водийларда аҳоли янги ерларни ўзлаштириб, анча такомиллашган суғориш усулларини тадбиқ эта бошлаганига ёрқин мисолдир. Бу ердаги қабристон "Бўёқли сопол" маданиятига далил бўлиши асносида элатларнинг ярим ертўлада истиқомат қилиб, суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва жез қуроллар ясаш билан шуғулланганини тўла исботлайди.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авесто"да бу ҳудудда Қанғли давлати бўлганлиги ҳам тилга олинади. Мазкур давлатда чорва моллари ниҳоятда кўп бўлиб, ҳарбий аристократия бошқалардан ажралиб турган. Ҳозирги кунда ҳам шу номдаги қишлоқ мавжуд бўлиб, у Олтинсой хўжалиги ҳудудида жойлашган. Мазкур қишлоқда илмий тадқиқотлар олиб борган қадимшунос олимлар бу ердан муҳим топилмаларни қўлга киритди. Бу гўшада милодий йил бошида йирик Қанғ давлати бўлганлиги, унинг атрофи тошдан терилган мустаҳкам мудофаа девори билан ўралгани маълум бўлади.

Оқтов ва Қоратов, Ёнғоқлисой, Ангидон, Шалдироқ, Оқсоқолота, Жайловсой ғори, Сангижумондаги қоятошларга ўйиб ёки қаттиқ жисмлар билан тирнаб ёзилган суратларнинг турли шакллари мазмунига қараб Хатирчи тумани ҳудудида бронза давридан аввалроқ (эрамиздан аввалги 3-4 минг йилликлар) гуркираб ривожланган ҳаёт ва маданият ўчоғи бўлганлигига ҳеч шубҳа қилмаймиз. Қоя тошлардаги суратлар аждодларимиз моҳир овчи, уста чорвадор, истеъдодли наққош бўлганлигидан дарак беради. Бу фикрнинг нақадар тўғри ва асосли эканлигини Н. Тошкенбоев, А. Кабиров, Муҳиддин Хўжаназаров сингари соҳа билимдонлари ҳам ёзиб қолдирган.

Археологик қазишмалар натижалари қадимги Хатирчи тарихининг илгари сираям ёритилмаган

жиҳатларига ойдинлик киритиш имконини яратиб бермоқда. Топилган сон-саноқсиз экспонатлар нафақат қадимги Хатирчи тарихи, маданияти, санъати, сиёсий-иқтисодий ривожланиши, балки савдо-сотиқ алоқалари хусусида қимматли маълумотларни беради.



Тарихий манбаларда қайд этилишича, милоднинг 4-5 асрларида Жайҳун билан Сайҳун оралиғига, Зарафшон бўйларига, жумладан Миёнколга шимолдан кўчиб ўтган туркийзабон халқлар – эфалитлар (оқ хунлар), кўчманчи турклар 5-7 асрларда ўз ҳукмронлигини ўрнатганлар. Улар асосан ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ҳамда чорвачилик ва деҳқончилик билан машғул бўлганлар. Буғдой, арпа, тариқ, пахта, беда сингари экинлар экиб, токчилик ҳамда боғдорчилик билан шуғулланганлар. Тоғлик ва тоғ олди ҳудудларидан олтин, темир, мис, қўрғошин, мармар қазиб олинган. Хатирчининг Олтинсой қоракўлчилик хўжалигидаги Олтинсой, Барқут, Хоноқа, Тариқпоя қишлоқларида олтин, Майдонсой қишлоғининг юқори қисмида темир ва марганец, Кўпайи қишлоғида бўр ва гил, Лангарда эса рангли мармар қазиб олинган шахта қудуқларининг қолдиқларини учратиш мумкин. Бу маълумотларнинг чиндан ҳам тўғри эканлигини Самарқанд давлат университети профессори Мардон Умаров ҳам тасдиқлайди. Ҳозирги кунда ҳам бу ерга аҳён-аҳёнда тарихга қизиқувчилар ташриф бериб туради.

Юқорида зикр этилганидек, Хатирчидаги Навандак қишлоғининг тарихи-ю, ўтмиши ҳам алоҳида диққатга лойиқдир. Бу қадимий қишлоқда археологлар Султон Жалолиддин Мангуберди қабртошини топишди. Ҳозирги кунда ҳам бу ердаги қабристонда афсонавий қаҳрамонимиз ҳисобланган Жалолиддин Мангубердига тегишли бўлган қабртош турибди.

Қишлоқ кексаларининг айтишига қараганда, бу қабртошни мозорга келтирилганига беш асрдан ошиқ вақт бўлган экан. Бу сана тахминан фалакиёт илмининг султони, шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Айтишларича, мазкур қабртошни Улуғбек Мирзо саркардага азбаройи ҳурмати рамзи сифатида қўйган дейишади. Ҳар ҳолда бу гапда жон, асос борга ўхшайди. Негаки, ўша кезлари айрим сабабларга кўра, мазкур қабртошни Жалолиддин Мангуберди туғилиб, ўсган Хоразм тупроғига етказишнинг имкони бўлмаган. Натижада, қабртош шу қишлоқдаги қабристонда қолиб кетаверган. Яна бир гап. Хатирчининг Сангижумон ва Кориз қишлоғидаги қабристонларда ҳам кўҳна қабртошлар мавжуд.

Ҳамроҳларим билан сайқалланиб, жило берилган ўша мармар тошдаги ёзувдан Маҳмуд (Маҳаммад Қашғарий) деган ёзувни ўқидик. Шунга ўхшаш улуғ кишиларнинг қабр тошларини туманнинг Галабек, Полвонота, Хўжайижаҳон қабристонларида ҳам учратиш мумкин. Энди уларни ўрганиш, аниқлаш, тадқиқ этиш тадқиқотчи ва мутахассислар ҳукмига ҳавола. Ҳар нима бўлганда ҳам, ўша қабристонда сақланаётган қабртошлар Зарафшон воҳасининг қадимги тарихини

ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Негаки, мазкур қабртош ўз меъморий безаклари, ишланиши билан Ўрта Осиё тошторошлигида муҳим аҳамият касб этади. Беш юз йилдан ошиқ вақт давомида қад ростлаб турган қабртош бугунги кунда барча учун табаррук зиёратгоҳга айланган.

Буюк аждодларимиз ақл-заковати, тафаккурининг тимсоли бўлган тарихий обидаларни асраб-авайлаш, тиклаш зарурлигини барча яхши билади. Чиндан ҳам ўтмиш ҳаёти, кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган осори-атиқалар қаршисида бир зумга бўлса-да ўйга чўмиб, руҳингиз тетиклашади, қалбингизни ғурур ҳисси чулғайди.

Самарқанднинг улуғ шаҳар сифатида шаклланишида катта аҳамият касб этган бу сингари ёдгорликларни Хатирчининг Боғчакалон қишлоғида ҳам учратиш мумкин. Гап шундаки, юртимизнинг бошқа манзилларидаги сингари Хатирчи туманида ҳам ўн тўртинчи асрларда гўзал меъморий ечимга эга бўлган кўпгина тарихий обидалар барпо этилган. Бундай мадрасалар сирасига туманнинг Эшмурод Абдиев фермерлар уюшмасидаги "Хўжақул Эшонбобо", Боғчакалон фермерлар уюшмаси Полвонота қишлоғидаги мадраса масжидларини киритиб ўтиш мумкин. XIV асрда бу ҳудудда, Зарафшон дарёсига, қолаверса, Дабус номи билан машҳур бўлган қалъага яқин бўлган жойда Оқмасжид жоме масжиди барпо этилади. Аслида ушбу масжид ҳайит намозлари учун мўлжалланган бўлса ҳам одамлар унда ҳар куни тўпланишган. Мазкур мақбара ўз меъморий безаклари, нақшлари билан ҳозирги замон меъморчилигида муҳим аҳамият касб этади. Бу тарихий обида бугунги кунда барча учун табаррук зиёратгоҳга айланган.



Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўн тўртинчи асрда қурилган Боғчакалон масжид мадрасасида шоҳ ва шоир Бобур Мирзо ҳам бўлган экан. У бу ерга Шайбонийхон билан бўладиган жанг олдидан намоз ўқиш учун келади. Қолаверса, Оқмасжид ёнида, яъни Буюк Ипак йўли бўйида Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги энг катта шаҳар бўлган Дабусия қалъасининг мавжудлиги юқоридаги фикрларимиз нақадар тўғри эканлигини тўлиқ исботлайди. Негаки, бу ерда Бобур Мирзонинг излари қолган. Бундан ташқари, Оқмасжидга Бухоро амири Амир Олимхон ҳам тез-тез келиб турар экан. Амир Олимхон бу ерга сўнгги бор келганида ушбу масжид мудар-

риси Жума Жўра ўғли билан пешин намозини ўқийди-да, сўнг Зарафшон дарёсидаги солга ўтириб, Кармана томон сузиб кетади.

Минтақадаги бошқа тарихий обидалар қатори Оқмасжидда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик, йирик ҳажмдаги қайта таъмирлаш ишлари бажарилди. Қурувчилар қадимий ёдгорликни таъмирлашда имкон қадар ўша давр меъморчилигига хос бўлган қурилиш материаллари ҳамда кошинкорлик санъати услубларини қўллашди. Бундан кўзда тутилган мақсад масжид умрини узайтиришдан иборатдир. Бир неча йил аввал тўлиқ таъмирдан чиқарилган масжидга дунёнинг барча бурчакларидан зиёратчилар келиб кетмоқдалар. Сирасини айтганда, ҳукуматимиз ва вилоят ҳокимияти кўмагида бу ерда Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний мажмуалари каби обод, бетакрор зиёрат масканига айланди.

Вилоят тарихий обидаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати идораси мутахассисларининг таъкидлашича, ҳукуматимизнинг миллий ва маданий меросимизни асраб-авайлашга бўлган катта ғамхўрлиги туфайли кўплаб обидалар қайтадан обод этилди ҳамда нақшинкор алпозда қад ростламоқда.

Сирасини айтганда, Зарафшон воҳасининг гавҳари деб ном олган Хатирчи заминидаги Оқмасжид зиёратгоҳи кўҳна ва навқирон ўлка ҳуснига узукка мос кўздек ярашиб тушган. Чунки бу жойни кўриш учун ҳатто уммон ортидан ҳам сайёҳлар келишмоқда. Ушбу масжидни зиёрат қилиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ўтмишда кечган воқеа-ҳодисаларга қизиқиш савобли иш. Қолаверса, ўз тарихи билан қизиққан, аждодлари ҳаёти тафсилотлари битилган китобларни мутолаа қилган халқ буюкдир. Шу маънода "Тарих – халқларнинг муқаддас китоби" деган рус тарихнависи Н. М. Карамзиннинг фикрларида жон бор. Асрлар, йиллар ўтавергани сайин Ўтрор, Афросиёб, Сиғноқ каби бир маҳал гуллаб-яшнаган шаҳарлар тарих саҳнидан йўқ бўлиб кетди. Нима учун? Табиат ҳодисалари, инсонларнинг худбинларча чиқарган нотўғри қарорлари ёхуд ўйламай қўйган қалтис қадамлари аждодларимиздан мерос тарихий обидаларни вайронага айланишига сабаб бўлди. Қолаверса, ўз халқи учун, унинг эрки учун мардонавор жанг қилган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Пўлатхон, Қурбонжон, Намоз Ботир каби қаҳрамонларнинг жасадлари қаерга кўмилганини ҳеч ким билмайди? Юқорида номлари зикр этилган, ерга кўмилган шаҳарларнинг Ватанимиз тарихида тутган ўрни беқиёс.

Аслини олганда, ҳар бир инсон ўз халқини севади, буюк аждодлари билан фахрланади. Одатда киши ёши улғайиб борган сари қариндош уруғи, аждодлари ким эканига қизиқади. Негаки, ўз ватани тарихи, халқининг урф-одатлари, анъаналари, улар топинган динларни билишга иштиёқи бор инсон асло кам бўлмайди. "Бироқ, ҳамма вақт одам қайда яшамасин, Нил бўйидами, Фудзиями пойидами ёки Саҳройи Кабирдами – ўз ерини, ўз элини, ўз тилини, ўз эркини ҳимоя қилган. Мисрлик учун Нил бўйида ўсган қамиш, япон учун Фудзиями жамоли, ҳабаш учун саҳродаги калтакесак ҳам кўнгилга яқин". (Хуршид Даврон. "Муқаддас китобни варақла", "Ёшлик" журнали 1999 йил 1-сон). Рости, адибнинг бу сўзлари кишини беихтиёр ўйга толдиради. Шу баробарда кўнгилдан, бугун юртимизда Истиқлол қарор топган, айнан мана шу маънода, ёшларда энг инсоний туйғуларни уйғотиш, тарихини билишга рағбат берилаётганининг ўзиёқ эътиборга молик. Бу ёшларни олижаноб туйғулар-ватанпарварлик, қаҳрамонлик руҳида тарбиялашга хизмат этади", деган ёруғ ўй кечди.

Аслида тарих қуёшга ўхшайди. Унга пешвоз қараб юрсанг, пешонанг ёруғ, йўлинг порлоқ, кўзларинг нурли бўлади. Мен бу гаплар сабаб юртим тарихи билан қизиқа бошладим. Бу иштиёқ, беғубор ва қувноқ болалигим ўтган, юрагимда ажиб бир муҳаббат уйғотган қишлоғимга яқин бўлган ҳудуддаги Ку-

фин, Қипчоқтепа деб номланган қалъалар тарихига бўлган қизиқишни оловлантира бошлади. Тарихда не-не жаҳонгирлар қадами теккан, кўпдан-кўп воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган бу кўҳна қалъалар, ана шу қалъалар ҳақида ёзиш иштиёқи менга сира тинчлик бермай келарди. Ниҳоят, бу ишга жазм этдим.

Тарих китобларида қайд этилган, Буюк Соҳибқирон, улкан давлат арбоби, саркарда Амир Темур тузган Турон давлатининг узоқ ўтмишдаги беҳисоб куч-қудратини эндиликда аксарияти харобага айланган, тепалик ҳолатига келиб қолган улкан қалъалар, қўрғонлар, мудофаа истеҳкомларига қараб ҳам бемалол билса бўлади.

Хатирчи – исми жисмига монанд ғоят гўзал, бетакрор ёдгорликлар ва фусункор табиатга эга макон. Бу гўша жаҳонгашта саркарда бобомиз Амир Темурдан мерос қалъаларга ўта сероб. Бу замин бағридаги ҳар битта қалъада бутун бошли давлатнинг бой кечмишини тасдиқловчи далиллар мужассам. Буларнинг бариси киши қалбига чўғ солади.

Навоий вилоятида Куфин тепа деган жой бор. У вилоятнинг Хатирчи тумани ҳудудида (Зарафшон дарёсига яқин масканда) жойлашган. Мазкур қалъа Эшмурод Абдиев ҳамда Мирзо Улуғбек номли фермерлар уюшмаси ўртасидаги Янгийўл устахонасининг жануб томонидадир.

... Машинамиз “Хатирчи – Зарафшон” катта трасса йўлидан манзил томон ҳаракатланади. Мен эса эҳ-ҳе, бу ерларда не-не воқеалар кечмаган. Тупроқ қатламлари остида қолиб кетган қадим Куфин қўрғони харобалари ҳали яхши ўрганилмаган деган ўй-хаёллар билан банд эдим.

– Ҳозир туманнинг Зарафшон дарёсига яқин жойига борамиз. “Куфин” деган каттагина, қадимий қалъамиз бор, эшитгандирсиз? – деди укам Алишер.

– Ҳа, Амир Темур замонида бу қалъа обод ва мустаҳкам бўлган. Ўзбек адабиётининг Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ вакиллари билан ёнма-ён қалам тебратган Нажмиддин Муҳаммад Абулқосим Қоҳий Миёнколий (тахаллуси Абулқосим Коҳий Миёнколий) шу қишлоқда туғилиб, вояга етган. Ҳатто бир сафар Мирзо Улуғбек бобомиз ҳам Бухоро заминидан қайтаётганда Куфин қалъасида бир муддат тўхтаб ўтади. Ҳозир бу қалъа ва қишлоқдан асар ҳам қолмаган. Афсуски, кўпчилик, бу қалъанинг қаерда жойлашганлигини-ю, унинг тарихини билмайди. Уларни бу жойлар умуман қизиқтирмайди. Менимча, биз тарихга эътиборлироқ бўлмоғимиз керак.

Куфин анчагина олис экан. Йўлнинг икки чети бора-боргунча уй-жойлар, экин-тикин экилган далалар... Буғдойпоялар кўм-кўк жўхоризорлар билан алмашади, қалин боғлар, пахтазорлардан кейин деҳқон уйлари, сўнгра замонавий коллежлар, спорт саройлари, таълим муассалари келади. Хуллас, йўл бениҳоя гўзал маконлар оралаб ўтаркан. Мен эса гўзал гўшаларга боқиб, бораётганимиз – Куфин қалъаси ҳақида ўйлайман.

Хоразмда ер юзининг дурдонаси қадим Хива, Самарқандда – Афросиёб, Бухорода – Лаби ҳовуз, Шаҳрисабзда – Оқсарой бор. Бари – тарих мулки. Самарқанд атрофидаги Миёнкол деб аталадиган (илгарилари хусусан, Оқдарё ва Қорадарё атрофида жойлашиб, Самарқанд суғди, Ним суғди ёки суғди хурд – кичик сўғд номи билан машҳур бўлган) ҳудуд номи дунёга машҳур. Бу гўша гўзал табиати, ораста туманлари, меҳнаткаш халқи, олимлари билан тарихда муносиб из қолдирган. Жумладан, бир вақтлар гуллаб, яшнаган Куфин қалъаси, шу ном билан аталувчи қишлоқ ҳам шу ҳудуддадир. Мазкур қалъа қадимда Суғд, Сўғдиёна деб аталган ўлканинг гавҳари бўлганлигининг ўзиёқ киши қалбида ғурур туйғуларини уйғотади.

Ниҳоят, Эшмурод Абдиев ҳамда Мирзо Улуғбек номи билан аталувчи фермерлар уюшмаси чегарасида Янгийўл устахонасининг Зарафшон дарёси тарафидаги Куфин қалъасидамиз. Йўлбошловчимиз Али-

шержон кўҳна қалъа қолдиқларини бирма-бир кўрсатди. Мана тепаликдан иборат қирга ўхшаш баландлик



устидамиз. Унинг бағридаги сопол қолдиқлари, ғишт бўлаклари эътиборимизни тортди. Баландлиги ўнўн беш метрдан кам эмас.

– Қадимги Самарқанднинг қудратли истеҳкомларидан саналган Куфин қалъа мана шу, – деди Алишер. Улкан қўрғон бутун борлиғи билан кўз ўнгимизда намоён бўлиб турибди. Қалъа тарих кечмишларининг беаёв суронлари остида бутунлай йўқолиб кетган. Куфин тепада қадимда катта, обод шаҳар мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда тепаликда аждодларимиз томонидан бунёд этилган қадим қўрғон ўрнини, изларини кўриш мумкин. Мазкур тепалик остидан сопол идиш, пишган ғишт парчалари топилган. Топилган буюмлар археологлар томонидан синчковлик билан ўрганилган. Янги топилмалар халқимиз тарихи, маданияти, қадимий урф-одатлари ва турмуш тарзини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Назаримда, шонли юртимизнинг нурамас қалъа-ю, қўрғонлари тарихи ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Сопол идиш синиқлари, ғишт қолдиқлари ана сочилиб ётибди. Бу ҳудуд бағрида кўпгина жумбоқлар яширинган.

Хатирчи Буюк Ипак йўли яқинида юқоридан шимолий Оқтов тоғлари, жанубдан Зирабулоқ тизма тоғлари ўртасидаги ниҳоятда гўзал воҳада жойлашган. Бунинг устига Хатирчи Зарафшон воҳасининг улкан дарёларидан бири Зарафшон ёқасида бўлиши баробарида туман борган сари юксалиб довруқ таратди. Искандар Зулқарнайин ҳам, золим Чингизхон ҳам, чор Россияси ҳам бир вақтлар бу гўшага бежизга кўз тикмаган бўлса керак.

Хатирчидаги Куфин қалъасида қадимдан туркий халқларнинг аждодлари яшаб, асосан деҳқончилик, чорвачилик, савдо ва майда ҳунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Мирзо Улуғбек 1419 йилнинг декабрь ойида Бухородан қайтаётиб, бирров Куфин қалъада тўхтаб ўтади. Улуғбек мирзо бу ерда Қашғардан қайтиб келаётган мўътабар амирнинг юришида уларга ҳамроҳ бўладиган лашкарбошиларни ўз сафига қўшиб олади ва улар билан биргаликда Самарқандга қайтади. Ана шу воқеадан сўнг орадан қирқ йил ўтгач, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Жўқий, Балх ҳокими

Абу Саидга қарши кураш режасини тузиб олиш учун айнан бу ерга ташриф буюради.

Яна бир тарихий далил эътиборимизни тортмасдан қолмади. Унда айтилишича, ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярими – ўн олтинчи аср



бошларида яшаб, аввал Миёнколда, сўнгра Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий раҳномолик қилган Ҳирот адабий муҳитида, ундан кейин эса Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн ва Акбаршоҳ замонасида Ҳиндистонда ўз фаолиятини давом эттириб, турли жанрлардаги асарлари билан шуҳрат қозонган Нажмиддин Муҳаммад Абулқосим Миёнколда туғилиб, Абулқосим Коҳий Миёнколий тахаллуси билан машҳур бўлганлигининг ўзиёқ киши қалбида унга нисбатан эҳтиромни оширади.

Абулқосим Коҳий Миёнколий бобомиз ҳақидаги тўлиқ маълумотларни Садриддин Айнийнинг "Намунаи адабиёти тожик" (1926 йил), ҳинд олими Ҳоди Ҳасаннинг Қосим Коҳий ҳаёти ва ижодига бағишланган монографиясидан, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети академиги, адабиётшунос олим Ботирхон Валихўжаевнинг қатор асарларидан олиш мумкин. Аслида мазкур асарларни мутолаа қилган ҳар бир китобхон юртимиз тарихи ҳақидаги қимматли маълумотларга эга бўлади. Аҳамиятлиси, биз юқорида санаб ўтган асарлар улуғ адиблардан бизга бебаҳо меросдирки, у халқимизнинг чинакам мулкига айланди. Бу асарлар шонли тарихимизни ўрганиш учун муҳим ва бебаҳо манба саналади. Қолаверса, тарихий асарларда кўп бора тилга олиб ўтилган машҳур Сарипул қишлоғи ҳам айни шу ерга яқин. Мазкур қалъада Шайбонийхон бир неча бор бўлганлигини тасдиқловчи ишончли далиллар бор. Қолаверса, бу иншоот Буюк Ипак йўлидаги энг катта шаҳар ҳисобланган Дабусия қалъасидан унчалик ҳам узоқ эмас.

Куфин қалъа жойлашган тепаликдан туриб, ўйноқлаб оқаётган Зарафшон дарёсига нигоҳ ташлаймиз. Қирғоқлар баъзи жойда бир-бирига яқинлашган, баъзи жойда эса узоқлашган кўйи кўзга яққол ташланади. Дарё соҳилларини эгаллаган қалин қамишзор, тўқайзор, ўт-ўлан-

лар ястаниб ётибди. Нақадар ажиб манзара! Унга такрор-такрор боқиб кўз тўймайди. Ҳамон тепалик устидаги қалъадамиз. Бизни ҳалигача аждодларимизнинг улкан истеъдоди, салоҳияти, бениҳоя ақл-идроки, куч-қуввати ўзига тамомила мафтун, маҳлиё этиб турибди. Назаримда ўзлигимизни англаш учун мазкур хароба шаҳар қалъалар кечмишини ўрганишнинг аҳамияти каттадир.

Хатирчидаги мавжуд Қипчоқтепа, Навандактепа, Умараминтепа, Хўжақўрғон, Куфин, Фарохин сингари қалъаларнинг бари бир мўъжиза, узоқ аждодларимиз ақл-заковати нақадар юксаклигининг жонли тимсолидир. Зарафшон воҳасидаги мазкур қалъаларнинг бари тупроқ уюлиб адирга ўхшаш этиб барпо этилган. Минг афсуски, асрлар долғаси ўз асоратини қолдирган. Қадим қалъалар кимсасиз, ташландиқ, хароба қалъаларга айланган.

Болалигимда Қипчоқтепага тез-тез бориб турардим. У ерга мени илк бор катта отам бошлаб борган. Мазкур қалъа ҳозирда туманнинг Шароф Рашидов номи билан аталувчи фермерлар уюшмаси ҳудудида савлат тўкиб турибди. Айтишларича, уни қўл кучи ёрдамида бунёд этишган экан. Яна бир бор тарихга мурожаат этамиз. Эндиги сўз хорижлик Херман Вамберига. У ўзининг "Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи" китобида "Темур 1376-1396 йиллар орасида Дашти қипчоққа ўзи томонидан ҳоким этиб тайинланган Тўхтамишхонга қарши беш маротаба уруш эълон қилади. Тўхтамишхон Амир Темур 3, 5 ва 7 йиллик урушлар қилиб, Мовароуннаҳрдан чиқиб кетганида аҳду-паймонини бузиб, ўлкаларни талон-тарож қилади" деб ёзади. Биз юқорида айтиб ўтган Қипчоқтепада хоин Тўхтамишхоннинг бир гуруҳ сарбозлари қатл этилган. Уларни қатл этиб, хоинликнинг оқибати билиниб турсин деб бунёд эттирилган тепаликнинг номи шундан келиб чиққан дейишади. Бу воқеа тахминан 1388-1391 йилларда кечган.

Аслида, туман ҳудудидаги қадим қалъа, тепаликлар тарихи билан қизиқувчилар сони ниҳоятда кам. Хўш, нега одамлар ўтмишга бепарво? Қолаверса, бу ерга жаҳон аҳли қизиқаяпти. Нега ёшлар бу ерларга қалб амри билан, иштиёқу-ҳайрат билан келмайдилар? Нега улар минг асрлик тарихимизга қизиқмайдилар? Афсуски, бу сингари жавобсиз саволлар бир талай. Гуржилар агар тарихга дахлдор бўлса, отнинг тақасини ҳам бахмалга ўраб асрашаркан. Қаранг, уларнинг ўтмишга, тарихга бўлган эътиборини?! Биз энди лоқайдлик, билимсизлик ва миллий мудроқлик деган кўринмас ёвлардан батамом қутилишимиз керак. Фақатгина тарих китобларидагина номлари қолган, биз аллақачон унитиб юборган қалъаларимиз... Негаки, бу қалъаларни боболаримиз улкан заковат билан қурган. Зеро, улар тарихини яхши билмоқ, ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шундай экан, ота-боболаримизнинг ақл-заковати ила яратилган қалъаю-қўрғонларга ёшларни жалб қилиш, қизиқтириш, ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш лозим. Негаки, давлат раҳбарининг ўзи қаерга борса, ўша жойдаги табаррук манзиллар, азиз авлиёлар макон топган қадамжоларни зиёрат қилиб, бундай қадимий масканларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, обод қилиш ҳақида қайғуриб турибдику, ахир?

Гап шундаки, бундан кейин Хатирчи халқаро туризм йўналишига киритилиши зарур. Ана шунда хорижий сайёҳлар Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива сингари Хатирчини ҳам кўришади. Юқорида зикр этилганидек, Қипчоқтепа, Навандактепа, Умараминтепа, Фарохин, Лангар, Куфинқалъа сингари тарихий жойлар, Сангижумон қимирлаб турувчи тоши, Кўксарой жаҳон кўрса арзигулик жойлар. Очиғи, буларни кўриб, дунё ҳайратлансин.

Ўзбек халқининг бир неча минг йиллик тарихида шундай даврлар борки, уларнинг шукуҳли манзаралари бугунги авлодларга замонамиз қадар таниш ва қадрли. Буюк бобокалонимиз, жаҳонни зир титратган Амир Темур ҳукмронлик қилган давр булар ичида энг ёрқини

ва ардоқлисидир. Бу даврда буюк соҳибқирон, улкан давлат арбоби, саркарда Амир Темур ва Темурийлар армияси сафларида юрагида ўти бор тўрт нафар хатирчилик лашкарбоши хизмат қилган. Булар Музаффар Учқора, Баҳодир Учқора, Амриддин Учқора ва Шамсиддин Учқоралардир.

Ҳерман Вамберининг 1990 йилда нашр этилган "Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи" китобида қайд этилишича, биз юқорида номларини тилга олиб ўтган саркардалар зиммасига масъулиятли, муҳим вазифани бажариш юклатилган экан. Жумладан, унинг қўл остидаги черикнинг, яъни қўшиннинг барчаси жангу-жадалларда мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган яқин дўстларидан ташкил топган. Унинг сарҳангларидан Жаҳонгир Барлос, Муҳаммад Султон Шоҳ, Амир Муризода, Музаффар Учқора ўз маҳоратларини Темурнинг ёнини олиб сарф этдилар. Мисол учун Соҳибқирон Амир Темурнинг Эронзамин устига қилган икки йиллик юришида ҳижрий 786-787 (1384-1385) йилларда хон ва султонларнинг, шаҳзодаларнинг оила аъзоларига ва уларнинг тирикчилик асбоб-анжомлари ортилган карвонга ўғриқда Амир Учқора қўшини билан қўриқчилик қилди. 1411 йилда Шоҳруҳ Мирзо томонидан Шамсуддин Учқора Қандаҳор, Қабул ва Ғазна ҳокими Кайдунинг фаолиятини назорат қилиш учун юборилади. Бундан кўриниб турибдики, Амир Темур ва фарзандлари қўрқмас, баҳодир, шерюрак саркардаларни қадрлаган, тақдирлаганлар. Бундан боши кўкка етган саркардалар салтанат истиқболи учун хизмат қилганлар.



Маълумки, кейинчалик Чиғатой подшолиги парчаланиб кетади. Аслида мазкур подшоликнинг инқирозга, таназзулга юз тутишига сабаб қилиб, тарихчилар энг аввало, тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганлиги ҳамда ўзаро аҳилликнинг йўқолганини кўрсатади. Чиндан ҳам бу фикрда жон бор. Нега деганда қаердаки тартиб интизом бўшашар экан, шубҳасиз ўша жойда парокандаликка юз тутилади. Бунга мисоллар кўп. Бу эса Самарқанднинг шимолий ҳудудларидаги сулдуз қабилалари-сарбадорларга жуда қўл келади. Улар қисқа вақт ичида ҳокимиятни эгаллаб оладилар. Бу вақтда жанубда мўғул ҳокимияти харобалари ўрнида (яъни Насаф ва Кешда) барлос қабилалари Амир Темур бошчилигида озодлик байроғини тиқдилар. Алал-оқибат Амир Темур асос солган давлатнинг довруғи етти иқлимга овоза бўлади.

Тарихий манбалардан шу нарса маълумки, буюк соҳибқирон, улкан саркарда Амир Темур даврида Зарафшон воҳасининг гавҳари деб ном олган Хатирчи ҳудудида ҳамда унга яқин ерларда ҳам оламшумул ўзгаришлар рўй беради. Соҳибқирон қўшинига маҳаллий аҳоли кўмак қўлини чўзади. Тез орада мўғуллар ҳукмронлиги тугатилади. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Амир Темур ва темурийларнинг мунтазам армияси сафларида хатирчилик тўрт нафар саркарда, лашкарбоши бўлган. Шунинг учун Музаффар Учқора,

Баҳодир Учқора, Амриддин Учқора ҳамда Шамсиддин Учқора номи билан хатирчиликлар фахрланадилар. Қолаверса, эл-улус орасида ривоят ва афсоналар тўқилган. Ана шундай ривоятлардан бирида айтилишича, Музаффар Учқора бошқа лашкарбошилар сингари куч- қувватга тўлган, мард, танти, полвон киши бўлган. Бир куни у дарё соҳилида ов қилиб юрганида қоплонга рўбарў келади. Йиртқич унга ташланади. Музаффар Учқора тезда рақибига тик боради. Узоқ олишиб йиртқични ер тишлатади. Баҳодирлар унинг беқиёс кучига, ақл- заковатига таҳсин айтадилар. Аслида Музаффар Учқоранинг туғишган инилари Баҳодир, Амриддин, Шамсиддин Учқоралар ҳам қўрқмас, юрагида ўти бор, арслон-келбат баҳодир бўлган. Бугунги кунда Учқора заминида туғилиб-ўсган баҳодирлар билан бутун воҳа аҳли фахрланади. Улар муборак номи тарих зарварақларидан жой олган. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Нақшбандия тариқатининг асосчиси Шайх Хўжа Баҳовуддин балогардон Жаҳонгир Амир Темур замонида яшаб, 1383 йилда 71 ёшда бандаликни бажо келтиради. Халқ орасида катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган Баҳовуддин Балогардон тахминан 1350-1360 йиллар орасида Хатирчида бўлади. Авлиёнинг бу гўшага ташрифидан мақсад мухлисларидан бири Мавлоно қози Султоннинг волидаси вафоти муносабати билан унга таъзия билдириш бўлган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Хўжа Баҳовуддин Нақшбандининг мухлислари орасида Додак Куфиний, Муҳаммад Турк Куфиний деган хатирчилик ҳурматли инсонлар ҳам бўлган экан. Шу ўринда Абу Муҳсин Муҳаммаднинг "Баҳовуддин Балогардон" деб номланган китобидаги мана бу сатрларни айнан келтириб ўтишни лозим деб топдим; "... Ҳазрати Хўжа бир суҳбатда Мавлона Додак Куфинийга юзланиб дедилар: Муҳаббатнинг белгиси шуки, биз нима десак шуни бажаргайсиз". Мавлоно Додак: "Нима буюрсалар ҳаммасини қиламан, хизмат камарини жоним белига маҳкам боғлагайман" – деди. Ҳазрати Хўжа ҳар хил ишларни бирма-бир санадилар ва охирида "ўғирлик бўлса ҳам қиласанму?" – дедилар. Мавлона Додак ўйланиб қолди, сўнг деди: "У айтганлар ҳаққуллоҳдир, унинг карамига ниҳоя йўқ. Аммо ўғирлик иши бандалар ҳақига тажовуз қилишдир" – деб жавоб берганлар. (Абул Муҳсин Муҳаммад. "Баҳовуддин Балогардон". Тошкент, 1993 йил. 152-бет).

Ҳазрат Гадой Селкин ота эса ахлоқ ва тасаввуфни ўзида мужассамлаштирган Нақшбандия тариқатининг асосчиси Шайх Баҳовуддин Балогардоннинг шогирди бўлган. Шайх Гадой Селкин ота қабри Хатирчи тумани марказида мангу қўним топган. У киши бу ерда масжид ҳам қурдирган. Асли бу зот тошкентлик бўлиб, пирлари сабаб Хатирчига келиб қолган эканлар. Пирлари: "Мана шу чўпни олгин-да, ерга суқиб қўй. У қаерда кўкарса, шу жойда масжид қурдир", – деб чўпни берган экан. Буни қаранг, ўша хосиятли чўп келиб-келиб Зарафшон воҳасининг гавҳари Хатирчи тупроғида кўкарган экан. Шу тариқа авлиё Хатирчида муқим яшаб қолади.

Хатирчиликлар Гадой Селкин ота номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Эл орасида бу авлиёсифат инсон билан боғлиқ кўпдан-кўп ривоятлар сақланиб қолган. Ҳатто, бир гал Машраб Хатирчида бўлиб, Гадой Селкин ота қабрини зиёрат этгани бизга тарихдан маълум. Шу мисолдан кўриниб турибдики, бу зотнинг обрўси, ҳурмати халқ орасида баланд бўлган.

Мен тароватли заминда туғилиб, ўсганимдан фахрланиб юраман. Негаки, бу гўшанинг осмонўпар тоғлари, бахмал водийлари, чексиз кенгликларини кезганинг сайин кўнглинг аллақандай ҳисларга ошно тутинади. Беихтиёр, хаёл пучмоқларида устоз Ҳамид Олимжоннинг "Шундай ўлка доим бор бўлсин" деган дилбар сатрлари жонланади. Алҳол, бир маҳаллари эртакларда тараннум этилган ўлка завол топмасин.



Миркарим ОСИМ

Широқ

Ёз бошланиб, Яксарт бўйидаги чўлларда ўтлар қовжирай бошлади. Бу ерларда яшовчи шак қабилалари серўт яйловларга кўчиш тараддудига тушишди. Янги ерларга кўчиш чорвачилар учун бир байрамдек эди. Улар баҳор мавсумида яшаб ўрганиб қолган ерларини ташлаб кетиш олдидан бир-бирлариникига қўноқ бўлиб борар, доривор ўтларни еб семирган биялларнинг сутидан тайёрланган ўткир қимизларни ичиб маст бўлган йигитлар қизлар билан лапар айтишар, вақтичоқлик қилишарди.

Бироқ бу сафар одамларнинг кўнглига қил сиғмас, ўтловлардан на қўшиқ товуши ва на қизларнинг хушчақчақ кулгиси эшитиларди.

Баланд бир ерга қурилган катта оқ ўтовни эгниларига ярғоқ теридан камзул, бошларига учи ингичка, узун қалпоқ кийган қуролли соқчилар қўриқлаб турардилар.

Ўтов ичида эса шак қабилаларининг оқсоқоллари кенгаш қуриб ўтирардилар. Тўрга солинган айиқ териси устида чордона қурган Рустак оқсоқолларига вазиятни тушунтирарди:

– Эрон шоҳи Дараявуш Ўкуздан кечиб, Сўғдияни босиб олди. Эронийлар эл-юртни талаб, эркакларни қул, хотинларни асир қилиб олиб кетаётирлар. Энди навбат бизга келди. Даракчиларимиз шоҳнинг биз томонга Роносбат бошчилигидаги катта бир қўшинни юбормоқчи бўлганлигидан дарак бераётирлар...

Рустак – соч-соқоли оқарган, бир оз мункайиб, чўкиб қолган суяқдор чол. У бир вақтлар кенг яғринли, баланд бўйли паҳлавон эди. Яккама-якка жангларда шак уруғининг душманларидан кўп баҳодирларни ер тишлатган, унинг номи Сўғдияда ҳам, Эронда ҳам машҳур эди.

Ҳозир у шаклар ва сўғдияликларнинг ашаддий душмани бўлган Эрон шоҳи ва унинг қора ниятлари тўғрисида гапирар экан, ғазабдан нафаси тиқилар, кўзлари ўт сочар эди. У гапни тугатиб, душманни даф этмоқ учун қандай чоралар кўриш кераклиги тўғрисида ўз фикрларини айтишни уруғ оқсоқолларидан сўради.

– Қўлидан иш келмайдиган чоллар, кампирлар, болалик хотинларни қўй ва йилқилар билан узоқ чўлларга юбориб, қолган эр ва аёлларнинг барини қуроллантирсак ва душман билан бир томчи қонимиз қолгунча урушсак, деб гап бошлади уруғ оқсоқолларидан Саксфар.

У олтмишга бориб қолган бўлса-да, ёшлардек икки бети қип-қизил, серғайрат ва таваккалчи одам эди.

– Уруш кулфати беномуслик машаққатидан яхшироқ. Золим Эрон шоҳига қул бўлгандан кўра жанг майдонида ўлган афзал...

Рустак унинг узундан-узоқ гапини сабр билан тинглаб, бошини қуйи солганча ўйланиб қолди.

– Жангда мардларча ўлмоқ осон гап, лекин душманни янчиб ташлаб, ундан қасос олмоқ қийин. Биз мардлик кўрсатиб, номимизни қолдириш тўғрисида эмас, балки эл-юртимизнинг эркини қандай сақлаб қолиш тўғрисида ўйламоғимиз керак, – деди у қизиққон Саксфарга қараб.

Оқсоқоллар мум тишлагандек миқ этмай ўтирар эдилар. Кўп мамлакатларни босиб олиб, жанг майдонларида кўп тажриба орттирган, яхши қуролланган Эрон қўшини билан урушмоқ жуда қийин эканлиги уларга аён эди.

Бошлиқлар бу мушкул муаммони ечиш учун бош қотириб ўтирганларида, ўтов эшиги олдида турган қуролли йигит Широқ деган бир чўпоннинг киришга ижозат сўраётганини билдирди.

– Широқ! – деб қошини чимирди Рустак, – Ким у?

– Широқ бизнинг уруғдан. Бутун умри чўпонлик билан ўтган, – деди Саксфар. – Ўзи жуда фаросатли, доно, достончи чол. Эски чалдиворлардан чаён ушлаб ўзини чақтиради. Оғриқ сезмайди. Айтишларича, ёшлигида илон уни чақиб олганда аллақандай гиёҳларни суртиб тузалиб кетган эмиш. Ўшандан бери илон-чаёндан қўрқмайди.

– Андоғ бўлса, чақир буёққа ўша чолни.

Эшикдан ёши олтмишдан ошган, тетиккина, барваста бир чол кириб, таъзим қилди.

– Ижозат берсанглар, мен ҳам қаторингизга ўтириб, ўз фикримни айтсам. Нима тўғрида гаплашаётганингизни биламан.

– Ўтир, ўтир, гапингга қулоқ соламиз, – деди Рустак.

– Эрон шоҳининг аскарлари Сирдарё остидаги қум доналаридан ҳам кўп, уларни жангга чорлаб, енгиш маҳол.

Шундай бир ҳийла топмоқ керакки, душманнинг оёғи тойиб, ҳалокат жариға қулаб тушсин.

– Қани, айт, қандай ҳийла ўйлаб топдинг?– деб сўради Рустак.

– Буни фақат сенга айтаман. Оқсоқоллар ўтовингни тарк этсинлар.

Рустак бу гапни эшитиб афтлари бурушиб кетган оқсоқолларга бир қараб олди-да:

– Нима, сен шу улуғ зотларга инонмайсанми? – деб сўради.

– Инонаман, улар эл ғамини ейдиган ҳалол одамлар, ўлсалар ҳам душманга сир бой бермайдурлар. Аммо уларнинг яқин дўстлари, инилари, ўғиллари, хотинлари бор. Мен айтган гапларни беихтиёр уларга айтиб қўйишлари мумкин. Уёғи маълум, эл оғзига элак тутиб бўлмайдур. Оқсоқоллар мени кечирсинлар...

Уруғ бошлиқлари бирин-кетин ўринларидан туриб чиқиб кета бошладилар.

Оқ ўтовдан нарироқда чўққайиб ўтирган оддий кўчманчилар Широқни яхши танир, унинг қўбиз чалиб айтган достонларини кўп маротаба тинглаган, ўзи ҳам достонларда мадҳ этилган шерюрак одамлардан бири эканлигини билар эдилар.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин Широқ ўтовдан чиқди. Уни кўргач, кўчманчилар даҳшатга тушиб ўринларидан сакраб туриб кетдилар. Кекса чўпон кесилган иққи қулоғи ва бурнига куйдирилган намат босиб, сизиб оқаётган қонни тўхтатишга ҳаракат қиларди. Кутилмаган бу фожиадан ғазабланган одамлар унинг атрофини ўраб олдилар ва устма-уст савол ёғдира бошладилар:

– Қулоқ-бурнингни нега кесдилар?

– Сен шўрлик нима гуноҳ қилиб эдинг?

Ранги мурдадек оқариб кетган Широқ тишини тишига қўйиб, ўзини бардам тутишга уринар, уруғдошларининг саволларига жавоб бермасди. Уни бир жойга ўтқазиб, куйдирилган намат билан қонини

тўхтатдилар. Чолнинг саҳро шамоли ва чўл қуёшидан қорайган юзида ғазаб аломати йўқ эди. У ўзига келгач, ўрнидан турди-да, кунботиш томонга қараб кетди. Ҳанг-манг бўлган кишилар унинг орқасидан қараганларича қотиб қолдилар.

Деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланувчи сўғд халқини итоатга келтирган Эрон шоҳи Яксартнинг сўл қирғоғидаги кўчманчилар устига юриш олдидан дам олмоқда. У етти пахса девор билан ўралган боғ ўртасидаги баланд шийпонда ўз аъёнлари билан май ичиб, шакаргуфторлик қилиб ўтирарди.

Мулозимлардан бири шийпон ёнига келиб таъзим қилди-да, қулоқ-бурни йўқ ғалати бир чол шоҳ ҳузурига киришга изн сўраётганини билдирди. Доро суриштириб, келган одамнинг шак қабиласидан эканлигини билгач:

– Майли, кирсин, – деди.

Икки қуролли мулозим бошлаб келган Широқ шоҳдан ўн беш қадамча берида тўхтади-да, ер ўпди ва ўрнидан туриб, таъзим қилганича қотиб қолди.

Доро баланд бўйли, қушбурун, чиройли одам эди. Унинг понага ўхшаган соқоли кўкрагига тушган ва майин таралган. Устидаги тўқ қизил заррин тўни йилтирар, қўлидаги узун асо дастасига қадалган қимматбаҳо тошлар қоронғи кечадаги юлдузлардек чарақлар эди. Тош қўғирчоққа ўхшаган икки мулозим уни секин-секин елпиб турарди.

Доро камон қошларини чимириб, баланд овоз билан:

– Ҳой одам, ўзинг кимсан, отинг нима ва қайси уруғдансан?– деб сўради.

– Отим Широқ, ўзим шак уруғиданман,– жавоб қилди чол.

– Келиб менинг истироҳатимни бузмоқдан мақсадинг надир?

– Мақсадим мулозамат камарин белга боғлаб, умримни сиз шаҳаншоҳ хизматида ўтказмоқдир. Жанобларига хайрихоҳ бўлганим туфайли қабиладошларимдан қаттиқ ситам кўрдим. Уларга мен: “Шоҳи Эрон билан урушаман, деб чиранманг, сизларни бир ҳамлада зеру забар қилгай, яхшиси, итоат камарин боғлаб бориб, ул зоти бобаракотнинг этакларидан ўпинг”, дедим. Бу гапдан хабар топган ҳукмдоримиз Рустак ғазабга минди ва менинг қулоқ-бурнимни кестирди. Мен энди сизнинг ёрдамингиз билан ундан ўчимни олмоқчиман. Агар ижозати олий бўлса, енгилмас қўшинингизни ёлғиз подачилар биладиган сўқмоқлар билан шак лашкарларининг орқасидан олиб чиқар эдим, кейин уларни қилич дамидан ўтказмоқ қийин эмас...

Широқнинг гапини эшитиб, Доро ўйга толди. Агар жанговар шак қабилалари шу йўсинда яксон қилинса, Ўкуз билан Яксарт ўртасидаги серунум ерларни босиб олган Эрон лашкарларининг бехатарлиги таъмин этилган бўлади. Аммо бу кекса чўпонни бир синаб кўрмоқ керак.

Широқ шоҳнинг ишончсизлик кўзи билан қараётганини фаҳмлаб, ўз сўзининг тўғрилигини исбот қилишга киришди:

– Ахир қулоқ-бурнимнинг яқиндагина кесилгани кўриниб турибди-ку! Бизникилар бекорга ўз уруғларига бундай ситам етказмайдурлар.

У ўйлаб қўйган далилларини келтириб, узундан-узоқ гапирди ва ўзининг Эрон шоҳига содиқлигини, шакларга душман эканлигини исбот қилишга тиришди, сўзининг охирида Қуёш тангрисини шафе келтириб онт ичди.

Доро саркардалари билан маслаҳатлашиб, шаклар устига қўшин юборишга, Широқни эса йўл бошловчи қилиб олишга қарор берди.

Эрон аскарлари йўл бошловчининг маслаҳати билан етти кунлик сув, озиқ-овқат ва ем-хашак олиб йўлга чиқдилар ва дарёнинг чап қирғоғидаги қум саҳроларидан бориб шакларга орқа томондан ҳужум қилмоқчи бўлдилар.

Дастлабки кунлар йўл унча машаққатли бўлмади. Чўл ўтлари энди қовжираб келаётган бўлса ҳам онда-сонда булоқлар атрофида кўм-кўк ўтлоқлар учраб турарди. Бора-бора чўл саҳрога айланди, одамлар ва отларнинг сувга эҳтиё-

жи оша борди. Афсонавий отларнинг тақаларига ўхшаб уюлиб қолган қумтепалардан ошиб ёки четлаб ўтиш осон эмас эди. Қора терга тушиб ҳансираган отлар оёқларини қумдан аранг тортиб олиб, бошларини қуйи солганларича битта-битта қадам ташлаб борарди. Саҳронинг бераҳм қуёши ёмон ниятда қолаётган бу қуролли одамларнинг бошидан олов сочар, ичларини куйдириб, ташналикдан лабларини қовжиратар, қумлар устида жимирлаб турган қайноқ ҳаво ўпкаларини ёндирарди.

Лашкарбошиларнинг тоқатлари тоқ бўлиб, шаклар лашкаргоҳига қанча масофа қолганини Широқдан суриштира бошладилар. У эса манзилга яқинлашиб қолганликларини ва яна икки кун юриш кераклигини айтиб, бошлиқларни юпатарди. Бироқ сермашаққат сафарнинг еттинчи куни ҳам шаклардан дарак топмадилар. Ҳаммаёқ дашт-биёбон, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди. Сув, озиқ-овқат, ем-хашак тамом бўлган, ориқлаб кетган отлар ер искаб сув қидиради, қовжираган лаблари шишиб кетган одамлар бир қултум сув учун бир йиллик умрларидан кечишга тайёр!

Широқни ўртага олиб: "Бизни қаерга бошлаб келдинг, аблаҳ!– деб қисти-бастига олдилар. Аскарбошилардан бири уни ёқасидан ушлаб силтади ва ҳақорат қила бошлади. Широқ ёқасини унинг қўлидан қутқариб, намат қалпоғини бошидан олди-да, серажин ва кенг пешонасидаги терини артди. Унинг қовжираган лаблари истеҳзоли табассумдан ёришиб, қийиқ кўзларида ўт чақнаб кетди. Атрофини қуршаб олган ғазабли чеҳраларга мағрур қараб туриб, қалпоғини ерга бир урди-да, қаҳқаҳлаб кулиб юборди:

– Мен енгдим, Доро қўшинини бир ўзим енгдим! – деди у қичқириб. – Сизларни алдаб саҳронинг қоқ ўртасига олиб келдим,– қўли билан кунчиқиш ва кунботиш томонни кўрсатди. – Буёғи ҳам етти кунлик йўл, уёғи ҳам. Истаган томонингизга бораверинг! Менинг гўрим шу ерда, – деб оёғи остини кўрсатди.

У ўз муродига етгани учун муқаддас оташ ва сув худосига шукур қилиб, аллақандай бир дуони ўқиди. Дарҳақиқат, у ўз элини қуллиқдан қутқариб қолиш учун жонидан кечган, ёвуз душманни ҳийла тузоғига илинтириш учун минг турли азоб-уқубатни бўйнига олган эди. Мана энди у ниятига етди, душман аскарини ҳалокат жари ёқасига бошлаб келди. Энди душман нима қилса қилаверсин!

У Рустакнинг ҳузурига киргани да шундай деган эди:

– Агар менинг бола-чақам ва невараларимни унутмасанг, ўз ширин жонимдаи кечиб, юрт бошига келган балони даф этардим. Душманни даф қилмоқ учун бир ҳийла ўйлаб топдим. Умрим охирлаб қолди, ахир бу дунёдан кетмоқ керак. Мен эл-юрт учун ўлимнинг ширин шарбатини ичмоққа қарор қилдим... Гапимга қулоқ сол...

Ҳукмдор унинг гапини охиригача тинглаб, фикрини маъқуллаган эди. Шунда у ёнидан ўткир пичоғини олиб, ўз қулоқ-бурнини кесган ва гўё ўз элига хиёнат қилган бўлиб, душман орасига кирган эди...

Ғазабдан кўзлари олайиб, афт-башараси бужмайиб хунук бўлиб кетган Эрон саркардалари Широқни ўраб олиб, уни ура бошладилар. Саркарда Роносбат дабдаласи чиққан Широқни улар қўлидан қутқариб, бир четга олиб чиқди-да, сув ичирди, сўнгра чодирига олиб кириб, уни яхшиликча йўлга солмоқчи бўлди. Энди Эрон саркардаси шаклар устига юриш қилиб, уларни тор-мор этишни хаёлидан чиқариб ташлаган, у фақат қўшинини ҳалокатдан қутқариб қолишни ўйларди.

– Агар сен саҳро қудуқлари ва чашмаларини бизга кўрсатсанг, гуноҳингдан кечиб, Сўғдияда истаган қишлоқлардан бирини сенга инъом қилардик.

– Ўз элимнинг душманларига ёрдам учун чўзадиган қўлимни кесиб ташлаганим маъқул, – деди у гапни қисқа қилиб. Ҳалокат ёқасида қолган эронийлар аччиқларига чидай олмай фидокор чўпонни чопиб, қийма-қийма қилиб ташладилар.

Summary

Dear reader.

In your hand is the first issue of 2023 of «Babur and the World» magazine. In this issue, you will enjoy reading interesting articles and essays about the life and artistic heritage of Zahiruddin Muhammad Babur.

For example, you can read articles written by Khurshid Davron, Nurboy Jabbarov, Agulbay Gaylieva, Bahrom Rozimuhammad and Ulug'bek Jumaev. In addition, we believe that the story called «Shirok» will arouse great interest among our readers.

МУАССИС
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, "Агробанк" акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши таъсисчилигидаги "Zaytun bog`lari" МЧЖ.

Таҳрир ҳайъати

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, геология-минерология фанлари номзоди.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Эйжи МАНО,
профессор (Япония).

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Боқижон МАТБОБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи

Сйед Нақи АББАС,
Рампур-Ризо кутубхонаси Вице-Президенти, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди Ҳиндистон бўлими раҳбари, шоир (Ҳиндистон).

Абдимажид МАДРАИМОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Мирза КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, шоир, таржимон.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди, доцент.

Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари доктори.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
журналист

Нашр учун масъул: **Улуғбек ЖУМАЕВ**

Саҳифаловчи-диз@йнер: **Шахобиддин МАХМАДИЕВ**

Мусаҳҳиҳ: **Яшнар МЎМИНОВА**

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди. Матнлардаги маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъул. Таҳририят барча ижодий ишларни белгиланган тартибда таҳрир этишга ҳақлидир. Журналдан кўчириб босилганда манба номи кўрсатилиши шарт.
e-mail: boburvadunyo@mail.ru

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 26 мартда 0954-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган. Журнал йилига 4 марта, ҳар 3 ойда бир марта чоп этилади.

Босмахонага топширилди 2023 йил 29 апрель соат 10:00 да.
Босишга рухсат этилди: 2023 йил 29 апрель соат 16:00 да.
Бичими 60x84/8. Офсет усулида, 80 грамм офсет қоғозида босилди.
Шартли босма тобоғи 9.
252 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Журнал "Ўзбекистон" НМИУ босмахонасида нашр этилди.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (0-371) 241-18-67, факс: 241-09-21.
Нашр индекси: 2543

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА



ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

Баҳор айёмидур,
доғи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким,
ишрат замонидур.

Ғаҳи саҳро узори лола шаклидин
эрур гулгун,
Ғаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидин
арғувонидур.

Яна саҳни чаман бўлди
мунаққаш ранга гуллардин,
Магарким сунънинг наққошиға ранг
имтиҳонидур.

Юзунг,эй сарв, жоним гулшанининг
тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг
сарвари равонидур.

Не ерда бўлсанг,эй гул,андадур чун
жони Бобурнинг,
Ғарибингға тараҳҳум айлагилким,
андижонидур.

